

САЙИД МАНСУР ОЛИМИЙ

# БУХОРО - ТУРКИСТОН

## БЕШИНЧИ



## ТАРЖИМОНДАН

Бухоронинг сўнги ҳукмдори амир Олимхоннинг (1910-1920) ватандан йироқда, муҳожирликда кечган ҳаёти доимо биз учун мавҳум, сирли бўлиб келди. Унинг тўғрисида узок йиллар асоссиз ва асосли миш-мишлар юрди. Чунки сохиби тожнинг Афғонистондаги ҳаёти тўғрисида биз расмий маълумотга эга эмас эдик. Маълумот олишнинг иложи ҳам йўқ эди. Хорижий нашрлар эса яқин-яқинларгача бизга етиб келмасди. XX асрнинг 80-йиллари матбуотда Бухоро амирининг Афғонистондаги ҳаёти ҳақида тадқиқот олиб бориш, ҳеч бўлмаганда бадний асар яратиш лозимлиги тўғрисида мулоҳазалар билдирилган эди. Лекин бу нарса мулоҳазалигича қолиб кетди. Мавжуд ижтимоий фикр ҳали бунга тайёр эмас эди.

Беш-олти йил бурун қўлимизга амир Олимхоннинг ҳозирда Туркияда истикомат қилаётган ўғли Саййид Мансур Олимий томонидан ёзилган ва Туркияда араб алифбоси ва форс тилида чоп этилган “Бухоро-гахвораи Туркистон” (Бухоро-Туркистон бешиги) номли асари тушди. Асарни мутолаа қилиш жараёнида ундаги қизиқарли маълумотлар диққатимизни тортди. Тож-тахтдан мосуво бўлган амир Олимхоннинг Афғонистонда чеккан изтироблари, дард-хасратлари, афғон ҳукмрон доираларидан эшитган таънаю маломатлари асарда батафсил баён этилган. Асарни мутолаа қилган киши Бухоронинг сўнги ҳукмдорининг Афғонистондаги моддий тўқис, лекин рухий кемтик ҳаёти билан танчишади, армонларига гувоҳ бўлади.

Биз қўлга киритган оғзаки маълумотларга қараганда, Саййид Мансур Олимий 1931 йил Афғонистонда туғилган. Кўп йиллар ўқитувчилик касби билан шуғулланган. Коммунистик режим оқибатида Бухоро бошига тушган кулфатлар, унинг сабаблари, шу қонли режим тазйиқи остида мамлакатни ташлаб кетишга мажбур бўлган отаси амир Олимхон тўғрисида бир асар ёзишни ўзининг бурчи деб ҳисоблаган. Асарнинг дунёга келиши бир томондан фарзанднинг отаси хотираси олдидаги

фарзи бўлса, иккинчи тарафдан, муаллифшу асар оркали замондошларини ҳамда келажак авлодларни Бухоро фожиясидан хабардор қилиш, большевистик тузумнинг асл башарасини очиб беришга ҳаракат қилади.

Асардаги барча маълумотларнинг ҳаққонийлигига даъво қилиш фикридан йироқмиз. Муаллиф баъзи масалаларга субъектив ёндашган бўлиши мумкин. Лекин улар замирида муайян ҳақиқат ётади. Бухоронинг сўнгги амири ўзининг ўн йиллик ҳукмронлик даврида қанча яхшию ёмон, тўғрию нотўғри ишларни қилган бўлмасин, у большевиклар зўравонлиги қурбони бўлди. Тахтдан ноқонуний четлаштирилди.

Бухоро Мовароуннахрнинг юраги, гавҳари, иймони, эътиқоди бўлиб келган. Мовароуннахрдаги равақ, таназзул, турғунлик Бухоро тақдирида ҳам акс этган. Айниқса шўролар истилоси Бухоро тақдирида кескин салбий бурилиш ясади. Неча асрлардан бери шаклланиб, мустаҳкамланиб, илдиз отиб келган тарихий анъаналар остин-устун қилинди, ҳаёт оқими бошқа ўзганга буриб юборилди. Саййид Мансур Олимийнинг асарида ана шулар тўғрисида сўз боради.

“Бухоро - Туркистон бешиги” асари 1996 йил Туркияда нашр этилган бўлиб, унда Туркистоннинг араблар томонидан истило қилиниш давридан XX аср 20-йилларигача бўлган тарих ўз аксини топган.

Асосий эътибор манғитлар хонадони ҳукмронлик даври тарихига қаратилган. Сулола ҳукмронлик даврида Мовароуннахрда юз берган сиёсий воқеалар, Бухоронинг Мовароуннахр ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида тутган ўрни ва ҳоказолар тўғрисида китобда кенг маълумот берилди.

Большевиклар томонидан Бухоронинг босиб олинishi ва унинг оқибатлари, истиқлолчилик ҳаракати, бу ҳаракатнинг кўзга кўринган вакили Мулло Иброҳимбек таржиман холи, амир Олимхоннинг Афғонистондаги изтиробли ҳаёти китобда баён этилган воқеаларнинг негизини ташкил этади.

Саййид Мансур Олимий ўз китобида “Ёш бухороликлар” партияси аъзоларига нисбатан кескин фикр билдирган. Буни тушунса бўлади. Чунки, у амир Олимхоннинг фарзанди. Шу боис амирлик тузумини қўллаб қувватлайди. Лекин объектив

тарихий шарт-шароит нуктаи назаридан олиб қаралганда, XX аср бошларида Бухоро туб ижтимоий-иқтисодий ислохотларга мухтож эди. Буни Бухоро жаҳидлари яхши англаб етган эдилар. Айниқса, маориф соҳасида ислохотлар ўтказиш зарур эди. Амирлик тузуми эса етилиб келаётган ислохотларга тўсик бўлаётган эди.

“Бухоро -Туркистон бешиги” асарининг устунлик томони шундаки, амир Олимхоннинг нафақат ҳукмдор, балки шахс сифатидаги қирралари тўғрисида ҳам асардан маълумот топамиз.

Китобни ёзишда муаллиф амир Олимхон “Хотиралар” идан, амир Олимхонни кўрган, билган, у билан ҳамсухбат бўлган кишилар маълумотларидан, Афғонистон ва бошқа Шарк мамлакатлари тарихчи- публицистларининг асарларидан, газета ва журналларда эълон қилинган мақолалардан фойдаланган. Муаллифнинг ўз шахсий кутубхонасида сақланаётган Мирза Салимбекнинг “Тарихи Салимий” асари ҳам китобни ёзиш учун манба бўлиб хизмат қилган.

Биз яхши ниятлар билан асарни форс тилидан ўзбек тилига ўғирдик. Таъкидлаш жоизки, китобда қатор хронологик хатоларга йўл қўйилган. Таржима жараёнида иложи борича уларни тузатишга ҳаракат қилдик. Китоб баъзи жузъий қисқартиришлар билан диққатингизга ҳавола этилмоқда. Ўйлаймизки, мустақил мамлакатимиз тарихини, хорижлик ватандошларимиз ҳаётини ўрганиш учун бу китобнинг ўз ўрни бор.

Китобни қўлга киритишда бизга яқиндан ёрдам берган яхши инсон - бухоролик стоматолог Омон Воҳидовга, шунингдек, таржима асарни нашр этиш билан боғлиқ харажатларни ўз зиммасига олиб ҳомийлик ёрдами кўрсатган ва муҳаррирлик қилган бухоролик таниқли олим, фалсафа фанлари доктори Мэлс Махмудовга ўз самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Ҳалим Тўраев

## АЗИЗ КИТОБХОН !

Диккатингизга ҳавола этилаётган китоб Бухоро тарихи, унинг большевиклар томонидан ваҳшиёна босиб олинishi ва бунга хайрихоҳлик қилган айрим кимсалар тўғрисида хикоя қилади. Китоб амир Саййид Олимхон замондоши ва у билан узок йиллар муҳожирликда бирга бўлган Бухоронинг баъзи улғу кишилари хотиралари асосида ёзилди.

Большевиклар Бухоро ва Ўрта Осиёга тажовуз қилганларида Бухоро давлати кучли қўшинга эга эмас эди. Бу азиз китобхонларга таажуб уйғотиши мумкин. Муаллифнинг ўзи ҳам бу борада англашилмовчиликларга дучор бўлди. Лекин олиб борилган тадқиқотлар натижасида баъзи далилларни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Шуларни азиз китобхонлар ҳукмига ҳавола қиламиз.

Биринчидан, Ўрта Осиё Бухоро амирлиги даврида бир қанча қисмларга бўлиниб кетган эди: чунончи, Бухоро, Фарғона, Қашғар, Ёрканд, Чоржўй, Наманган, Хоразм, Ашхобод, Андижон. Буларнинг ҳар бири ўзига мустақил бўлган. Бухоро давлати ҳам Ўрта Осиёнинг бир қисми эди. Чор Россияси Фарғона, Қашғар, Чоржўй, Андижонни босиб олиб, Бухоро ҳукмдори амир Музаффар билан тарихий шартнома тузди ва Бухоро озодлигини кафолатлади. Шартномага асосан Чор Россияси тарафидан Бухоро учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқ эди.

Иккинчидан, Бухоронинг сўнги ҳукмдорлари бошқа давлатларни босиб олиш фикридан мутлақо йироқ эдилар.

Учинчидан, тарихнинг гувоҳлик беришича, Бухоро ва бошқа аксарият шарқ мамлакатларида XIX аср ўрталаригача мунтазам армия мавжуд эмас эди. Бирор мамлакатга ҳужум қилиш зарурияти туғилганда ёки Бухоро халқи Куръони карим аҳкомларига бўйсуниб, шариатга риоя қилишни ўз бурчлари деб билиб, кофирлар ҳужум қилганда жиходни ўзлари учун фарз этганлар. Шу боис Бухоронинг 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган халқи сўнги нафасигача большевикларга қарши кураш олиб бориб ўз диний ва миллий бурчини адо этди.

Курол-яроғни ҳозирлаш, кўшинни зарур жанг анжомлари билан таъминлаш, кўшни давлатлардан кўмак олишни ташкил этиш Бухоро амири ва бошқа давлат арбобларининг вазифаси эди. Бу ишларнинг барчаси Бухоро амири ва унинг атрофдагилари томонидан назарда тутилиб, амалга оширилди. Фақат кўшни давлатлардан кўмак олишга муваффақ бўлинмади. Бу тўғрида кейинги саҳифаларда гапирилади.

Большевиклар таъсирга тушган Бухоронинг бир гуруҳ ёшлари эса уламолар, шоирлар, ёзувчиларни қамашга киришдилар, ва ҳатто маданий, тарихий обидаларимизни вайрон қилдилар.

Россия-Бухоро жангида муҳим омил Бухорони барбод этиш эди. Инглиз империалистлари зулмидан эндигина халос бўлган кўшни Афғонистон инглизларнинг рақиби ҳисобланган Россия билан дўстона муносабатлар олиб боришга мажбур эди. Шунинг учун Бухорога ёрдам беришдан қўлини тортди.

“Бачаи Сақо” номи билан маълум бўлган амир Ҳабибулло Килконий қисқа ҳукмронлик даврида Бухоро халқининг муурожаатига “лаббай” деб жавоб берган ягона афғон ҳукмдори эди. У Бухоро учун ўз ҳарбий ёрдамни аямади.

Нодиршоҳ ҳукмронлик даври ички душманларга қарши кескин кураш билан изоҳланади. У Омонуллоҳон билан Шўролар жумҳурияти ўртасида имзоланган шартномага оғишмай амал қилди. Унинг даврида Афғонистон шимолида яшовчи тожик қавмлари, жанубий ва жанубий ғарбда яшовчи пуштунлар оммавий қирғин қилинди.

Икки кудратли давлат (Россия ва Англия) ўртасида рақобат майдонига айланган Эрон эса Бухоро масаласида бирор фикр айта олмасди.

Китоб мутолааси жараёнида ўқувчиларга шу нарса маълум бўладики, руслар Бухорони осонгина қўлга киритганлари йўқ. Бу иш руслар тарафидан жуда кўп талафотлар бериш эвазига амалга оширилди. Бухорога рус коммунистлари хужум қилганда бирор кўшни мамлакат ёрдамга келмади.

1920-1927 йиллар мобайнида химоясиз қолган Бухоро ва Мовароуннахр халқлари бошига тажовузкорлар томонидан не

кунлар солинмади. Қўшни давлатлар томонидан не-не тухматлар ёғдирилмади, таъна тошлари отилмади.

Китоб муаллифи амир Саййид Олимхон авлодларидан бири. Умрининг кўп қисми иккинчи ватани Афғонистонда ўтди. “Ватанни севмок иймондандир” (Хуббул-ватани мин ал-иймон) калимасига мувофик, агар китобда Бухоро ва унинг айрим шахслари тўғрисида баъзи қусурли сўзларни айтган бўлсам, китобхонлардан уэр сўрайман.

Китобни ёзишда мендан ўз ёрдамини дариф тутмаган фозил ва донишманд Муҳаммад Сарвар Акбарийга, китобдаги суратларни\* тўплашда кўмаклашган доктор Ғавсиддин Бухорийнинг ўғли Валиджонга, шунингдек, ўз фикр-мулоҳазалари ва маслаҳатлари билан ўртоқлашган бошқа дўстларимга ўз самимий миннатдорчилигимни билдираман.

Саййид Мансур Олимий

---

\*) Китоб аслидаги, яъни Туркияда нашр этилган китобдаги суратлар назарда тутилмаяпти. Уларни таржима асарга жойлаштиришнинг иложи бўлмади. Таржима асардаги суратлар эса таржимон томонидан тўпланган. (Х.Тўраев)

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РАҲИМ

Қадимий маскан бўлган Туркистон тарихлар давомида иқтисодий, сиёсий, маданий тараққиётни ўз бошидан кечирди. Бу маскан уммавийлар сулоласи вакили халифа Абдулмалик Маврон даврида, яъни 706 йилда ислом динига кирди.

Бухоро, Фарғона, Қашғар, Ёрқанд, Чоржўй, Наманган, Хоразм, Ишқобод (Ашхобод), Андижон муҳим тарихий марказлар бўлиб, туркий мусулмонлар яшайдиган ерлар саналган. Тарихнинг гувоҳлиги бўйича, Туркистон ва Мовароуннаҳрда яшаган турклар асли Ёфас бин Нухнинг авлодлари бўлишган.

Кейинги сулолалар даврида бу миллат тарихий манбаларда кўпроқ икки ном билан тилга олинади. Ўзбак ва ўзбек. Булардан бири Ўзбекхон мусулмон ва одил ҳукмдор бўлиб, ўз салтанатини кенгашли бошқарув воситасида бирлаштириб, мустаҳкамлади. Айтиш мумкинки, “ўзбек” сўзи “ўзи бек” ёки “ўзимбек”, яъни озод, мустақил маъноларини англатган.

Бошка бир ўзбак Тилойиъ отадир. Ривоятга биноан, Тилойиъ ҳазрат имом Хусайн бошини Афғонистонга олиб келиб, “Орханг”, бугунги “Имом сохиби маъруф”, деган жойга дафн қилган киши ҳисобланади. Туркистон шоҳлари 715-745 йилларда ҳукмронлик қилганлар.

Аббосийлар сулоласининг сўнгги вакили Аҳмад ибн Асад Форси 784 йилгача у ерда ҳукмронлик қилди. Ундан сўнг IX аср охирида Туркистон Семонийлар хонадонига мансуб ва пойтахти Бухоро бўлган озод ва мустақил бир мамлакат сифатида қарор топди. Туркистондаги миллат ва қабилалар (элатлар) ўзбек, тожик, қирғиз ва қозоқ қавмларидан иборатдир. Ўзбеклар Бухоро, Самарқанд, Қаттақўрғон, Хисор, Қарши, Душанбе ва унинг атрофларида яшаб форс ва ўзбек тилларида сўзлашганлар. Тожиклар Хўжанд, Бухоро, Самарқанд, Ўратепа, Конибодом, Косон ва Дарвозда яшаганлар ва яшаб келмоқдалар. Уларнинг



тиллари форсийдир.

Шунингдек, козоқлар ҳам айни замонда Қозоғистон деб аталадиган шу жой ва минтақада яшаб туркий тилнинг бир шаҳобчаси бўлмиш козоқ тилида сўзлашадилар. Эслаш жоизки, туркийлар икки гуруҳга бўлинганлар: ғарбий ва шаркий. Ғарбий туркийлар ҳозирги Туркияда яшовчи турклар. Улар ўз туркий тилларини сақлаб қолишган. Аммо шаркий туркийлар ўз юришлари ҳамда ички низолар даврида пароканда бўлиб, миллий анъаналари ва асл туркий тилларини йўқотдилар ва давлат тили ҳисобланган форсий тил нуфузининг ортиб бориши натижасида форс тилини ўргандилар. Уларнинг баъзилари форс тилини қабул қилдилар.

## ТУРКИСТОНДА ИСЛОМ ДИНИ

Ислом дини ҳазрат Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васаллам замонида Маккада пайдо бўлиб, Арабистон ва бошқа қўшни мамлакатларга тарқалди. Кейинчалик эса Франция, Испаниягача бўлган худудга ва Марказий Осиё ҳамда Мовароуннаҳр шаҳарларига тарқалди.

Туркистон халифа ҳазрат Усмон розиоллоҳ халифалик замонида ислом нуридан баҳраманд бўлди. Ҳусан бин Аббос розиоллоҳ шу халифа даврида Самарқандга хужум қилиб, унинг ҳокими Муғтанушни ўлдирди ва жанубий шарққа қараб ҳаракат қилиб Балх, Хирот шаҳарларида одамларни исломга даъват этди. Жайхун дарёсигача етиб борди. Туркистонликларнинг аксарияти исломни қабул қилмай араблар билан жангга киришдилар. Шунда Муовия бин Абу Суфён 50 минг лашкар билан Тоҳаристонгача (ҳозирги Толқон) бўлган ерларга етиб келди. Ерли аҳоли арабларга қарши кураш олиб борди, натижада араблар аҳолини исломга киритишга муваффақ бўлмадилар.

Абдулмалик Туркистонни фатҳ қилиш учун Ҳажоб бин Юсуф Шакафийни масъул этиб тайинлади. Убайдулло ибн Зиёд, Саид бин Усмон қаби араб саркардалари хужуми даврида ҳам Туркистон аҳли каттиқ қаршилик кўрсатди. Араб ноиб Қутайба ибн Муслим даврида Туркистон халқлари исломни қабул қила бошладилар ва унга тегишли бўлган шаҳарлар

Бухоро, Хива, Самарқанд, Туркистон ўлкаси, Фарғона, Қашғар, Балх ва бошқалар аббосийлар давридан то манғитлар сулоласи хукмронлиги даври охиригача ўз алломалари, олиму фозиллари билан жаҳоний шуҳрат қозониб келди. Жумладан буюк муҳаддис, “Саҳиҳи Бухорий” асари муаллифи Имом Абдуллоҳ бин Исмоил Бухорий, “Бадиъ вазиъ” асари муаллифи Имом Косоний, “Саҳиҳи мутавафи” асари муаллифи Абу Лайс Самарқандий, “Тафсир маърифат” асари муаллифи Имом Тақи, “Сати” китоби муаллифи Имом Абу Довуд, “Шамоил Муҳаммад” асари муаллифи Исо ат-Термизий, “Ҳиндистон тарихи”, “Тарихи Маъсудий” асарлари муаллифи Абу Райҳон Беруний, “Китоб аш-шифо”, “Ал-Қонун” асарлари муаллифи Ибн Сино, “Дақоик”, “Ахбор”, “Ислом шарияти” асарлари муаллифлари Наср бин Муҳаммад Самарқандий ва бошқалар бунга мисол бўлади.

## БУХОРО

“Бухоро” сўзининг маъноси “илм” демакдир. Чунки аксарият олимлар, фозиллар, ҳукамолар (ҳокимлар), адиблар шу ердан етишиб чиққан. Бухоро қадимда иброний тилидаги “Бихор” номи билан аталганки, бу сўзнинг ҳам маъноси “илм” демакдир. Аҳмад бин Наср ўз китобида Бухорони “Бумискат” деб тилга олади ва Бухоро шаҳрининг кўп номларга эга бўлганлигини таъкидлайди. У ёзадики, “Навмижкат” “Мадина ал-аъсар”, “Шаҳристони руъин”, “Мадинат ут-тужжор” номлари Бухоронинг фахрли номларидандир. Ҳазрат Сулаймон форсий ҳазрат Муҳаммад саллалоҳи алайҳи васалламдан ривоят қилиб ёзади: “Расули акрам саллалоҳи алайҳи васаллам Расули Жаброилдан сўрадилар: Бухорони нега “Фохира” дейдилар. У жавоб берди: “Бухоро ўз бағрида ётган шаҳидлар сонининг кўплиги билан бошқа шаҳарларга нисбатан ифтихорлидир”!

Ибн Хауқал Бухорони куйидагича таърифлайди: Бухоро бутун Хуросоннинг пойтахтидир. Унинг номи “Бужкас”дир. У турли обод биноларга эга шаҳардир. Унинг барча бинолари ёғочдан. Ундаги баланд қаср, саройлар, боғлар, гўзал хиёбонлар, киштоқлар фаровондир. Шаҳар (ва Бухоро воҳаси майдони)ўн

икки фарсахдир. Шу миқдордаги майдон девор билан ўралган бўлиб, барча қаср ва саройлар, уй-жойлар, хиёбонлар шу девор ичида жойлашган.

Дейдиларки, Бухоро шахрини Афросиёб бино этган. "Шариф" сўзи Бухорога нисбат берилиб Муҳаммад Исмоил Бухорий тарафидан ёзилган наби алайҳи-васаллам Ҳадиси шарифларида тилга олинади.

1868 йилда Бухоро (амирлигининг умумий) майдони 800850 км квадрат эди. Чор Россияси ҳукумати билан Бухоро амири Саййид амир Музаффар ўртасида жанг бўлиб ўтиб, унда Бухоро амири енгилгандан сўнг, икки урушувчи давлатлар ўртасида тузилган сулҳнинг 12-моддасига биноан, Самарқанд шаҳри ва атрофининг 24230 км.квадратли ҳудуди Чор Россиясига ўтди ва Бухоро жанг ҳаракатлари натижасида Чор Россиясига етказган талафотларини кантрибуция сифатида тўлашни ўз зиммасига олди.

Дехқончилик учун қулай бўлган ҳосилдор ерлар қўлдан кетиб, Бухоро давлати катта иқтисодий йўқотишга учради. Унинг майдони 776630 км.квадратга қисқарди. Ўша даврда Бухоро амирлиги аҳолиси 3млн.500мингдан ошарди.

Дейдиларки, амир Саййид Олимхон ҳукмронлик даврининг охирларида Бухоро шаҳрида 360 масжид мавжуд бўлиб, шулардан 70 таси жомеъ масжиди бўлган. Шунингдек 100 та мадраса ва 40 та йирик меҳмонхона, 35 та ҳовуз каби ҳаётий зарур бинолар мавжуд эди. Гўзал ва нақшинкор бу иморатлар то манғитлар сулоласининг охириги даврларигача мавжуд бўлиб, лекин коммунистлар даврида бир қанча масжидлар, мадрасалар ва илм масканлари бузиб ташланди.

## БУХОРО КУТУБХОНАЛАРИ

Жаъфархўжа кутубхонаси- 40000 жилд (китоб), Гавкушон кутубхонаси- 35000 жилд, Хўжа Нихол кутубхонаси- 3000 жилд, Кўкаллош кутубхонаси- 32000 жилд, Абдулазиз кутубхонаси- 25000 жилд, Мирзо Улурбек кутубхонаси- 20000 жилд, Бадалбек кутубхонаси- 15000 жилд, Дор аш-Шифо кутубхонаси- 10000 жилд Бозори гўсфанд кутубхонаси 8000 жилд, Болои хавз кутубхонаси- 6500 жилд, Жўйбор кутубхонаси- 3000 жилд.

## БУХОРОГА ТОБЕЪ ЖОЙЛАР

Амир Саййид Музаффархон билан (рус) императори Александр ўртасида имзоланган 1868 йилги сулҳга биноан, Бухорога куйидаги вилоятлар кирарди: Қоратегин, Кўлоб ёки Хатлон, Балжувон, Дарвоз, Йўлжи, Хисори-Шодмон, Дехинав, Бойсун, Яккабоғ, Чирокчи, Қарши ёки Насаф, Бурдалиқ, Шаҳрисабз, Китоб, Кармана, Хатирчи, Конимех, Кабоқли, Келиф, Кабодин, Қўрғонтепа. Хузур (Фузор), Шеробод ёки аввалги Термиз, Чоржўй, Нурато, Зиёвуддин, Сариосиё, Усти (Авсати), (Ўратепа, Усрушон) Ёртепа, шунингдек, Бухоро атрофидаги куйидаги тўққизта йирик кишлок ҳам Бухоро таркибида қолди: Ғиждувон, Қоракўл, Хайробод, Вардониз, Вобканд, Ромин, (Ромитан), Когон, Харгўш ва Зиндон (Зандани). Тилга олинган жойлар Саййид Музаффархон давридан то Саййид амир Олимхон давригача Бухоро (амирлиги) таркибида бўлиб, таассуфки Ленин ва Сталин даврида улар алоҳида-алоҳида жумҳуриятлар - Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон ва бошқаларга бўлиб ташланди.

## ТАШКИЛОТЛАР (БУХОРО ТАШКИЛОТЛАРИ)

Давлат тепасида амир туради. У мутлак хукмдор ҳисобланган. Амирнинг тахтга ўтириш маросими қози ва уламо иштирокида амалга ошириларди. Бухоро амирлиги бошқарувида қуйидаги лавозимлар мавжуд бўлган: кушбеги, додхоҳ, эшик-оғаси, қози калон, муфти калон, раис, охунд, муфтий аскар. Муқаддас жойлар, диний маҳкамалар, вақф даромадларини назорат қилиш қозининг вазифасига кирган.

Бухоро мадрасалари бутун Туркистон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эронда машҳурдир. Бухорода юздан ортиқ мадраса мавжуд бўлиб, улардан баъзилари қуйидаги номлар билан юритилган: Мадраса амир Олимхон, мадраса Бозори биринж, мадраса Бозори алаф, мадраса Ойбинок, мадраса Шоахси, мадраса Тахти Токи кўрпа, мадраса халифа Шоки, мадраса Бозори баста, мадраса Саройи кош, Атторон, Бозори нав, мадраса Бозори кафш, Мир Дўстим, Шикастабандон, Тиргарон, Косагарон, Собунгарон, мадраса Лаби Ҳовуз, Дастурхончи, Бозори Сулаймон, Баҳодирбий ва мадраса Ўзбек. Бу мадрасаларда 500 дан то 2000 тагача талаба диний таҳсил олиб, улар Бухорога қўшни бўлган Афғонистон, Ҳиндистон, Туркманистон, Фарғона, Татаристон, Қозоғистон, Тожикистон, Қўлоб, Қоратегин вилоятларидан бўлган. Толиби илмлар Қуръон, тажвид, етти кироат, илоҳиёт, ҳадис, фикҳ, тафсир ва бошқа илмларни эгаллаш учун шу мадрасаларга келишарди. Барча толиби илмларни Бухоро мадрасалари ўз бағрига олиб, Бухоро ҳукумати улар учун бепул озиқ-овқат, уй-жой, китоб, қалам ва бошқа ўқиш анжомлари ажратарди. Бир мақол бор: “Бухоро ғариблар мураббийсидир”.

## БУХОРО МАДРАСАЛАРИ\*

Бухоронинг 100 дан ортик олий ва ўрта мадрасалари  
биноси учун куйидаги миқдорда Бухоро тангаси сафр этилган:

1. Мир Араб мадрасаси -1532 йилда қурилган -160 хужрадан иборат -150000 тилло танга сарф этилган;		
2. Кўкалдош мадрасаси - 1570 йил-160 хужра -150000 тилло танга		
3. Девонбеги мадрасаси- 1619 йил - 160 хужра -150000 тилло танга		
4. Абдулазиз мадрасаси-1652 йил- 160 хужра - 130000 тилло танга		
5. Жўйбор мадрасаси -	120 хужра -	130000 тилло танга
6. Жаъфархўжа мадрасаси -	120 хужра -	250000 тилло танга
7. Мухаммадали хожи мадрасаси -	120 хужра -	150000 тилло танга
8. Турсунжон мадрасаси -	120 хужра -	240000 тилло танга
9. Гавкушон мадрасаси -	120 хужра -	150000 тилло танга
10. Мирзо Улуғбек мадрасаси-		40000 тилло танга
11. Калобод мадрасаси		80000 тилло танга
12. Хўжа Порсо мадрасаси	-олий	50000 тилло танга
13. Иброҳим Охунд мадрасаси	-олий	40 000 тилло танга
14. Фатхулло кушбеги мадрасаси	-олий	80 000 тилло танга
15. Абдулазизхон мадрасаси	-олий	80 000 тилло танга
16. Наби халифа мадрасаси	-олий	50 000 тилло танга
17. Халифа Ниёзқули мадрасаси	-олий	55 000 тилло танга
18. Азизиддин мадрасаси	-олий	40 000 тилло танга
19. Хиёбон мадрасаси	-олий	60 000 тилло танга
20. Мулло Мухаммад шариф савдогар мадрасаси		
	-олий	50 000 тилло танга
21. Жўйбор мадрасаси	-олий	60 000 тилло танга
22. Абдулложон мадрасаси	-олий	60 000 тилло танга
23. Нодир девонбеги мадрасаси	-олий	1613 йил
		40 000 тилло танга
24. Асирий мадрасаси	-олий	40 000 тилло танга
25. Хўжа Нихол мадрасаси	-олий	50 000 тилло танга
26. Шодим-бий мадрасаси	-олий	40 000 тилло танга

\* ) Баъзи мадрасалар мадрасаси сифатида таълим кўрсатиб бўлган ва киритилган (Х. Тўраев)

27. Дорул-шифо мадрасаси	-олий	40 000 тилло танга
28. Чорбакр мадрасаси	-олий	70 000 тилло танга
29. Бадалбек мадрасаси	-олий	40 000 тилло танга
30. Хўжа Давлат мадрасаси	-олий	130 000 тилло танга
31. Хўжа Мулло Мискин мадрасаси	-олий	60 000 тилло танга
32. Домла Ширин мадрасаси	-олий	40 000 тилло танга
33. Дўст Чухра оғоси мадрасаси	-олий	40 000 тилло танга
34. Хўжа Накиб мадрасаси	-олий	12 000 тилло танга
35. Гул Осим мадрасаси	-ўрта	12 000 тилло танга
36. Хазратбек мадрасаси	-ўрта	35 000 тилло танга
37. Раҳмонқул мадрасаси	-ўрта	30 000 тилло танга
38. Эрназар мадрасаси	-ўрта	35 000 тилло танга
39. Хофиз Кўнғирот мадрасаси	-ўрта	35 000 тилло танга
40. Хусайнбой мадрасаси	-ўрта	30 000 тилло танга
41. Исmoil Хўжа мадрасаси	-ўрта	30 000 тилло танга
42. Жоварихон мадрасаси	-ўрта	30 000 тилло танга
43. Шарофат-бону мадрасаси	-ўрта	30 000 тилло танга
44. Қурбонжон мадрасаси	-ўрта	30 000 тилло танга
45. Чўбин Калон мадрасаси	-ўрта	30 000 тилло танга
46. Болойи Ҳовуз мадрасаси	-ўрта	30 000 тилло танга
47. Ойтабоқ мадрасаси	-ўрта	30 000 тилло танга
48. Шаҳрахз мадрасаси	-ўрта	30 000 тилло танга
49. Тахт Тоқ кўрпа мадрасаси	-ўрта	30 000 тилло танга
50. Бозори биринж мадрасаси	-ўрта	30 000 тилло танга
51. Ҳожи Қурбон мадрасаси	-ўрта	30 000 тилло танга
52. Саййид амир Олимхон мадрасаси	-олий	25 000 тилло танга
53. Бой Усто мадрасаси	-олий	15 000 тилло танга
54. Порсо хўжа мадрасаси	-олий	15 000 тилло танга
55. Бозори гўсфанд мадрасаси	-олий	15 000 тилло танга
56. Кўшмадраса	-олий	15 000 тилло танга
57. Мадраса Абдуллохон бин Искандархон	-олий	20 000 тилло танга
58. Мадраса Абдуллохон	-олий	15 000 тилло танга
59. Ғозиён мадрасаси	-олий	15 000 тилло танга
60. Абдушукур мадрасаси	-олий	15 000 тилло танга

61. Мавлоно Шариф мадрасаси	- олий	15 000 тилло танга
62. Миржонали мадрасаси	- ўрта	30 000 тилло танга
63. Аслобий мадрасаси	- ўрта	30 000 тилло танга
64. Сартарош мадрасаси	- ўрта	30 000 тилло танга
65. Чуқур Мадраса	- ўрта	30 000 тилло танга
66. Қушбеги мадрасаси	- ўрта	30 000 тилло танга
67. Атолик мадрасаси	- ўрта	25 000 тилло танга
68. Накиби Хурд мадрасаси	- ўрта	25 000 тилло танга
69. Хўжа Рашид мадрасаси	- ўрта	50 000 тилло танга
70. Садобий мадрасаси	- ўрта	25 000 тилло танга
71. Кўҳна Бадалбек мадрасаси	- ўрта	25 000 тилло танга
72. Саййид Камол мадрасаси	- ўрта	25 000 тилло танга
73. Хўжа Карбос мадрасаси	- ўрта	25 000 тилло танга
74. Чаҳор Бақой мадрасаси	- ўрта	22 000 тилло танга
75. Хўжа Пушаймон мадрасаси	- ўрта	22 000 тилло танга
76. Олимжон мадрасаси	- ўрта	20 000 тилло танга
77. Мирзо Фузайл мадрасаси	- ўрта	25 000 тилло танга
78. Тўпчи боши мадрасаси	- ўрта	20 000 тилло танга
79. Қози Латиф мадрасаси	- ўрта	18 000 тилло танга
80. Хаммоми кунжак мадрасаси	- ўрта	20 000 тилло танга
81. Эшони пир мадрасаси	- ўрта	14 000 тилло танга
82. Хўжа Зайниддин мадрасаси	- ўрта	20 000 тилло танга
83. Дар Мулло Ҳасан мадрасаси	- ўрта	15 000 тилло танга
84. Имом Порадўз мадрасаси	- ўрта	20 000 тилло танга
85. Ҳазрат Имом мадрасаси	- ўрта	20 000 тилло танга
86. Турки Жанди мадрасаси	- ўрта	20 000 тилло танга
87. Хўжа Исмаи мадрасаси	- ўрта	20 000 тилло танга
88. Себлон мадрасаси	- ўрта	30 000 тилло танга
89. Бадриддин мадрасаси	- ўрта	14 000 тилло танга
90. Афғонбий мадрасаси	- ўрта	15 000 тилло танга
91. Мир Камол мадрасаси	- ўрта	14 000 тилло танга
92. Жўрабек мадрасаси	- ўрта	12 000 тилло танга
93. Эшонимулло мадрасаси	- ўрта	15 000 тилло танга
94. Мехтар Анбар мадрасаси	- ўрта	50 000 тилло танга
95. Бозорак мадрасаси	- ўрта	40 000 тилло танга
96. Модарихон мадрасаси	- ўрта	30 000 тилло танга
97. Кухж Сангин мадрасаси	- ўрта	30 000 тилло танга



98. Дегрези гузари мадрасаси	- ўрта	20 000 тилло танга
99. Бозори сабз мадрасаси	- ўрта	15 000 тилло танга
100. Лаби Ховуз Қози калон мадрасаси	- ўрта	15 000 тилло танга

## БУХОРО ҲАММОМЛАРИ

Бухорода бир неча эркаклар ва аёллар ҳаммомлари бўлиб, улар аҳолининг ювиниши учун эрта тонгдан бошлаб очила бошларди. Буғ ҳаммомлари қошида балаза нўхат дўконлари мавжуд бўлиб, уларда думба гўшти ва нўхат пиширилган ва ҳаммомдан чиққан кишилар эрталабки ва кечкурунги овқатларни шу дўконларда тановул қилганлар. Бухорода қуйидаги машхур ҳаммомлар мавжуд эди: Ҳаммоми тахт тоқ, Ҳаммоми бозори китоб, Ҳаммоми бозори оҳангарон, Ҳаммоми Бозорихўжа, Ҳаммоми кафш, Ҳаммоми Ғозиёи, Ҳаммоми тахти пушта, Ҳаммоми сар бозори корд, Ҳаммоми заифон, Ҳаммоми Гавкушон ва бошқалар.

## БУХОРО ДАРВОЗАЛАРИ

Ибн Хаукал ёзади: “Бухорода етти дарвоза бўлиб, уларнинг барчаси темирдан. Бу дарвозалар қуйидаги номлар билан юритилган:

1. Дарвозаи шаҳар, 2. Дарвозаи Нур, 3. Дарвозаи Ҳақрах, 4. Дарвозаи оҳан, 5. Дарвозаи кўҳан, 6. Дарвозаи бани Асад, 7. Дарвозаи бани Саъд.

Бошқа дарвозалар:

Дарвозаи Регистон, Дарвозаи Жомеъ деб аталиб, Дарвозаи Жомеъ Жомеъ масжиди билан пайванддир. Бошқа бир дарвоза эса Дарвозаи миён деб юритилади ва Хуросон тарафга очилади. Насаф ва Балх тарафга қараб очиладиган дарвоза Дарвозаи мардқашон номига эга. Самарқанд тарафга қараб очиладиган дарвоза Дарвозан Самарқанд, Хоразм томонга қараб очиладиган дарвоза эса Жадсарун деб аталади”.

“Турон тарихи” китобида буларга кўшимча равишда куйидаги дарвозалар тилга олинади: Дарвозаи Намозгоҳ, Дарвозаи Салоҳхона, Дарвозаи Қавола, Дарвозаи Мозор, Дарвозаи Ўғлон, Дарвозаи Кулбоҳ, Дарвозаи Ҳазрат Имом, Дарвозаи Хўжа Исмағ, Дарвозаи Сефалон, Дарвозаи Қоракўл, Дарвозаи Шайх Жалол.

## БУХОРО ПОДШОЛАРИ СУЛОЛАСИ

Бухоро мамлакатида 679 йилдан то 1340 йилгача саккиз сулола ҳукмронлик қилган. Бухоро подшолари силсиласи Сомонийлардан бошланиб, манғитлар билан хотима топади. Уларнинг ҳар бири тўғрисида китобхонларга маълумот бериб ўтамыз.

## СОМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ

Сомоннинг (Сомон худотнинг) тўрт ўғли бор эди: Нух, Аҳмад, Яҳё ва Илёс. Маъмун ар-Рашид халифалиги даврида уларга Хуросоннинг айрим ерлари волийлиги берилди. Нух Самарқандда, Аҳмад Фарғонада, Яҳё Тошкентда, Илёс Хиротда ҳукмронлик қилди. Нух вафотидан сўнг аҳоли кўпроқ Аҳмад кўл остида бўлган Фарғона атрофига бирлашди. Аҳмад вафотидан сўнг эса, унинг ўғли Исмоил ҳукмронликни ўз кўлига олди. У Сомонийлар давлати асосчиси ҳисобланади. У хижрий 234 йилда Фарғонада таваллуд топди. 260 йил (874) Туркистонда мустақил давлатга асос солиб, Бухорони пойтахтга айлантирди. 35 йиллик ҳукмронликдан сўнг, 295 йилда(907) вафот этди ва ўзи қурдирган боғда дафн этилди.

## СОМОНИЙ ШОҲЛАРИ

- |                   |                        |              |
|-------------------|------------------------|--------------|
| 1. Амир Исмоил    | 2. Амир Аҳмад          | 3. Амир Наср |
| 4. Амир Нух       | 5. Амир Абдулмалик     |              |
| 6. Амир Мансур    | 7. Амир Нух II         |              |
| 8. Амир Мансур II | 9. Амир АбдулМалик II. |              |

63  
Исмоил Сомонийдан то Мансур бин Нух хукмронлик давригача бўлган мuddат 118 йил.

Сомонийлар давлатига Фарғона, Хоразм, Мовароуннахр, Хуросон, Сейстон киради.

Ибн Хаукал ёзади: “Мовароуннахр жаҳоннинг бой, баркамол, дилкаш, тароватли минтақалардан биридир. Бу сарзамин аҳолисининг бошқаларни хожатини чиқаришга рағбати кучли, улар олийхиммат жавонмард, шавкатли, пок, соҳиби мақом ва донишманддирлар. Уйларига меҳмон келганда хурсанд бўлиб жон диллари билан хизматга киришадилар. Ҳар бир кишлоқ соҳиби доимо катта қаср қуришни ва унда меҳмон кутишни орзу қилади”.

Бухоро Сомонийлар давлати пойтахти бўлиш билан бирга Мовароуннахр ва Хуросоннинг маркази, шарк мамлакатлари кўз ва чироғи эди. Шом, Ҳалаб, Бағдод, Хиндистон, Хитой, Русия билан савдо қиларди. Шоирлар, ёзувчилар ва бутун қалам аҳли ўз ижодий ва ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун шу шаҳарга келардилар. Олимлар, фозиллар, файласуфлар, донишмандлар Бағдоддан кейинги йирик илмий-маданий марказ ҳисобланган Бухорога интилардилар. Сомоний подшолари неъматларидан ҳамда маҳаллий олимлар илмидан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилардилар. Савдогарлар, сайёҳлар, тасаввуф аҳли, дарвишлар жаҳоннинг тўрт тарафидан шу шаҳар зиёратига келардилар, унинг баракатига юз бурардилар. Сафар азоблари, масофанинг узоқлигидан чарчамасдилар. Хуросон ва Мовароуннахр маркази бўлган бу азим шаҳар ўша даврларда жуда обод эди.

Исмоил Сомоний жуда кўп ер сотиб олиб уларни вақфга айлантирди. Жўйи Мулиёнда сарой ва боғ қуриб уни ўз авлодлари учун вақф қилди.

Бу даврда тижорат, ҳунармадчилик, ипак савдоси, турли тангалар зарб этиш, қоғоз ишлаб чиқариш ривожланди. Мовароуннахрдан чет мамлакатларга тилта, қумуш, темир, мис чиқарилган. Ҳазрат Абу Бакр Сиддик розиоллоҳнинг замондоши бўлган Бухоро подшоҳи “сакка” деб аталган тангаларни зарб қилишни бошлаб берди. Ўз подшоҳлик тожини қумушдан қуйдирди. Ундан сўнг эса Асад бин Сомон бу ишга қўл урди.

сўнгра “мубийа” деб аталган қимматбаҳо тангалар зарб қилинди. Исмоил Сомоний эса “Дирхам Исмоилий” номи билан машҳур бўлган кумуш тангаларни зарб этишни йўлга қўйди. Бу тангалар тез орада Мовароуннаҳрда муомалага киритилди.


Сомонийлар ислом динини бутун Туркистонга ёйишга ҳаракат қилдилар.

## ҲОҚОНЛИК ҲУКУМАТИ

Ҳоконлик (Қорахонийлар) давлати асосчиси “Буғрохон” ҳисобланади. Қорахоний илекхонлардан бўлган Наср 992 йил Сомоний Нух II ни енгиб, Бухорони ишғол қилди. Ҳазнавийлардан бўлган Сабуктагин гарчи Бухоро ҳимоясига отланган бўлсада, у муваффақиятга эриша олмади. Натижада 999 йил Бухоро (Қорахоний) Илекхон томонидан забт этилди. Илекхон Шарқий Туркистон қавмларидан бўлиб жанубий Фарғонада истиқомат қиларди. Қорахонийлар давлат чегараси шимолда Тянь-шан тоғларигача, жанубда Шарқий Туркистонгача бориб етарди. Баъзи тарихий асарларда бу давлат Туркистон ҳокони Ол Афросиёб давлати ёки Ҳоконлик давлати, ёки Қорахонийлар давлати деб аталади. Туркиялик тарихчи Ризо Нур бу давлатни “Уйғурлар давлати” деб атайди. Маҳмуд Қошғарий эса Ҳоконлик ҳукумати ёки Илекхонлар деб ёзади.

Илекхонлар Мовароуннаҳрни забт этгач, улар билан Султон Маҳмуд ўртасида жанг бўлиб ўтиб, бу жанг сулҳ тузиш билан якун топди.

Султон Илекхон даврида Қуръони карим ва бошқа кўп китоблар туркий тилга таржима қилинди. Ички низолар ҳоконлик давлатини заифлаштирди. 1014-1020 йилларда ҳукмронлик қилган Юсуф Қодир вафотидан сўнг, Ҳазнавийлар ва салжукийлар ўртасида жанг бошланиб кетиб салжукий ҳукмдорлари Малиқшоҳ Салжукий ва унинг ўғли Султон Санжар Салжукий Самарқанд ва Қошғарни эгалладилар. Ҳоконлик давлати 1141 йил Қорахонийлар ҳужумига дучор бўлиб ўз ҳукмронлигини тугатди.



## ҒАЗНАВИЙЛАР ДАВЛАТИ

Алптегин Сомонийлар саройидаги туркийзабон ғуломлардан эди. Сомоний Абдулмалик даврида хожиб унвонига сазовор бўлди. У Балх жангидан сўнг Ғазнага юриш қилиб, уни Абубакр қўлидан тортиб олди ва 962 йил янги давлатга асос солди. Алптегин вафотидан сўнг 977 йил ҳокимият унинг куёви Сабуктегин қўлига ўтди. Сабуктегин давлат ҳудудини кенгайтиришга киришди. У Ғазнавийлар давлати асосчиси ҳисобланади. Султон Маҳмуд эса отаси Алптегин вафотидан сўнг Нишопурда ўзини подшоҳ деб эълон қилди. Укаси Исмоил эса Балхда ўз ҳукмронлигини бошлади. Султон Маҳмуд ўз укаси Исмоилни жангда енгиб уни ҳибсга олди. Исмоил тутқунликда вафот этди. Султон Маҳмуд Хуросон, Мовароуннаҳр, Хоразмни ўз давлатига қўшиб олди. Давлат чегараларини Ҳиндистонгача кенгайтirdи.

Султон Маҳмуд саккиз марта Ҳиндистонга юриш қилди ва унинг катта қисмини босиб олди. Ҳиндистоннинг аксарият халқини мусулмон қилди. 1026 йил 6 январ пайшанба куни Ҳиндистоннинг афсонавий Сумнот калъасига ҳужум қилиб, 7 январда уни эгаллади. Жума намозини қалъа ичида ўқиди. Қалъа фотиҳи сифатида шуҳрат қозонди.

Бу султон тўғрисида уламолар, шоирлар, ёзувчилар шеър ва қасидалар битганлар. Жумладан, Абубакр Хоразмий, Бадий Замон Ҳамадоний, Ансорий, Асжадий, Фархий, Фирдавсий ва Ҳоказолар. Султон Маҳмуд давлати ғарбда Хуросон Ироқ, шимолда Мовароуннаҳр ва Хоразм, шарқ ва жанубда Панжоб ва Афғонистонгача чўзилиб кетган эди. Султон Маҳмуд 1030 йил 53 ёшида вафот этди. Вафотидан сўнг ўғли Маъсуд ҳокимият тепасига келди. У 1049 йилда оламдан ўтди.

Салжукийлар 1043 йил Иўст вилоятига ҳужум қилдилар ва Тўғрул Салжукий ҳокимиятни эгаллади. Салжукийлар Туркистон, Хуросон ерларига ҳужум қилиб, ғазнавийлар давлатига ҳам кўз тикдилар. Ҳиндистон, Ғазна, Фурни эгалладилар.

## САЛЖУҚИЙЛАР

Салжук бин Дўкак 985 йил Мовароуннахрга келиб Нур атрофларига ўрнашиб олди.

Салжукнинг тўрт ўгли бор эди. Исроил, Микоил, Мусо, Юнус. Исроил ўз биродарлари орасида катта мавқега эга бўлиб, шижоат бобида ўз даврида ягона бўлганлиги боис “Арслон” тахаллусини олган. У Султон Махмуд билан бўлган жангларнинг бирида асирга тушиб зиндонга ташланди ва шу ерда вафот этди. Вафотидан сўнг унинг қабиласи Эроннинг шимол томонида қараб силжиди.

Салжуқийлар Исроилнинг ўғиллари Тоғрулбек ва Чағрибеклар замонида Мовароуннахрда хукмронлик қилдилар. Султон Махмуд вафотидан сўнг салжуқийлар унинг ўғли Маъсуд билан жанг қилиб, 1141 йил Нишопурни ғазнавийлар қўлидан тортиб олдилар. Тоғрулбек салжуқий хукмдорларидан энг машхури ҳисобланади.

Тоғрулбек бин Микоил бин Салжук давлат тепасига келгач дастлаб Нишопурни босиб олиб, бу ерда ўз номини хутбага қўшиб ўқиттирди. У давлат худудини кенгайтиришга киришиб Журжон, Табаристон, Ҳамадон, Исфохон, Озарбайжон, Гуржистонни забт этди. Бағдодда хукмронлик қилаётган халифа ал-Қосимийни 1057 йил енгиб, халифаликни босиб олди. Тоғрулбек шарқ ва ғарб фотиҳи номи билан тилга олина бошлади. Халифа Аббос унга ўз қизини никоҳлаб берди. Рум императори эса унга тухфалар узатди. -

1063 йил Тоғрулбек вафот этгач, укаси Алп Арслон тахтни эгаллади. 1063 йил Арманистонда 65000 турк лашкари билан 100 минг Рум аскарига қарши жанг қилиб ғалабага эришди ва Осиёда Туркистон байроғини кўтарди.

Алп Арслон, яъни “Оқ шер” катор ғалабалардан сўнг Мовароуннахрда Юсуф қалъадор томонидан ўлдирилди. Ўғли Маликшоҳ тахтга чиқди.

Румга хусумати бўлган Маликшоҳ Салжуқий шу давлатга қарашли ерларга бостириб кирди. Шарқий Европа, Шом,

Халабни қўлга киритди. Мовароуннахрни хоконликдан (Корахонийлардан) тортиб олиб, ўз тасарруфига киритди.

Шундай қилиб, Туркистон ҳам Маликшоҳ империяси таркибига кирди. Маликшоҳ номи барча мусулмон мамлакатларида хутбага қўшиб ўқиладиган бўлди. 1092 йил Маликшоҳ вафот этгач, унинг империясида турли ички ихтилофлар бошланди. Ўғли Султон Санжар ўз синглисини Ғазна хукмдори Маъсуд III га никоҳлаб берди. Кейинчалик ўз жияни Баҳромшоҳни Ғазна тахтига ўтқизди. Султон Санжар 1140 йил Алоуддин Жаҳонсўз ва Хоразм давлати устидан ғалаба қозонди. Султон Санжар фозиллар, адиблар мухлиси эди. Даврининг машхур шоирларидан Анварий, Адиб Собир, Абдулвосеъ Жабалийлар унинг саройида ижод қилиб унга бағишлаб қасидалар ёздилар. Султон Санжар 40 йиллик хукмронликдан сўнг, 1157 йил вафот этди.

## ХОРАЗМШОҲЛАР

Хоразм хижрий йилнинг бошларида бир неча маҳаллий хукмдорликлардан иборат бўлиб, ўз мустақиллигини сақлаб қолган эди. Қутбиддин Ануштегин "Хоразмшоҳ" унвонини қабул қилиб ўз мамлакатини салжукийлардан химоя қилишга бел боғлади. У шижоатли сиёсатчи, тинчлик ва ободончилик тарафдори эди. Унинг даврида қурилган масжидлар ва бошқа бинолар шундан далолат беради. Шу даврда фозилу донишмандлар, шоирлар мамлакат пойтахти Урганчда ижод қилдилар. Унинг вафотидан сўнг Алоуддин Такаш 1192-1199 йилларда Эрон ва Афғонистонни босиб олди, Қошғардаги Қорахитойлар давлатига зарба берди. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ўз мамлакати чегараларини кенгайтириш учун Бағдодга ҳужум қилиб уни ўз тасарруфига киритмоқчи эди, лекин бунга эриша олмади.

Бу хукмдорнинг ғурури Чингизхон томонидан Хоразм ва Мовароуннахр шаҳарларининг босиб олиниб вайрон этилишига сабаб бўлди. Чингизхон томонидан Хоразмга юборилган савдо қарвони унинг буйруғи билан таланди. Султон Муҳаммад бирор маротаба ҳам Чингизхонга қарши жангга кирмади ва шаҳардан

шахарга қочиб юрди. Чингизхон офатлари учун кенг майдон очиб қўйди. Айтишларича, у фол ва турли аломатларга ишонган. Шу боис Чингизхон савдо карвонини кириб ташлашга буюрган. Бир куни ок ва қора мушук бир-бири билан урушиб, ок мушук ғалаба қилди. Султон Муҳаммад бу воқеани ўзининг Чингизхон устидан ғалаба қозонишига йўйиб, Чингизхон томонидан юборилган бегуноҳ савдо карвонини талашга буюрди. Лекин мулоҳаза юритмай қилинган бу ишнинг оқибати ок мушукнинг енгиллиги билан хотима топди.

Султон Муҳаммад Нишопурдан Самарқандга, у ердан Бухорога, Бухородан Сирдарёга томон ҳаракат қилди. Лекин бирор гал ҳам Чингизхонга қарши жангга кирмади. Унинг фармони билан оиласи Хоразмдан Эронга кўчиб ўтди. Ўзи эса Каспий денгизидаги Онтаскун оролида паноҳ топди. Кейинчалик у ердан қочиб Қазвинга келди ва 1200 йил оламдан ўтди. Ўғли унинг жасадини Ардахин қалъасига дафн этди.

Султон Муҳаммаднинг уч ўғли бор эди: Жалолиддин, Ўзло Ғашо, Оқтано. Султон Муҳаммад вафотидан сўнг улар Эрондан Урганчга қайтдилар. Жалолиддин ва Малика Туркон ўртасида ихтилофлар юз бериб, давлат заифлашди. Жалолиддиннинг укалари мўғуллар томонидан қатл этилди. Жалолиддин Афғонистонга кочди. Малика Турконни подшоҳ этиб кўтардилар. Малика Туркон тўрт ой мўғуллар билан қаттиқ жанг қилди. Натижада Чингизхоннинг ўғиллари ғалаба қилиб, шаҳарни эгаллашди. Чингизхон эркаклар, аёллар, болаларни қирғин қилиб шаҳарга ўт қўйди. Хоразмшоҳлар қулагандан сўнг, Хоразмни биринчи бўлиб Темур ишғол қилди. Сўнгра эса Шайбонийлар, улардан кейин Нодир афшор қўлга киритди.

1873 йил Хоразм Чор Россияси тасарруфига ўтди. 1920 йил Хоразм жумҳурияти тузилди.



## МЎҒУЛ ДАВЛАТИ

Чингизхон отаси Севко вафотидан сўнг 13 ёшида қабила бошлиғи бўлиб, кучли мўғул давлатини ташкил этишга киришди. Темучин 1206 йил Чингизхон тахаллусини қабул қилди. У Хитойнинг ғарбий қисмини, Пекинни босиб олди. Чингизхон мансабни севувчи, Худога ишонувчи шахс эди.

У ўзини шарқнинг подшоси, Султон Муҳаммадни эса ғарбнинг подшоси деб ҳисобларди. Чингизхон Ўрта Осиёга юриш қилишдан илгари икки мамлакат ўртасида савдо-сотикни йўлга қўйиш мақсадида бир савдо қарвонини қиматбаҳо совғалар билан Султон Муҳаммад ҳузурига жўнатди. Султон Муҳаммад эса қарвон ахлини ўлдирди, молларини талон-тарож этди. Бу беандишалик, оқибатсизлик ва номардликдан ғазабланган Чингизхон 1219 йил катта қўшин билан Султон Муҳаммад мулкига юриш бошлади. Шаҳар-кишлоқларни ғорат қилди. Эркак ва аёлларни, болалар ва қарияларни шафқатсиз равишда кириб ташлади, боғу роғлар, экинзорларни пайхон қилди. Масжид, мадрасалар, кутубхоналар, мухташам бинолар яқсон этилди. Чингизхон маҳаллий аҳолини гуноҳкор, ўзини эса жазо берувчи деб ҳисоблаб, Бухоро аҳолисини қирғин қилди, шаҳарни вайрон этди. Чингизхон Ўрта Осиёнинг барча шаҳарларини эгаллаб Султон Муҳаммадни таъқиб қилди. Чингизхон 1227 йил 72 ёшида ўз ватанида вафот этди. Унинг томонидан босиб олинган мамлакатлар ўғиллари Чигатой, Жўжи ва Ўқтой ўртасида тақсимлаб олинди. Ўқтой 1229 йил Ботухон саркардалиги остидаги катта қўшин билан шарқий Европага бостириб кириб рус князларини ағдариб ташлади. 1237 йил Москвани эгаллаб ўт қўйди. 1340 йил Киф шаҳрини қўлга киритди, кейинчалик бутун рус ерларини эгаллади. Мўғуллар рус ерларида икки аср ҳукмронлик қилдилар. Даврлар ўтиши билан мўғуллар давлати заифлашиб, инкирозга юз тутди. Буюк саркарда Амир Темур янги давлатга асос солди.

## ТЕМУРИЙЛАР

Темурнинг отаси амир Тарағай барлос уруғидан бўлган. Шахрисабзлик. Темурнинг онасининг номи Калтаҳон эди. Темур хижрий 732 йил сешанба кечаси Шахрисабзда туғилди. Отада чопиш, камондан ўқ узиш санъатини яхши эгаллади. Туркий, форсий тилларни биларди. Аҳмад Паноҳи шундай ёзади: “Темур ўзининг туғилиши ва отасининг кўрган туши тўғрисида шундай дейди: “Мен туғилишдан олдин отам туш кўради, тушида фариштадек пок бир киши қаршисида пайдо бўлиб, отамнинг кўлига шамшир беради. Отам шамширни олиб тўрт тарафга ҳаракат қилади. Уйқудан уйғониб намозни адо этиш учун масжидга боради. Масжид имоми Шайх Зайниддиндан туш таъбирини сўрайди. Шайх унинг тушини шундай таъбирлайди: “Худо сенга бир ўғил беради, у шамшир билан бутун дунёни эгаллайди, ислом динини бутун жаҳонга ёяди”. Темур амир Козоғон саройида мингбоши лавозимини эгаллайди. Амир Козоғон вафотидан сўнг амир Ҳусайн Самарқандни Темурга берди. Кейинчалик Темур Ҳисор ва Қаршини забт этиб, 1370 йил амир Ҳусайнни қатл эттирди ва ўзини Амир Темур Кўрагон деб эълон этди. У тўрт маротаба Хоразмга юриш қилди ва Хоразм хукмдори Ҳусайн Султонни ўлдириб Хоразмни қўлга киритди.

Темур Эрон, Афғонистон, Мовароуннаҳр, Қашғар, Ирок ва Ҳиндистонни фатҳ этди. Ўз асари бўлмиш “Темир тузуклари” да шундай дейди: “Сардорларим менга Ҳиндистонни олишни маслаҳат беришди лекин мен инкор этиб дедим: “Агар биз Ҳиндистонда қолиб кетсак, конимиз бузилади. Фарзандларимиз Ҳиндистон иссиғида суст ва камҳаракат бўлиб қолишади”. Темур билан Махмуд Тўқлуқшоҳ ўртасида жанг бўлиб ўтиб, хиндлардан 100 минг киши ўлдирилди ва Темур ўзини Ҳиндистон шаҳаншоҳи деб эълон этди. Рус мамлакатаида қолган Чингизхон авлодлари ҳам Темур томонидан қириб ташланди.

Анкара жангида Усмонли Турк султони Боязид Елдириим Темур томонидан мағлуб этилди. Асирга олинган султон Боязид Елдириим “Ок шаҳар” деган жойда вафот этди. Темур Анкарага

ва унга тобе бўлган ерларни қўлга киритиб қимматли ва нафис ўлжаларга эга бўлди ва уларни Самарқандга олиб келди. Ибн Арабшоҳ ёзади: “Темур Боязид Елдирымни темир кафасга солиб каерга борса ўзи билан бирга олиб юрди. Боязид Темур асоратида вафот этди”. Темурнинг шуҳрати беҳад эди. Инглиз кироли Генрих IV, Франция кироли Шарл VI, Миср подшоҳи Малик Носир унга совғалар узатардилар.

Сейстондаги жангларнинг бирида Темур оёғидан яраланиб бир умрга оқсоқ бўлиб қолди. Шу боис у Темурланг деб аталадиган бўлди. Бу фотиҳ 1405 йил 18 февралда вафот этди ва Самарқандда дафн этилди.

Айтишларича, Темур ўн беш наслда Чингизхонга бориб боғланади. Мирзо Бобур Дехлини олгандан сўнг Ҳиндистон бузургонига ёзган хатларидан бирида “Турк билан жанг қилма, эй Мир баёне” дейди. Мирзо Бобур кўп ҳолларда ўзини турк деб ҳисоблайди. Темурни ҳам мўғул эмас, балки турк деб ҳисоблаш керак.

Темурнинг тўрт ўғли, ўн етти кизи, ўттиз икки невараси бор эди. Темурнинг ўғиллари: Фиёсиддин Жаҳонгир, Маъзиддин Умар Шайх, Жамолиддин Мироншоҳ, Мирзо Муъиддин Шохрух. Биринчи ўғли Самарқандда вафот этди, иккинчиси Гуржистонда ҳалок бўлди, учинчиси Озарбайжондаги жангда ҳалок бўлди. Тўртинчи ўғли яъни Шохрух Мирзо 28 ёшида тахтга ўтириб, 43 йил ҳукмронлик қилди. Ҳиротни ўз давлати пойтахтига айлантирди. Шохрухга исм қўйилиши тўғрисида турли маълумотлар мавжуд. Баъзи тарихчиларнинг ёзишича, Шохрух туғилганлиги тўғрисида Темурга хабар келганда у шахмат ўйнаётган бўлган ва ўз рақибини руҳ билан мот қилган. Шу боис ўз фарзандига Шохрух деб исм қўйган экан. Шохрух Мирзо номдор ҳукмдорлардан саналади. Унинг фазилатларни тўғрисида тарихчилар томонидан маълумотлар ёзиб қолдирилган. У илм аҳлини ўзига яқин тутган ва ўзи ҳам илм-фан ихлосманди бўлган.

Унинг замонида кўплаб шоирлар, уламолар ижод қилишди. Амир Али Хамадоний, Мавлони Бисотий Самарқандий, Мавлоно Лутфулло Нишопурий, Саъиддин Тафтазоний, Мир Шариф Журжоний, Хўжа Исмоил Бухорий

шулар жумласидандир. Хўжа Исмоил Бухорий нақшбандийа тариқатида бўлган ширинсухан шоир эди.

Шохрух Мирзо 1447 йил 70 ёшида вафот этди. Жасади Хиротдан Самарқандга олиб келиниб, ўз отаси ёнига қўйилди.

Шохрух вафотидан сўнг бош ҳукмдорлик унинг ўғли Улугбекка теги. У ҳам теурийлар сулоласининг кучли, қобилиятли ҳукмдорларидан бири эди. Унинг иғхратини Афлотун шухратига, одиллигини Ануширвон одиллигига, саховатини Хотам саховатига киёслашади. Бу ҳукмдор ўз ўғли Абдулатиф буйруғи билан Аббос деган кимса томонидан қатл этилди. Абдулатифнинг ўзи ҳам қасоскорлар қўлида ҳалок бўлди. Абдулатиф ўлимидан сўнг Абу Саид тахтга ўтирди. У Мирзо Султон Муҳаммаднинг ўғли эди. Ун беш йил Бухоро ва Самарқандда ҳукмронлик қилди. Шохрух Мирзонинг рафикаси малика Гавҳаршод бегимни қатл этди. Ўзи ҳам Хусайнбек томонидан ўлдирилди. Салтанат Султон Хусайн қўлига ўтди. Унинг номи тезда ислом оламига тарқалиб хутбада тилга олинадиган бўлди. У эсли-хушли ҳукмдор бўлиб, шеърият, мусика, санъат, илм -урфондан хабардор эди. Унинг даврида Тафсири Қуръон, тасаввуф, тарих ва бошқа фан соҳалари ривожланди, мадрасалар бунёд этилди. "Тухфат ул аҳрор", "Анвар Сухайлий", "Қалила ва Димна" асарлари таржима этилди. "Девони Маснавий", "Латофатнома" асарлари ёзилди. Хаттотлик, риёзиёт, мусаввирлик, наққошлик, мусика раванқ топди. Мусика асбобларидан уд, най, ноқус ва бошқалар кенг тарқалди. Машхур мусаввир Қамолиддин Бехзод, Мир Али хатгот унинг даврида яшаб ижод қилдилар. Мавлоно Абдурахмон Жомий, Мир Алишер Навоий унинг замонида ижод қилишган. Алишер Навоий ўзбек мумтоз шеъриятининг йирик намояндаси сифатида назм ва насрда 29 та асар битган. У 1501 йилда вафот этган ва ўзи қурдирган мадраса ёнида дафн қилинган. Султон Хусайн 37 йиллик ҳукмронликдан сўнг 70 ёшида Хиротда вафот этди. Хирот жомеъ масжиди ёнида дафн этилди.

## МОВАРОУННАХРДА МАНФИТЛАР СУЛОЛАСИ

Мақсадга ўтишдан олдин Абулфайзхон (аштархонийлар) силсиласи тўғрисида сўз юритмоқчимиз.

Абулфайзхон (Эрон шоҳи) Нодиршоҳ афшор химояси остида Бухоро тахтида қолдирилди. У хижрий 1160 йилда (мелодий 1746 й.л.)ўғли Абдулмўминни подшолик тахтига ўтқизиб, ўзи Макка зиёратини ихтиёр айлаган ҳолда салтанатдан қўл тортди. Нодиршоҳнинг Самарқанддаги тарафдорлари қизилбошлар саркардаси Ҳусайнхон ва Бехбудхонлар Нодиршоҳ афшорнинг укаси Алиқулихонни Бухоро тахтига ўтқизмоқчи эдилар. Лекин шу вақт Нодиршоҳ вафот этиб, у забт этган ерлар унинг қўл остидан чиқди. Алиқулихон дарҳол (Эрон маҳаллий) ҳукмдорларига мактуб йўллаб, унда Абулфайзхонни ўз фарзанди фойдасига тахтдан воз кечганлигини хабар қилди ва уларни Абулфайзхон давлатига хужум қилишга чақирди.

Эрон ҳукмдорлари катта куч билан Бухорога хужум қилиб уни узок қамал қилдилар ва шаҳарга кўп талафот етказдилар. Шу вақтда Бухорога “Нодиршоҳ ўлди”, деган хабар тарқалди. Маҳаллий амалдорлардан Мухаммад Амин-бий Ҳисорий, Олимбий кенагас, Файбулло, Тоғаймурод баркут, Мухаммадхўжа нақиб жам бўлишиб Абулфайзхонни Эронга жўнатиб уни Эрон лашкарига топшириш ақлдан эмаслиги тўғрисида маслаҳатлашиб олдилар. Иккинчи тарафдан, унинг мавжуд бўлиши ҳам кўпгина нохушликларга сабаб бўлиши, хонни қатл этилиши эса Бухоро шаҳри аҳолисини заҳматлардан халос қилиши ҳамда Эрон лашкарлари камалини тўхтатиши мумкинлиги эътироф этилди. Бегуноҳ ва мазлум Абулфайзхон шу қарорга мувофиқ Мир Араб мадрасаси хужраларидан бирида ўлдирилди. Абулфайзхон ўлиmidан илгари қизилбошлар саркардалари Ҳусайнхон ва Бехбудхонларга, ўзбеклар томонидан тор-мор этилмасдан олдинроқ ўз лашкарлари билан ватанларига қайтишлари лозимлигини билдирди.

Эрон амирлари Абулфайзхон қатлидан сўнг султхга рози

бўлиб, агар ўзбеклар уларга халакит бермасалар улар Бухорони тарк этажакларини изхор этдилар. Шунга амал қилиб Амударёдан ўтдилар ва Эрон тупроғига дохил бўлдилар. Бухороликлар тарафидан маъмур бўлган Муҳаммад Амин юзбоши лашкарларни эсон-омон Амударёдан ўтказиб қўйиб, ўзи орқага қайтди. Абулфайзхон 16 ёшида подшоҳ бўлиб 37 йил ҳукмронлик қилди ва 49 ёшида шахид бўлди.

## МАНҒИТЛАР

Манғитлар ва кенагаслар Мовароуннаҳрдаги икки қабила бўлиб, доимо бир-бири билан ихтилофда бўлган. Ўзаро жанглар ўттиз йил давом этди. Кенагаслар Шаҳрисабз шаҳрида, манғит қабилалари эса Қарши ва унга қўшилган жойларда истиқомат қилганлар. Манғит сўзининг маъноси “ўлдирмоқ”, кенагас сўзининг маъноси эса “орқага қувмоқ, орқага хайдамоқ” демакдир.

Муҳаммад Раҳимхон Қарши томонда яшаган “Ой эли тўқ манғит” уруғининг вакили бўлиб экин ерлари, мулк, чорва моллари ва катта сармоёга ҳамда ўз қабиласи ва қўшни қабилалар ўртасида эътибор ва нуфузга эга эди. Ўз келиб чиқиш ришталари жихатидан баъзи манғитлар аштархонийлар, кенагаслар, темурийлар ва чингизийларга боғланади. Муҳаммад Раҳимхон ўзбек-турк қабиласидан бўлиб, Чингизийларга асло боғланмайди. Таъкидлаш жоизки, Нодиршоҳ афшор Абулфайзхоннинг кизини ўз укаси Алиқулихон никоҳига ўтказиб муҳим давлат ишларини Муҳаммад Раҳимхоннинг отаси Абдулҳакимбий атолиққа топширган эди. Ҳамчунин, Муҳаммад Аминбийни Хисор ҳокими, Файбуллани Хатирчи, Олимбийни Шаҳрисабз, Абдусатторни Бус, Тоғаймуродбийни Нурато ҳокими этиб тайинлайди. Буларнинг барчаси ўзбек уруғидан эди.

## АМИР АБДУЛЛОХОНИ ОЛИЙДАН АМИР МУҲАММАД РАҲИМХОНГАЧА БЎЛГАН БУХОРО СУЛТОНЛАРИ СИЛСИЛАСИ

1. Амир Абдуллохон валад Искандархон хижрий 962 йил тахтга ўтирди. 42 йил ҳукмронлик қилди.

2. Амир Абдулмўмин валад Абдуллохон. Хижрий 1004 йилда тахтга ўтирди. 8 йил ҳукмронлик қилди\*.

3. Амир Имомқулихон валад Динмуҳаммадхон. Хижрий 1012 йилда тахтга ўтирди. Ҳукмронлик даври 38 йил\*\*.

4. Амир Абдулазизхон валад Динмуҳаммадхон. Хижрий 1050 йилда тахтга ўтирди. 41 йил ҳукмронлик қилди\*\*\*.

5. Саййид амир Субҳонқулихон валад Саййид Назр замон. Хижрий 1091 йилда тахтга ўтирди. 22 йил ҳукмронлик қилди.

6. Саййид амир Убайдуллохон валад Субҳонқулихон. Хижрий 1123 йил тахтга чиқди. Ҳукмронлик даври 6 йил.

7. Саййид амир Абулфайзхон валад Саййид амир Убайдуллохон\*\*\*\*. Хижрий 1129 йилда тахтга ўтирди. ҳукмронлик даври 37 йил.

8. Амир Муҳаммад Раҳимхон валад Абдулҳакимхон. Хижрий 1166 йил тахтга ўтирди. Ҳукмронлик даври 12 йил.

Бухоро амирлари хижрий 962-1188 йилларда Бухорода ҳукмронлик қилдилар. Ҳукмронлик даври 216 йилни ташкил этади.

\*) Муаллиф хронологик чалқашликка йўл қўйган. Абдулмўмин бор йўғи олти ой ҳукмронлик қилди. 1598 йил ёнда бир гуруҳ фитначилар томонидан Зоминда ўлдирилди. (Х.Тўраев)

\*\*) Аштархонийлар сулоласи ҳукмдорлари Боки Муҳаммадхон ва Вали Муҳаммадхонларнинг ҳукмронлик даври тари тушириб қолдирилган (Х.Тўраев)

\*\*\*) Назр Муҳаммаднинг уч йиллик ҳукмроник даври тушириб қолдирилган (Х.Тўраев)

\*\*\*\*) Аштархоний Абулфайзхон Убайдуллахоннинг ўғли эмас, балки укасидр. (Х.Тўраев)

## МУҲАММАД РАҲИМХОН ҲУКУМАТИ

Муҳаммад Раҳимхон бин Муҳаммад Ҳақимхон атолик Худоёрбий бин Худойқули бин Келдиёр бин Жовишбой “Эли тўк манғит” қабиласидан бўлиб Нодиршоҳ афшор буйруғи билан Абулфайзхон қатл этилгач хижрий 1165 йил ҳокимият тепасига келди.

Туркий, усмоний, афғон жамоалари қизилбошлар амирларидан ажралиб Муҳаммад Раҳимхон лашкарларига хизматга кирдилар. Эрон амирлари 500 нафар ўз аскарлари билан Амударёдан ўтиб, ватанларига жўнаб кетдилар. Муҳаммад Раҳимхон Мовароуннахрнинг барча маҳаллий ҳукмдорларига тўхфа ва олий либослар инъом этиб, уларни юқори лавозимларга қўтарди. Мамлакат ички ишларини йўлга қўйиш, қўшинни ташкил этиш, фуқаро осойишталиги ҳамда вилоят ободончилигини таъмин этиш учун саъй-ҳаракат қилди.

Бухоро воҳаси ҳудудида яшовчи турли тожик, афғон, ўзбек, турк, араб, эроний, қалмоқ, қирғиз, ханур, армани қабилалари бу даврда тўк ва осойишта ҳаёт кечирардилар.

Муҳаммад Раҳимхон Абулфайзхоннинг фарзанди Абдулмўминдан сўнг, амирлар маслаҳати билан хижрий 1166(1753) йилда шоҳлик тожини бошига қўйиб, ҳукмронликни бошлади ва барча амирлар ва ҳатто фуқароларга ҳадялар бериб хаммани ўзига жалб қилди. Лекин бироз муддатдан сўнг, Нурато вилояти ҳокими Тоғаймуродбий, Фузор ҳокими Жаҳонгирбек, Шаҳрисабз ҳокими Олимбек, Ҳисор ҳокими Муҳаммад Амин, Шеробод ҳокими Шералибийлар бирлашиб, Муҳаммад Раҳимхонга қарши жанг бошладилар. Бу жанг ўн йил давом этиб, оқибатда Муҳаммад Раҳимхон уларнинг исёнини бостирди ва барча вилоятлар унинг тасарруфига ўтди. Шундан сўнг, у Самарқандни ишғол қилишга киришди ва натижада Ургут, Диззах, Ўратепа, Хўжандни қўлга киритиб, Хоразмга лашкар тортди. Сўнгра, жанглар натижасида вайрон бўлган шаҳарларни обод этишга қўл урди. 12 йил ҳукмронлик қилиб 45 ёшида бу фоний дунё билан хайрлашди ва аждодлари қабристонига дафн этилди. Унинг ўғли бўлмаганлиги боис Норбўтабийнинг ўғли



Фозил тўра Муҳаммад Раҳимхон кизи томонидан подшоҳ этиб кўтарилди. Амир Дониёл Муҳаммад Раҳимхоннинг амаки-ваччаси Фозил тўрани тахтдан четлаштириб, Чингизхон авлодидан бўлган Абулғозихонни тахтга ўтқизиб унинг номига хутба ўқиттирди ва танга зарб эттирди. Унинг ҳукмронлик даври тўғрисида қуйида сўз юритмоқчимиз.

## АМИР ДОНИЁЛ ҲУКУМАТИ

Амир Дониёл бин Худоёрбий бин Худоёрқули бин Келдиёр бин Жовишбой манғит мелодий 1753 йилда Бухоро тахтига ўтирди.\*

Амир Дониёл ҳукуматига қарши дастлаб Нурато ҳокими Тоғайбий Мурод барқут, Ғузор ҳокими Жаҳонгирбийлар қарши чиқдилар, лекин иккаласи ҳам мағлуб бўлиб қатл этилди. Бу иккаласининг ўлиmidан сўнг, Миёнкол, Шахрисабз, Ғузор, Бойсун, Шеробод вилоятлари кўрғонлари ғорат этилди.

Чунончи, Фозилбий юз Хўжанддан келиб Жиззахни ўз тасарруфига киритди, Шахрисабзни камал килиб амир Дониёлнинг укаси, Самарқанд ҳокими Муҳаммад Барот қушбегини оиласи билан асир олди. Самарқандни олгандан сўнг Миёнколга юзланди. Хитой-кипчоқлар унинг истикболига чиқиб, Бухоро атрофига юришга даъват этдилар. Фозилбий юз Пайшанба, Каттақўрғон, Бойсун, Хатирчига юриш килиб уларни ўз тасарруфига киритди.

Унинг келаётганлиги хабарини эшитган Дониёл катта қўшин билан Бухородан чиқиб Карманага етиб келди ва унинг йўлини тўсди. Бўлиб ўтган қиска жангдан сўнг Миёнкол ҳукмдорлари амир билан жангни давом эттириб бўлмайдди, деган хулосага келиб, қуйидаги мазмундаги мактубни амир Дониёлга жўнатдилар. "Амир Фозил-тўрани подшоҳ этиб кўтардилар. Биз уни қабул қила олмаймиз. Олий ҳазрат, Сиз билан жанг бошладик. Агар ўзингиз мутасадди бўлиб Бухоро тахтига

---

\*) Муаллиф хронологик хатоликка йўл қўйган. Амир Дониёл 1758 йил яъни Муҳаммад Раҳимхон вафотидан сўнг тахтга ўтирди (Х. Тўраев)

Ўтирсангиз, биз тобеъ бўлиб фармонбардорингиз бўламиз. Акс холда жангни давом эттирамиз”.

Амир Дониёл уларнинг таклифларини инобатга олиб Фозил-турани салтанатдан четлаштирди ва отаси билан биргаликда Қаршига жўнатди. Абулғозийхон номини хутбага қўшиб ўқиттириб, унинг номидан танга зарб эттирди ва ўзи эса Бухоро тахтига ўтирди.

Тоғаймуроднинг укаси Ёдгорбек Нур вилоятдан ва Хўжаёрбий Хатирчи вилоятдан 4000 лашкар билан Карманга келиб уни камал қиладилар.

Қирғиз вилояти Ўж (Ўш) ва Ўрдак Ёдгорбекни қўллаб-қувватлаб, амир Дониёлга қарши жанг бошладилар. Амир Дониёл ўн минг қўшин ва бир неча тўп билан уларга қарши отланиб барчасини мағлуб этди. Фақат Ёдгорбек Нур вилоятига қочиб қутилди. Ёдгорбек мағлуб бўлиб амир Дониёл Бухоро тахтида барқарор бўлгандан сўнг, маҳаллий ҳукмдорлар ўз сипоҳлари билан юртларига қайтиб кетдилар. Жангу жадалда шухрат топган қирғиз ва ёбу қабилаларини амир Дониёл Бухорога олиб келиб, уларни яқиндан кузатиб турди.

Амир Дониёл художўй, пархезкор инсон бўлиш билан бирга Куръони карим ҳофизи ҳам эди. Куръони каримни ўзининг чиройли хуснихати билан қўчириб одамларга совға қиларди. Маоши Бухоро тангаси билан икки тангани ташкил этарди. Саройда канизак ва ғулумларни сақламас эди. Уйидаги рўзғор ишларини аёли(хотини) бажарарди.

Ёзишларича, амир Дониёл ўғлининг оёғида ийди курбон куни киядиган ковуши йўқ эди ва бундан шикоят қилиб у отасининг олдига борди. Яна нақл борки, амир Дониёл ийдда харид қилмоқ учун ўз ойлик маошининг бир қисмини олдинроқ беришни сўраб байт ул-молга(хазинага) мактуб ёзган. Байтул-мол (хазина) мутасаддилари амир Дониёлга “ой охиригача сабр қилинг” мазмунида жавоб ёзишди. Бу жавобни ўқиб амир Дониёлнинг хуши бошидан учди. Бироздан сўнг ўғлига қарата деди: “Ийд айёминини оёқ кийимисиз ўтказишга сенинг кучинг етади. Лекин мен ойнинг охиригача сенга ковуш олиб беришга қафолат беролмайман”.

Амир Дониёл 28 йил ҳукмронлик қилиб 75 ёшида оламдан

Ўтди. Баҳоуддин накшбанд кабристонига дафн этилди. Унинг икки нафар ўғли бўлиб. Энг каттаси “жаннатмакон” тахаллуси билан эсланадиган Шоҳмуродбий эди.

## АМИР МАЪСУМ ШОҲМУРОД

Шоҳмурод отаси (амир Дониёл) вафотидан сўнг, мелодий 1781 йил Бухоро тахтига ўтиради\*. Унинг тахтга ўтиргандан сўнг амалга оширган биринчи иши, Абулғозийхонни Бухоро аркидан чиқариш бўлди. Унга Бухоро шахридаги Бозори Хўжа гузаридан жой бериб, ўзи ва оиласи учун маош тайинлади. Сўнгра ўз укаларини вилоятларга ҳоким этиб тайинлади, лекин кейинроқ барчасини ўз лавозимларидан четлаштирди. Рофизийлар (шиалар) зулмидан жабр кўрган марвлик сунний аҳоли хоҳиш-истаги билан 1788 йил Марвга юриш бошлади.

Мир Мухаммад Ғубор ўзининг “Афғонистон тарих чорраҳаларида” номли китобида Темуршоҳ билан амир Шоҳмурод ўртасидаги жанг тафсилотларини қўйидагича баён қилади: “Афғонистоннинг шимолий чегараларида яъни унга қўшни Бухорода янги амирлар сулоласи-манғитлар ҳокимият тепасига келди. Сулола сардорларидан бири Мир Маъсум Шоҳмурод 1795 йил Тошкандни босиб олди. Гарчи кейинроқ Юнусхўжа Тошкандни ўз қўл остига киритган бўлса-да, лекин Тошканд Бухоро ва Қўқон хонлиги ўртасидаги тортишувлар майдонига айланди.

Шоҳмурод Афғонистон давлатини ҳам қийин аҳволга тушириб қўя оларди. Чунончи, 1788 йил кудратли қўшин билан Афғонистонга қарашли Марвга ҳужум бошлади ва уни ишғол қилди. Бу мутаассиб (хукмдор) шиа мазҳабида бўлган Марв аҳолисининг бир қисмини ўз мазҳабини ўзгартиришга яъни суннийликка ўтишга мажбур қилиб, Бухорога қўчириб келтирди. Темуршоҳ соясида ҳаёт кечириб келаётган марвликлар Бухоро амирининг бу ситамларидан фиғон қилдилар. Темуршоҳ 1789 йил 30 минг кишилик қўшин билан Балхга келди. У душман билан олиб борилган барча жангларда муҳолиф қўшинларига

\* ) Хронологик хатога йўл қўйилган. У 1785 йил тахтга ўтиради (Х. Тўраев)

талафот етказди. Амир Шохмурод эса барқарорликни қўлдан бериб, Амударёдан ўтадиган жойни Афғонистон ва Бухоронинг чегара чизиғи сифатида қабул қилди”.

Бу воқеа Мирза Салимбекнинг “Кашкули Салимий” китобида қуйидагича баён этилади: “Амир Шохмурод Марв ҳокими Байрамалихоннинг\* зулмларидан жабр кўрган сунний Марв аҳолиси таклифи билан унга қарши жанг бошлади ва Байрамалихонни қатл этди. Байрамалихоннинг пири бўлмиш Ҳожи Муҳаммад Хусайнхон ва яна 30 минг шиа мазҳабида бўлган марвликларни Бухорога олиб келди ва ўз укаси Умарбийни Марв ҳокими этиб тайинлади. Марв дарёсининг қуйи оқимида калъа барпо қилиб, унга “Исломобод” деб ном қўйди ва уни ўз куёви Абдулазизхўжага берди. Бироз муддатдан сўнг амир Шохмуроднинг укаси Умарбий Марвни Абдулазизхўжадан тортиб олиб ўз укаси Рустам Мирзога берди. Амир Шохмурод ўз укаси устига лашқар тортди, лекин Марв ва Исломободни қўлга кирита олмади, аммо сув тўғонини вайрон қилиб орқасига қайтди. Тўрт йил мобайнида Марв сувсизликдан азоб чекди ва хароб бўлди. Марвда истикомат қилаётган сунний 2 минг оилани ҳамда Умарбий лашқарларидан тўрт юз нафарини асирга олиб, очлик ва ташналикдан ўлдириш учун зиндонга ташлади. Умарбий ўз укаси ва оиласи билан Шахрисабзга кочиб кетди. Амир Шохмурод ўз укасининг кочиб кетганлигидан огоҳ бўлиб Асадуллобийни Марв ҳокими этиб тайинлади. Хижрий 1211 йилда (1798) эса сув тўғонини қайта тиклади ҳамда рофизийлар билан жангу жадалда бўлган ўғли Носирбекни Марвга ҳоким қилди. Шу вақтда афғон Темуршоҳ катта лашқар билан Қобулдан Балхга келди. Амир Шохмурод эса 20 минг қўшин ҳамроҳлигида Келифдан унга қарши юриш бошлади. Акча Садрох вилоятида икки ўртада катта жанг бўлиб, афғон лашқари талафотга учради ва сулҳ тузиб Қобулга қайтди. Амир Шохмурод 1795 йил Тошкандни забт этди. Бироз муддатдан сўнг Қўлобда бўлган Қундуз ҳокими Оллоберди қатағон Дехнавни қамал қилди. Амир Ҳайдар Қарши лашқари билан унинг устига

\*1) Матнда Бахрамалихон. Илмий адабиётларда Байрамалихон сифатида тилга олинади. (Х.Тўраев)

юриш килиб қўлга олди ва бошини Бухорога , ўз отаси амир Шохмуродга юборди. Шундан сўнг Хисорни олди”.

Хижрий 1210 йилда (1798-99 йй) Ирок шохи Ахтагон Ирокдан 100 минг қўшин билан Хуросонга юриш килиб, Нодиршоҳ Мирзо хукмронлик қилаётган Машҳад муқаддасни камал қилди. Нодир Мирзо амир Шохмуроддан ёрдам сўради. Амир Маъсум Шохмурод ўзининг кўп сонлик аскарлари билан Марвга етиб келиб саркардаси Муҳаммад Раҳимхон яқдаста бошчилигидаги бошқа бир қўшинни Машҳадга жўнатди. Ахтагон амир Шохмурод ва Муҳаммад Раҳимхон қўшинларининг Машҳадга келаётганлигини эшитиб ўз юртига қайтиб кетди. Шохмурод 16 йил подшоҳлик қилиб 61 ёшида оламдан кўз юмди ва Бухоронинг Жўйбор гузаридида жойлашган хожи Хабибулло ва Ҳазрат Имло раҳматулло алийа мазорига дафн этилди.

Амир Шохмурод фақирлик либосида юрарди. Салласи карбосдан эди. Дастлабки даврларда шоҳлик тожини киймай юрди. Кўхна пўстини кўй терисидан тикилган эди. Оддий ковуш ва махси кийиб юрарди. Хонлик унвонини ўзига бегона тутар, акобирлар тўйига бормас, ҳеч кимнинг тухфасини қабул қилмасди. Ейдиган нарсаси нон ва чой, таоми мошова, сувли хамир бўлиб, ҳафтада бир чорак гўшт аҳли аёли нафақаси хисобланарди. Унинг замонасида бидъатлар ўртадан кўтарилган эди. Айтишларича, у Бухоронинг икки уламосига бидъатларни бутунлай йўқотишга буйруқ берган. Бир куни улардан “Сизларга бидъатларни бутунлай йўқотиш вазифасини топширгандим, бажардингизми”, деб сўрайди. Улар дедилар: “Ҳамма бидъатларни йўқотдик, фақат икки нарсага барҳам бера олмадик”. Амир сўради, “Қайси икки нарсага”. Улар дедилар: “Бири бузруклар”(улуғлар) қабрига тикланадиган туғни, иккинчиси шайхлар тасбеҳини йўқота олмадик”. Амир сўради: “Нега бу икки нарсага барҳам бера олмадингиз?” “Улар дедилар:” Залолатга ботмоқдан ва одамларнинг нодонлигидан кўрқдик. Чунки, умримиз охирида қолди, агар биз улуғлар қабри устидаги туғни ва шайхлар тасбеҳини йўқотсак ва шундан сўнг бироз ўтиб вафот этсак, (мутаассиб) кишилар айтадики, “Фалончиларни улуғлар урди, ёки фалон шайх уларнинг умрини киска қилди”. Амир Шохмурод ҳар иккаласига офарин айтди.

## АМИР САЙИД ҲАЙДАРХОН ҲУКУМАТИ

Сайид Ҳайдар ўз отаси амир Шохмуродхон вафотидан сўнг 1797 йил\* 22 ёшида Бухоро тахтини эгаллади. Онаси Шамсия-бону Сайид Абулфайзхон шахиднинг кизи, амир Шохмурод манғитнинг хотини эди.

Манғит подшоҳлари ҳукмронлик даври муносабатлари баёнини Сайид Ҳайдар давридан бошламоқ керак. Баъзилар ҳукмронлик даврини ота томонига нисбат бериб изоҳлайдилар. Ҳукмдорлар онасини кам биладилар ва улар тўғрисида кам ёзидилар. Шу масалани ҳал этиш учун эътиборни уч нарсага қаратдик:

1. Манғит подшоҳлари ҳукмронлигини исботлаш.
2. Бухоро подшоҳлари ҳукмронлик шажарасини тасдиқлаш (баён қилиш)
3. Амир Сайид Ҳайдар ҳукмронлик даврида бўлиб ўтган воқеалар.

### ҲУКМРОНЛИК ИСБОТИ

Алиф. Хижрий 774 йилда вафот этган имом Жалил Ҳофиз Эъмодиддин Касир Дамашкий шарҳида келтиришича, ўғил ва киз фарзанднинг барчаси зурриёт ҳисобланади. Чунончи, Ҳазрат Исо Биби Марям алайҳим ас-салам зурриётидир.

Бо. Дейдиларки, Ибн Ҳотам эшитган эдики, Сухайл ибн Яхё Аскарийдан, у Абдурахмон Солихдан, ва у Али бин Аббосдан ва у Абдулло бин Ато Макийдан, у эса Харб ибн Лосуддан сўради: Хажжоб, Яхё бин ал-Аъмирдан сўраб билгилки, Ҳасан-розия Оллоҳ ва Ҳусайн -розия-Оллоҳ Наби салли Оллоҳ алия васалламнинг авлодими ва ман Қуръони каримни бошдан охиригача ўқидим. Дедилар: Ҳазрат Исо Иброхим авлодидандир. "Инъом" сурасида бу тўғрида хабар берилади.

\*) Амир Ҳайдар 1800 йил ҳокими т. тепасига келди. (Х. Тураев)

Бухоро подшохи Саййид Абдулахадхон (Туркия) султони Абдулхамид Усмоний даврида Маккаи мукаррамада бир работ барпо қилиб унинг дарвозаси устига ўз номини ёздирмоқчи бўлди. Маккаи мукаррама уламо ва фузоллари Бухоро подшоҳининг истагини қабул қилмадилар. Шунда Бухоро уламолари ҳукмравонликни Али розияллоҳ аҳли аёллари ва Фотима алийҳамо ал-ислом авлодларига нисбат бериб, араб уламоларига (мақтуб) жўнатдилар. Араб уламолари работ масаласидаги таклифни тўғри деб топиб улардан уч нафари бунга тасдиқлади ва султон Абдулхамид Усмоний ҳукмига ҳавола қилдилар. Султон уни тасдиқлаб муҳр босгандан сўнг, амир саййид Абдулахад номини работ дарвозаси тепасига ёзиб қўйдилар. Бу ёзув ҳозир ҳам мавжуд.

Ҳ. Пархезкор, тақводор, шунингдек илоҳиёт, ҳадис, тафсири, фикҳ илмидан хабардор кизга уйланишни Бухорода ҳар бир киши бахт деб билган.

## БУХОРО ПОДШОҲЛАРИ ҲУКМРОНЛИК ШАЖАРАСИ

Бу сатрлар муаллифининг шахсий кутубхонасида мавжуд бўлган марҳум Мирзо Муқим асарида ёзилган сўзларни азият ўқувчилар диққатига ҳавола этаман.

### *Бисмиллаҳир Роҳманир Раҳим*

(Қуйидаги) номи пок(зотлар) номидан ибтидо қиламан: Ҳазрат Саййидино ва мавлоно Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васаллам ҳазрат сиёдат онсиёт Фотима-Зухро, ҳазрат Саййид Имом Али бин ал-шаҳид Ҳусайн розиоллоҳ-ҳазрат Саййид Имом Муҳаммад Боқир бин Саййид имом Али, ҳазрат Саййид Имом Жаъфар Содик бин Саййид Имом Муҳаммад Боқир, ҳазрат Саййид имом Мусо Қозим бин Саййид имом Жаъфар Содик, ҳазрат имом Али Мусо Ризо бин Саййид имом Мусо Қозим, ҳазрат Саййид имом Муҳаммад Нақи бин Саййид Мусо Ризо, Саййид имом Али Нақи бин Саййид имом Муҳаммад Тақи, Саййид имом Ҳусайн Аскар бин Саййид имом Али Тақи,

Саййид Амир Абу Муҳаммад бин Саййид имом Хусайн Аскари, Саййид Амир Жалолиддин Муҳаммад бин Саййид Амир Абу Муҳаммад, Саййид Амир Нуриддин бин Саййид Жалолиддин Муҳаммад, Саййид Амир Хидоятулло бин Саййид Нуриддин Муҳаммад, Саййид Амир Муҳаммад Муъйин бин Саййид Хидоятулло, Саййид Амир Абу Солих бин Саййид Муҳаммад Муъйин, Саййид Амир Муҳаммад Таки бин Саййид Амир Абу Солих, Саййид Амир Али Ризо бин Саййид Амир Муҳаммад Таки, Саййид Амир Мухсин бин Саййид Али Ризо, Саййид Амир Жаъфар бин Саййид Амир Мухсин, Саййид Амир Муҳаммад Амин бин Саййид Жаъфар, Саййид Мирзо Абу Толиб Бадиъ Замон бин Саййид Муҳаммад Амин, Саййид Шаҳр-бону бент Бадиъ Замон Саййид Амир Надр Муҳаммад бин Шаҳр-бону, Саййид Амир Субҳонкулихон бин Саййид Надр Муҳаммадхон, Саййид Амир Убайдуллохон бин Саййид Субҳонкулихон, Саййид Амир Абулфайзхон бин Саййид Амир Убайдуллохон\*, Шамсия -бону бент Саййид Абулфайзхон, Саййид Амир Ҳайдар бент Шамсия-бону\*\*, Саййид Амир Насруллохон бин Саййид амир Ҳайдархон, Саййид Амир Музаффархон бин Саййид Амир Насруллохон, Саййид Амир Абдулахадхон бин Саййид Музаффархон, Саййид Олимхон бин Саййид Абдулахадхон.

Манғит подшоҳларининг келиб чиқишини Али ва Фотима-Зухро алайҳи васалламга нисбат бериш мумкин. Баъзилар манғит султонларини Чингизхон авлодидан деб ҳисоблайдилар. Бундай фикр ҳақиқатдан йироқдир. Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, Муҳаммад Раҳим “Эли тўк манғит”, яъни турк ва ўзбек авлодидан бўлиб, Чингизхонга алоқаси йук.

---

\*) Ноаниқликка йўл қўйилган. Абулфайзхон Убайдуллохоннинг укаси ҳисобланади, отаси эмас (Х.Тўраев)

\*\*) Бу ерда “бент” яъни “кизи” сўзи ноўрин ишлатилган (Х.Тўраев)



## САЙИД ХАЙДАР ХУКМРОНЛИК ДАВРИДАГИ ВОҚЕАЛАР

Сайид Хайдар 22 ёшида Қарши вилоятидан келиб Бухоро тахтига ўтирди. Унга қарши кураш бошлаган дастлабки киши ўратепа ҳокими Бобобек парвоначи ҳисобланади. Бобобек парвоначи Жиззахни қўлга киритгандан сўнг, шаҳар ҳокими, яъни амир Хайдар синглицининг эри Муҳаммад Юсуфхўжани асир олди. Бу воқеадан хабар топган Каттақўрғон ҳокими Муҳаммад Хўжа ўз ўғли Муҳаммад Юсуфни озод қилиш учун катта қўшин билан Жиззахга келди ва Бобобек парвоначи қўшинлари билан жанг қилиб, уни беш юз лашкари билан бирга асирга олди. Уларнинг баъзиларини қатл этди, қолганларини Бобобек парвоначи ва унинг онаси ҳамда кичик ўғли Қосим Хўжа ҳамроҳлигида Бухорога жўнатди. Амир Хайдар асирларни озод этиб, Муҳаммад Амин ва унинг онасини Каттақўрғонга юборди.

Муҳаммад Амин хўжа нақиб амир Сайид Хайдарнинг бу ишидан ранжиб, амир Сайид Хайдарнинг акалари Умарбий ва Фозилбийларни Шаҳрисабздан Каттақўрғонга таклиф этди ва улардан ҳарбий ёрдам сўради.

Амир Хайдарнинг акаси Абдулла додхоҳ Шаҳрисабзий бошчилигидаги минг нафар лашкарни ёрдамга юборди.

Муҳаммад Амин нақиб амир Хайдарнинг акалари Умарбий ва Фозилбийни Панжшанба вилоятида, ўғли Қосим Хўжани Янгиқўрғонда қолдириб ўзи Самарқандни қўлга киритиш учун уни камал қилишга киришди.

Самарқандни камал қилинганлигидан хабар топган амир Сайид Хайдар Холмўминхонбий парвоначи ва Муҳаммад Аминбий қалмоқни ўн минг қўшини билан ўз укаси Самарқанд ҳокими Хусайнбекка ёрдам бериш учун жўнатди. Ўзи эса, Панжшанба вилоятига хужум қилиб, биродарлари Умарбий ва Фозилбийни ҳамда жангда иштирок этаётган уларнинг ўғилларини, жами икки юз кишини қатл этди ва Муҳаммад Амин нақиб устига юриш бошлади. Муҳаммад Амин нақиб бундан огоҳ бўлиб, Самарқандни ташлаб Шаҳрисабзга қараб кочди. Амир Сайид Хайдар Каттақўрғон ва Янгиқўрғонни ишғол қилиб,

сўнг Самарқандни эгаллади ҳамда “Кўктош” деб аталадиган Амир Темура Кўрагон қасрига кирди. Бир неча кун Самарқандда бўлиб, сўнгра укаси Хусайнбекни Бухорога жўнатди ва бир вақтлар отасининг хизматкори бўлган Давлат девонбегини Фузордан чакириб олиб, Самарқанд ҳокими этиб тайинлади ҳамда унга қушбеги мансабини берди. Ўратепа ҳокими Бобобек парвоначига илтифот кўрсатиб, уни ўз кизи билан бирга Самарқандга юборди. Хўжанд ҳокими Бекмуродбий валад Худоёрбийни ўзига яъни амир Хайдарга тобе деб эълон қилди. Шу вақтда Кўкон хони Олимхон бин Норбўтабий Хўжандга хужум қилиб, уни ўз тасарруфига киритди ва Бекмурод Хўжанддан қочиб Ўратепага, акаси Бобобек хузурига келиб шу ерда паноҳ топди. Бекмурод тунда ўз укаси Бобобекни ўлдириб, Ўратепа ҳукмдорлигини ўз қўлига олди ва Хўжандни олишда ёрдам сўраб амир Хайдарга мурожаат қилди.

Бекмуродбий амир Хайдар аскарлари томонидан асир олинди. Амир Хайдар уни Бобобек парвоначи фарзандлари қўлига топширди ва улар Бекмуродбийни қатл этиб оталари хуни учун қасос олдилар. Амир Хайдар Ўратепани фатҳ этиб, мулла Эрназарни ҳоким этиб тайинлади.

Хижрий 1219 йил урганчлик Элтузархон Бухорога талончилик юришларини бошлади. Амир Саййид Хайдар Ниёзбек парвоначи бошчилигида 20 минг лашкарни Хоразм тарафга сафарбар қилди. Элтузархон Амударёдан ўтгандан сўнг Бухоро ва Хоразм лашкарлари ўртасида жанг бўлиб, хоразмликлар талафот кўрдилар. Элтузархон бир неча аскарлари билан асирга олиниб Бухорога келтирилди. Амир Хайдар фармони билан Элтузархон ва унинг икки укаси осиб ўлдирилди. Унинг учинчи укаси Қутлуғ Муродхон эса тўрт юз киши билан бирга асирликдан озод қилиниб Урганч ҳокими этиб тайинлади.

Шу йили амир Шохмуродхоннинг Дин Носирбек исмли ўғли 4000 нафар лашкар билан Чоржўйга хужум қилди. Амир Хайдар томонидан саркарда Ниёзбек парвоначи бошчилигида юборилган қўшин Носирбекни мағлубиятга учратиб унинг лашкарларидан 2000 нафарини ҳалок этди ва асирга олди. Носирбек ўз оиласи билан Машхадга қочди. Амир Хайдар Эрлақаббийни икки юз туркман хонадони билан бирга Марвга

юбориб шаҳарнинг вайрон бўлган жойларини, арик, тўғонларни обод қилишни буюрди. Эрлақаб ўн йил Марвда ҳукмронлик қилди.

Хижрий 1220 йил Қўқон хони Олимхон Ўратепа ва Жиззахга ҳужум қилди. Қўқонликлар Олимхонни ўлдириб ўрнига Умархонни Қўқон хони этиб қўтардилар. Умар шоир, адиб, фозил киши эди. У хижрий 1234 йил 35 ёшида оламдан ўтди.

Шу йил Хоразм хони Муҳаммад Раҳимхон Чоржўйга ҳужум қилиб уни эгаллади ва икки йил мобайнида уни талади. Миёнқолдаги кипчоқ ва хитой қабилаларини ҳам бўйсундириб Одинакул ва Маъмур нойонни уларга ҳоким этиб тайинлади. Шунингдек, у Каттақўрғон, Янгиқўрғон, Панжшанба ва Челақни ишғол қилиб сўнгра Самарқандни қамал этди. Хоразмликлар ҳаракатини бартараф этиш мақсадида амир Хайдар шу даврда Қарши ҳукмдори бўлган ўзининг қатга ўғли амир Саййид Насруллони хитой-кипчоқлар устига юборди.

Амир Насрулло Каттақўрғонни ишғол қилиб Абдуллобий ўртачини барча одамлари билан бирга жазолади. Муҳаммад Раҳимхон ўз аскарлари билан ҳар томонга тарқаб кетди. Амир Хайдар хитой-кипчоқларни шамшир кучи билан Одинакул ва Маъмур нойондан тортиб олди ва аҳоли билан сулҳ тузди. Саййид Хусайн исми кичик ўғлини Самарқанд ҳокими этиб тайинлаб, ўзи Бухорога қайтди. Муҳаммад Раҳимхон эса тинчланмасдан яна Амударёдан кечиб ўтиб Зараб (Фараб)ни ишғол қилди.

Саййид Муҳаммад Раҳимхон ўз ватани Ўратепага бориб ўша ерда вафот этди ва бухороликлар хоразмликлар билан жанг қилишдан халос бўлдилар.

Хитой-кипчоқлар амир Дониёлнинг невараси ва Маҳмудбийнинг ўғли Исҳоқбекни ўз бошлиқлари этиб тайинладилар. Шундан сўнг атроф ноҳияларга ҳужум қилиб Кармина яқинида жойлашган Боғча Калон мавзеигача бўлган ерларни ишғол қилдилар ва қўп қишлоқларни талаб баъзиларига эса ўт қўйдилар. Амир Саййид Хайдар хитой-кипчоқлар исёнини бостириш учун ҳаракат бошлаб Панжшанба, Челақ қўрғонларини қамал қилди. Ҳисор ҳокими Саййидбек юз, Ўратепа ҳокими Атоликбекбийлар амир Саййид Хайдарга ёрдамга келдилар.

Амир Хайдарнинг ўғли Самарқанд ҳокими амир Хусайн

отасининг маслаҳатисиз Ражаббек парвоначини Ургутга юбориб, минг уруғларига қарши жанг қилишни буюрди. Бу жангда Самарқанд лашкарларининг аксарияти кириб ташланди ва Ражаббек парвоначи асир олинди. Амир Хусайн Ражаббек парвоначини асирликдан озод қилиш эвазига Ургутни минг уруғларига қайтариб берди. Амир Хайдар ўз ўғли амир Хусайнни мазкур фитна катнашчиси деб ҳисоблаб Самарқанд хокимлигидан четлаштирди.

Амир Хайдар милодий 1824 йил\* 48 ёшида оламдан ўтди. Ҳазрат Имло мазорига дафн этилди. Хукмронлик даври 27 йил.

У раъиятпарвар, олим, тақводор ва саховатпеша ҳукмдор бўлиб, тўрт юзта толиби илмларга сабоқ берди. Айтишларича, беҳад тақводорлиги боис бирор марта таҳажжуд ва ишрок намозини тарк этмаган. Ғариб мискинларга меҳрибонлик кўрсатган. Уламо ва машоихлар эҳтиромига сазовор бўлган эди. Унинг етти ўғли ва саккиз қизи бор эди. Ўғалларидан бири амир Насруллохон Қарши хокими, иккинчиси амир Умархон Кармина хокими ва учинчиси амир Хусайн тўра 1824 йил\*\* ўз отаси амир Хайдар вафотидан сўнг Бухоро тахтига ўтирди ва эллик олти кунлик ҳукмронликдан сўнг, 30 ёшида вафот этди. Шундан сўнг укаси амир Саййид Умар тахтга ўтирди. Унинг хулқи яхши эмас эди, бунинг устига давлат ишларидан беҳабар эди. Бухоро амалдорлари Саййид Насруллохонни Бухоро тахтига таклиф этдилар ва у бу даъватга кулоқ тутиб Қаршидан Бухорога келди. Лекин биродари Саййид Умар Бухоро дарвозаларини акаси учун беркитиб қўйди. Амир Насрулло орқасига қайтиб ҳазрат Баҳоуддин Накшбанд алийа-ал-рахма мазорлари зиёратига борди ва у ердан Самарқанд тарафга юзланиб, Миёнколни ўз тасарруф халқасига киритди. Сўнг яна Бухорога қайтиб уни камал қилди. Бухоро шаҳри ичида бўлган Ҳаким кушбеги, Ражаббек парвоначи ва Аёзбийлар бирлашиб, Бухоро дарвозаларини амир Насрулло учун очиб бердилар. Амир Насрулло ўз биродари Саййид Умарни Масжиди Баланд гузаридида жойлашган куёви Саййид Аҳмад исмли кимсанинг ховлисига жойлаштирди.

\*) 1826 йилги вафот этган (Х. Тўраев).

\*\*) 1826 йил.

Саййид Умар Бухорода саксон кун хукмронлик килиб сўнг хокимият Саййид Насрулло қўлига ўтди.

## АМИР САЙЙИД НАСРУЛЛО ҲУКМРОНЛИК ДАВРИ

Амир Насрулло милодий 1824 йил\* Бухоро тахтига ўтирди. Шаҳар дарвозаларини амир Саййид Насрулло учун беркитиб қўйган Оллохбий ва унинг фарзандларини, шунингдек, эллик нафар бузрукзодани қатл эттирди. Кейинроқ эса биродари Саййид Умарни Хиротга жўнатди. Саййид Умархон эса Хиротдан Қўқонга қайтиб келиб Қўқон хони амир Умархон\*\* олдида яшай бошлади. Қўқон хони Саййид Умархонга беҳад илтифотлар кўрсатиб ўз қизини унга никоҳлаб берди. Саййид Умархон умрининг охиригача Қўқонда яшаб ўша ерда вафот этди.

Қўқон хони амир Умархон вафотидан сўнг ўғли Муҳаммад Алихон Қўқон тахтини эгаллади. Муҳаммад Алихон ўз хукмронлигининг дастлабки йилларида Ўратепани Оталиқбий юздан тортиб олиб Янгиқўрғонгача етиб борди. Дониёл эса Шаҳрисабз ва Чирокчи шаҳарларини ишғол килиб Қаршига қараб юриш бошлади. Амир Насрулло хижрий 1243 йилда Чирокчини Дониёлдан тортиб олди, 1248 йилда эса Қўқон хонлигига ҳужум килиб Жиззах, Ўратепа, Хўжандни ишғол этди ҳамда шу йил Қўқон хони Муҳаммад Алихонни ўлдирди. Иброҳим парвоначини Қўқонга ҳоким этиб тайинлади. Бир ой ўтгач, қўқонликлар Иброҳим парвоначини Қўқондан қувиб чиқариб ўрнига Худоёрхонни хон килиб кўтардилар\*\*\*.

Амир Насрулло узоқ яқиндаги мусулмон мамлакатларига хайъатлар(элчилар) юбориб, уларга бир ислом иттифоқини тузишни таклиф қилди. Шу мақсадда Қобилбекни Эрон шоҳи Муҳаммад Қожор ҳузурига жўнатди. Муҳаммад Қожор шундай

\*) 1826 йил

\*\*) Хатоликка йўл қўйилган. Бу даврда Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1822-1842) эди (Х.Тўраев)

\*\*\*) Аслида Худоёрхон эмас, Шералихон хон этиб кўтарилади. Муаллиф чақашликка йўл қўйган (Х.Тўраев)

жавоб қилди: “Эшитишимча, бухороликлар ғариб ва бошпанасиз эронийларни ўғирлаб уларни бошқа ерларга сотар эканлар ва тушган пулни ўз эҳтиёжлари учун сарф этарканлар. Бухоро амири бундай ишларга қандай чидаб турар экан. Эрон давлати бундай ислом давлати билан иттифоқ бўла оладими”. Қобилбек шу жавоб билан Бухорога қайтади. “Кашкули Салимий” китобида келтирилишича, бир хафта ўтгач, Салимбекнинг бобоси Болтакулбек чигатой Истанбулга отланади ва Эронга етгач, Шохни кўрмай кетишни одобсизлик ҳисоблаб унинг хузурига ташриф буюради ва Бухоро урф-одатига кўра унга совгалар топширади. Эрон шоҳи Болтакул чигатойга бухороликлар томонидан эронийларнинг ўғирланиши тўғрисида арз қилганда, Бухоро элчиси куйидагича жавоб беради: “Шаҳаншоҳ, Бухоро подшоҳи узок муддат кўп мамлакатларга ўз ҳукмини юритганлиги ҳеч кимга сир эмас. Сизга маълумки, Бухоро давлати ва Эрон мамлакати ўртасидаги ҳудудда туркманлар жамоаси истикомат қилади. Улар на Бухорога ва на Эронга бўйсунадилар, талончилик, ўғрилик билан машғулдирлар. Бухороликлар мурувват ва шафқат юзасидан бу туркман жамоаси томонидан ўғирлаб келиб сотилаётган эронийларни адолатли нарҳда харид қилиб, муносиб ишларга тайинлайдилар. Андак вақтдан сўнг улар гуломликдан озод бўлиб соҳиби мансаб бўладилар ва бадавлат кишиларга айланадилар. Шунингдек, подшоҳлар томонидан юқори лавозимларга кўтариладилар. Шу боис, Эронга қайтмасдан Бухорода доимий яшаб қоладилар”.

Болтакулбек чигатойнинг бу сўзларига Муҳаммадшоҳ кулиб шундай деди:

Фиристода бояд ки доно буд,  
Бағуфтанд диловар тавоно буд.  
Аз у ҳар че пурсанд гуяд жавоб,  
Жавобаш набошад беғайр савоб.

Мазмуни:

(Элчи этиб) юборилган киши доно, жасур,  
уддабуро бўлиши керак. Ундан ҳар нени

сўрасалар жавоб бера олиши, жавоблари эса факат савоб (яъни тўғри) бўлиши лозим\*.

Шундан сўнг ўзи минадиган “Кук” номли отни Болтакулбек чигатойга инъом қилиб уни бир неча кун меҳмон қилди ва иззат икром билан Истанбулга кузатиб қўйди. Амир Насруллодан қуйидаги байт бор:

Мазлум ҳақини бермокни вожиб бил, фарз айла,  
Ки ўзга сўзинг бўлса қиммат, кел, эваз айла.

Бухоро элчисининг Туркия тупроғига етиб келганлигини Султон Абдулмажидхонга билдирадилар. У Бухоро элчисини олиб келишларини Миср волийси Иброҳим подшоҳга хабар берди.

Болтакулбек эса кемада боришни истамай, ўз ҳамроҳлари билан куруклик орқали Истанбулга етиб келди. Султон Абдулмажидхон яқинларидан бўлган Қоплон исмли шахс элчини ўз истиқомат қиладиган қароргоҳига келтириб қўйиб, Султон номига ёзилган мактубни беришни сўради ва уни Султонга етказишни ваъда қилди. Болтакулбек чигатой эса, мактубни бермай, уни Султонга шахсан ўзи топширишини билдирди ва бир неча кундан сўнг Султон қабулига киришга муваффақ бўлди.

Бухоро қоида ва русумларига биноан, Болтакулбек чигатой белига камар боғлаб ва унга ханжар осиб Султон қабулида ҳозир бўлди. Қоплон унинг бу ҳолатига эътироз билдириб деди: “Белида камар ва ханжар бўлган элчини Султон қабул қилмайди”. Болтакулбек чигатой “Бизнинг расм русумимиз шунақа”, деб жавоб қилди. Мажбуран Султон қабулида ҳозир бўлишди.

Бухоро элчиси белидаги камар ва ханжар Султоннинг диққатини тортди. Болтакулбек чигатой ўрнидан туриб Султонга қуйидагича арз қилди: “Подшоҳлар ўзларининг содиқ хизматкорларига мансаблар бериб нишонлар билан тақдирлайдилар. Чунончи, Истанбулда Султон томонидан

---

\* ) Мазмуний таржима муаллифи Юнусжон Азимов.

бериладиган унвон (лавозим) “подшоҳ” деб аталади. Эрон ва Хиндистонда “хон” деб юритилади, Бухорода амир томонидан бериладиган камар ва ханжар “унвон” ҳисобланади”.

Болтақулбек чигатойнинг сўзлари Султонга маъкул бўлди ва у мулозимларидан бирини чақириб қулоғига қуйидагиларни айтди: “Бироздан сўнг хазинамиздаги олмос билан безатилган камар ва ханжарни Бухоро элчисига бериб унга шундай денг:

“ Сиз икки подшоҳ мукофотига сазовор бўлинг”. Элчи олти ой Истанбулда Султонга меҳмон бўлиб, сўнг Бухорога қайтди.

Хижрий 1248 йил Русия давлати ўз элчиси Мажурлутневни Бухоро ҳукмдори амир Насрулло хузурига юборди. Рус элчисига Бухоро билан иқтисодий, сиёсий алоқалар ўрнатиш, ўзаро ҳамкорлик қилиш вазифаси топширилган эди. Рус элчиси амир Насруллонинг ишончини қозониш ва эътиборини жалб қилиш учун Русиянинг бошқа ислом мамлакатлари, чунончи, Туркия билан муносабатларини ва бу давлат ички ва ташқи душманларини бартараф қилишда мамлакат ҳукмдори Султон Махмуд Сонийга Русия кўмак берганлигини мисол кел-тирди. Шунингдек русларнинг Миср волийси Муҳаммад Али-хон ва Эрон шоҳи Муҳаммад Қожор билан дўстлигини таъкидлади.

Рус элчиси икки давлат ўртасида қуйидаги моддалардан иборат шартнома имзоланишини таклиф этади.

1. Бухоро ва Русия давлати бир-бири билан дўст, бирининг душманига иккинчиси ҳам душман.

2. Бухоро ҳуқуқ ва мажбуриятлари: русларни асирга олмайди, русларнинг ҳаёти ва мол-мулки хавфсизлигини таъминлайди.

3. Бухоро тупроғида вафот этган руснинг мол-мулки Русияга жўнатилади ва Бухоро бу мулкка даъво қилмайди ва мусодара этмайди.

4. Масъул шахслар рус тижоратчиларининг молларини ўғирланиши ва уларга зарар етказилишига йўл қўймасликлари, ўғирларни жазолашлари шарт.

5. Бухоро тупроғида доимий ёки вақтинча истиқомат қилувчи русларга иззат-иқром кўрсатилиши ва аксинча рус тупроғида яшовчи бухороликлар ва мусулмонлар ҳурмат қиллиниши лозим.



6. Зарурият ва эҳтиёж туғилганда Русия Бухорога ҳарбий ёрдам беришга, уни душмандан ҳимоя қилишга тайёр бўлиши ва ўз навбагида қелишувга риоя қилиши лозим.

Русия элчиси саккиз ой Бухорода туриб амир билан учраша олмади. Амир (Насрулло) у билан учрашишни истамаганлиги учун ўз мулозимлари орқали элчига Қўқон билан жанг қилишга кетаётгани ва у билан учрашиш ҳамда музокара олиб боришга вақти йўқлигини билдирди. Русия элчиси саккиз ой кутган бўлсада, бирор натижага эришолмай Масковга қайтди.

Бухоро амири Оврупо мамлакатлари билан алоқа қилмасди ва уларга ишонмасди. Танҳо усмонли Туркия билан яхши дипломатик алоқалар ўрнатди.

Шаҳрисабз ҳукмдори Дониёлбий вафотидан сўнг амир Насрулло икки-уч йил бир неча бор Шаҳрисабзга хужум қилиб, Шаҳрисабзга даъвогарлик қилаётган Хўжақули ва Искандарни тинчлантирди. Охир оқибат бу шаҳарни фатҳ этиб ўз қўл остига киритди. Искандарни Бухорога жўнатиб унинг синглисига уйланди.

Амир Насрулло 35 йиллик ҳукмронликдан сўнг, кулок оғриғи касалигига чалиниб, 1859 йил 63 ёшда оламдан ўтди. Бухородаги Ҳазрат Имло қабристонига дафн қилинди.

## АМИР МУЗАФФАРИДДИН

Амир Насруллоҳон вафотидан сўнг унинг ўғли Саййид Музаффариддин Карминадан келиб, 1859 йил Бухоро тахтига ўтирди.

Амир Музаффар ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Ҳисор ҳокими Абдулкарим девонбеги, Қўлоб ва Балжувон ҳокими Сарабек додхоҳ, шунингдек Қоратегин ва Дарвоз беклари амир фармониغا бўйсунмай, исён кўтардилар. Қўқон хони Маллаҳон эса Ўратепани Рустамхонбий юздан тортиб олиб то Жиззах ҳудудларигача етиб келди.

Киш бошланиб совуқ тушгандан сўнг Музаффариддин қатта қўшин билан Ҳисорга юриш бошлаб, Дехинав вилоятини ўз тасарруфига киритди. Шундан сўнг Ҳисори-Шодмонга юзланиб, ун беш кун Ҳисор қалъасини қамал қилди ва натижада уни ҳам

қўлга киритиб, Хисор хокими Абдулкарим девонбегини ўриллари билан биргаликда қатл этди. Ўз кучларини Қўлоб ва Балжувон тарафга йўналтириб бу вилоятларни ҳам осонгина ишғол қилди ва мухолифни тор-мор этди.

Қўлоб хокими Сарабек додхох бу жангда мағлуб бўлиб Афғонистон тарафга қочди ва амир Абдурахмонхон ҳузурда паноҳ топди. Дарвоз ва Қоратегин беклари амир Музаффарга жангсиз таслим бўдилар. Амир Музаффариддин Қоратегин хокимини ўз лавозимидан четлаштириб, ўрнига Сурухиддинни тайинлади. Қўкон хони Маллахон Ўратепани қўлга киритгандан кейин қўконлик асирларни ўлдирди. Шундан сўнг, Қўкон амирлари иттифок бўлиб Маллахонни қатл этдилар ҳамда ўрнига амаккивачаси Худоёрхонни Қўкон тахтига кўтардилар.

Амир Музаффариддин катта қўшин билан Рустамбий юз устига юриш қилиб уни мағлуб этди ҳамда Ўратепани ишғол қилди. У ерда бир неча кун дам олиб, сўнг Қўконга юзланди. Қўконни қўлга киритиб, Худоёрхонни амир этиб тайинлади. Шундан сўнг Бухорога қайтди. Икки йил ўтгач, Қўкон уламолари амир Музаффар томонидан Қўкон тахтига ўтқизилган Худоёрхонни тан олмай, Султон Муродхонни хон этиб кутардилар. Худоёрхон Қўкондан қочиб Самарқанд хокими Оллоёрбек парвоначи олдига келишга мажбур бўлди. Амир Музаффар буйруғи билан Оллоёрбек парвоначи Худоёрхонга иззат-икром кўрсатиб уни уй-жой ва маош билан таъминлади.

Икки йилдан сўнг Музаффар Қўконга хужум қилиб Султон Муродхонни тахтдан ағдарди ва Худоёрхонни иккинчи бор Қўкон тахтига кўтарди.

Шу даврда кенас қабилалари Шахрисабзни Ашурбекбий қўлидан тортиб олиб, ўрнига Ҳакимбекни хоқим этиб кўтардилар. Шунингдек, Китоб вилояти хоқими Зоқирбекни ўз лавозимидан четлаштириб, Жўрабекни Китоб хоқими этиб тайинладилар. Бу воқеалардан ғазабланган амир Музаффар Шахрисабз ва Китобга хужум қилиб, икки ой мобайнида уларни камал қилиб турди. Натижа чиқмагач сулҳга рози бўлди.

Шу даврда русларнинг Туркистон тупроғига юришлари бошланди. Худоёрхонга нисбаттан мухолифлиги бўлган кипчоклар унга ёрдам бермадилар, бу эса русларнинг

Тошкандга юришини тезлаштирди. Кипчоқларнинг Худоёрхонга душман-лиги русларга журъат бағишлади. Рус қўмондониди Черняев 1865 йил 17 июнда Тошкандни қўлга киритди. Машхур сўфий Хўжа Аҳмад Яссавий ватани бўлмиш Ясса шахри 1864 йил руслар тасарруфига ўтди.

Амир Музаффар хижрий 1282 йил руслар билан жиход қилиш учун катта қўшин билан Бухородан чиқиб Самаркандга келди ва ўз хизматкори Шералибий инокни Самарканд ҳокими этиб тайинлади. Оллобек девонбегини Жиззахда қолдириб ўзи эса қўшин ҳамроҳлигида Сирдарё бўйида жойлашган Сассиққўл мавзеига йўл олди.

Русларнинг Бухорога ҳужумини тўхтатишни кўзлаб амир Музаффар Бухорога қайтди ва бу ердан Хўжа Низомиддинни элчи қилиб рус подшоҳи ҳузурига жўнатди. Генерал Черняевнинг тажовуз қилганидан шикоят қилиб, рус подшоҳидан рус лашкарларининг минтақадан чиқарилишини талаб қилади. Аммо руслар Хўжа Низомиддинни ҳибсга олдилар. Натижада амир Музаффар ҳам шундай йўл тутиб, ўз мулкида яшайдиган русларни гаровга олди. Рус давлати кенгаши аъзоси генерал Черняев рус амалдорларидан капитан Ключевскийни, байроқбардор Кулинковни ва тотор Яковни Бухорога юбориб, икки давлат ўртасида юз берган ихтилофларни ўзаро келишув асосида ҳал қилишни топширди.

Бу элчилар рус подшоҳининг расмий элчилари бўлмаганлиги боис, уларни расман кутиб олиш амалга оширилмади. Руслар томонидан Бухоро элчиси Хўжа Низомиддинга нисбатдан қандай йўл тутилган бўлса, Черняев томонидан юборилган бу норасмий элчиларга нисбатан ҳам Бухорода шундай йўл тутилди.

Бухоро томонидан содир этилган бу ҳақоратдан ранжиган генерал Черняев 1866 йил Жиззахга ҳужум бошлади.

Бир инглиз журналисти мистер Вейли бу воқеаларни қуйидагича шарҳлайди: "1866 йил февралда руслар Бухоро сарҳадларига ҳужум қилдилар. Натижада улар бухороликлар томонидан сиқувга олиниб, улардан ўз қуролларини Бухорога топшириш талаб этилди. Лекин, руслар бунга рози бўлмадилар ва натижада икки ўртада қонли тўқнашув бўлиб ўтиб, оқибатда

500 нафар бухоролик ярадор бўлди. Шундай бўлсада, руслар бухороликларнинг сиқуви билан ўз қурол-аслаҳаларини Бухоро давлатига топширишга мажбур бўдилар. Улардан бир нечаси асирга олинди”.

Русия ҳукумати генерал Черняевга хайфсан эълон қилиб, вазифасидан четлаштирди ва ўрнига генерал Романовскийни тайинлади. Русларнинг талафоти ўзбекларга журъат ва кўтаринки рух бағишлаб, рус лашкарлари устига юришга чорлади. Натижада 1866 йил 5 апрелда Бухоро лашкарлари Чиноз қалъасини ишғол қилиб уни руслардан тортиб олдилар.

Амир Музаффар русларни Тошканддан хайдаб чиқариш учун 5000 манғит лашкари, 30 минг қирғиз, 10 минг туркман ва 20 тўп хамрохлигида Тошканднинг шимолига қараб ҳаракат қилди. 1866 йил 20 майда Хўжанднинг шимолий-ғарбий қисмида муҳолиф билан жанг бўлиб ўтди. Замоनावий ҳарбий қуроллар билан қуролланган рус лашкарлари талафот кўришларига қарамай, ёрдамга етиб келган янги ҳарбий кучлар иштирокида қаршилиқни давом эттириб душман қўшинларига зарба бердилар. Жиходда иштирок этган кўплаб манғит қабила вакиллари кўпроқ талафот кўрдилар. Етказилган ҳарбий зиён натижасида мусулмонлар бирлиги тугади.

Кўкон хонлигининг Бухорога қўшиладиган Жокниёс мавзеи аҳолиси русларнинг замоनावий ҳарбий кучларига қарши тура олмасликларини англаб русларга қарши жанг ҳозирлигини кўрмадилар. Аммо баъзи уламолар, рухонийлар томонидан русларга қарши қилинган ташвиқот ва тарғибот натижасида маҳаллий аҳоли русларга қарши кураш бошлашга қарор қилди.

Бўлиб ўтган жангларда маҳаллий аҳоли мол-мулки ва жонига кўп зиён етди. 1876 йил руслар Кўкон шаҳрини ҳам қўлга киритиб кўконликларга катта талафот етказди. Раҳбарсиз қолиб пароканда бўлган аҳоли саросимага тушиб, Шарқий Туркистон тарафга, яъни Ёқуб кушбеги ҳузурига қочишга мажбур бўлди.

Руслар қўлида қўғирчоққа айланиб қолган Худоёрхон ўз инон-ихтиёрини русларга топшириб қўйди.

Охир оқибат бу шахс ўз қўл остидаги барча ерларни , яъни Кўкон хонлигига қарашли худудларни русларга

контрибуция (товон) сифатида топширди ва руслар осонгина бу минтақада ўз ҳокимиятини мустаҳкамлади. Махаллий ҳукмдорларнинг бирин-кетин муваффақиятсизликка учрашлари русларга рух бағишлаб уларнинг тажовузини тезлаштирди.

Стратегик жиҳатдан қулай жойлашган Ўратепа ва Чирок 1866 йил октябр ойида руслар томонидан ишғол қилинди ва шу йил Фарғона ҳам Бухоро амири таъсиридан чиқиб руслар қўлига ўтди.

Қатор ҳарбий муваффақиятсизликлар ва талафотлар амир Музаффарни қийин аҳволга тушириб қўйиб, Мовароуннаҳр бошига тушаётган хавф-хатар уни ғамга ботирди. Русларга қарши курашда амир Музаффар суюнадиган бирор бир қавм ва гуруҳ йўқ эди. Ўзаро ички зиддиятлар, рус давлатининг фавқуллода тажовузи ва уларга қарши мусулмонларнинг самарасиз кураши душман ҳужумига кенг йўл очиб берганлигини ва уларга қаршилиқ кўрсатувчи бошқа куч йўқлигини амир Музаффар ва ўша замоннинг баъзи ҳукмдорлари англаб етдилар. Аҳоли эса кофирлар қудратини ва мамлакат қулаётганлигини ҳис этиб ҳар ерда митинглар уюштира бошлади ҳамда уламою донишмандларни бу митингларга даъват этди. Натижада халқ иродасини ифодаловчи бир миллий қўзғолон содир бўлди. Бухоро аҳолиси ва Бухорога тобеъ бўлган бошқа халқлар ҳамда турли қатламлар, чунончи, зархарид ғуломлар(сотиб олинган қуллар) кўнгилли бўлиб курашга ҳозир бўлдилар. Қурол деб аташ ҳам мумкин бўлмаган ибтидоий қурол-аслаҳалар, шамшир, пичок, чокку (кичик пичок), таёқлар, пиликли милтиқлар билан қуролланиб олиб бозорлар ва хиёбонларда пайдо бўла бошладилар.

Улар ғалабани шахидликда кўрардилар. Кучлар тенг эмаслигини тан олиб шахид бўлишни ўз бўйинларига олган эдилар. Бундай шошилиш ҳолатида русларга қарши боришни истамаган амир Музаффарни қуйидан бошланган бу ҳаракат муҳолиф билан жанг қилишга чоғлантирди. Бухорони бироз кейинроқ босиб олишни режалаштирган руслар жанг ҳаракатларини бошлаб юборишга мажбур бўлдилар.

Режа бўйича руслар Хива, Кўкон хонликларини тугатгандан сўнг Бухорони ишғол қилишлари лозим эди, лекин бу режа муддатидан олдин амалга ошди. Кучлар тенг бўлмаган бу жангнинг оқибати нима бўлганлиги азиз ўқувчиларга жуда

равшан. Шунинг учун буни шархлашнинг ҳожати йўқ. Руслар 1867 йил Тошкўприк номли жойни ўз фаолият марказларига айлантириб барча ишларни ўша ерда туриб амалга оширдилар. 1868 йил 13 май куни генерал Терашовский ўз аскарларига Зарафшондан ўтиб Самарқанд томонга ҳаракат қилишга фармон берди. Амир Музаффар рус кўмондонлигига мурожаат қилиб томонлар ўртасидаги музокаралар тугагунга қадар Самарқандга юриш қилмасликни илтимос қилди. Лекин, генерал Кауфман бошчилигидаги рус кўшинлари жанг ҳаракатларини бошлаб юбордилар. Музокаралар натижасини кутаётган Бухоро кўшинлари ва улар таркибидаги кўнгилли ҳарбий уюшмалар фронт орқа чизикларида жойлашган эдилар.

Рус кўшинлари 21 пиеда қисмдан(полкдан), замонавий қуроллар билан қуролланган отликлардан, 12 замбаракка эга кавалерия ва 450 казак сарбозларидан иборат эди. Тажрибали рус кўмондонларидан генерал Кулутнев раҳбарлиги остида рус кўшинлари Зарафшон дарёсидан кечиб ўтдилар. Сон жиҳатдан рус лашкарларидан кўп бўлган кўнгилли Бухоро сарбозлари ўрта аср қуроллари билан русларга қарши кураш бошладилар. Заиф ва қуролсиз кишининг бир мушти, жанг кўрмаган ва жанг илмидан беҳабар кишиларнинг замонавий ҳарбий техника ва қуроллар билан қуролланган, тажрибали саркардалар билан таъминланган лашкарларга қарши олиб борган кураши миллий, диний номус ва ифтихорни ҳимоя қилмоқ учун олиб борилган кураш рамзидир. Жанг натижалари албатта ҳаммага маълум: минглаб қурбонлар, юзлаб ярадорлар, вайронагарчиликлар, қаҳатчиликлар, очлик. Буларнинг барчаси халқ бошига оғир мусибат олиб келди.

Самарқанд ҳокими Шералибек инок бу воқеалардан хабар топиб яхши қуролланмаган кўшини билан русларга қарши отланди ва ҳалок бўлди. Ҳукмдорларнинг муваффақиятсиз жанглари ва пухта ўйламай тузган режаларидан кўп зиён кўрган Самарқанд аҳолиси қочоқ жангчилар учун шаҳар дарвозаларини беркитиб, дарвозаларни рус кўмондонларига очишга қарор қилди. Бухоро давлати исломий марказлардан бири ва тарихий ифтихор ҳисобланган Самарқанд шаҳридан жудо бўлди.

Саййид Музаффариддин бу муваффақиятсизликлардан

сўнг Караина шахрига кайтди, унинг фарзанди 19 ёшли валиахд Абдулмалик тўра эса Бухорога юзланди. Талай ҳаракатлардан сўнг амир Музаффар бир қанча сарбозларни тўплаб уларни икки флангга тузиб чиқди. Ўз отлик аскарларини Каттакўрғон тарафга, иккинчи қисм яъни пиёдаларни ўзи ҳамкорлигида стратегик мақсадлар учун хизмат қиладиган Мир кишлоғига олиб борди. Авангард қисм Кауфман лашкарларига зарба берди. Генерал Кауфман бу талафотни олдини олиш учун ўз кучларини Бухоро томонга жўнатди. Амир Музаффариддин ногахон рус лашкарлари билан тўқнашди. Сарипул мавзеида бўлиб ўтган каттиқ жанг амир қўшинларининг мағлубияти билан якун топиб, руслар мусулмонлар устидан тўла ғалаба қозондилар. Бу вақтда валиахд Абдулмалик тўра отаси амир Музаффарга итоат этишдан бош тортиб, ўзини подшоҳ деб эълон қилган эди. Шу боис амир Музаффар Бухорога боришга журъат этмади. Дейдиларки, инсон баъзида ўлимдан қўрқмайди ва ўз мақсадорзуига етишиш учун ўлимга қарши боради. Жиход исломдан абадий дарс бўлиб, унинг илдизидан мустаҳкам ўрин олган.

Жангда душмандан заиф бўлса ҳам фаол ҳаракат қилиб шахидликни афзал кўради. Мовароуннаҳр ва Ўрта Осиёда ўша даврда бўлиб ўтган мунтазам жанглар ва талафотлар аҳоли конида душманга қарши кураш ва озодликни қўлга киритиш ҳиссини кўпиртириб турди.

Валиахд Абдулмалик 25 минг ўзбек ва самарқандликлардан ташкил топган кўнгилли жангчилар билан Шаҳрисабздан Самарқандга ҳужум қилиб, олти кун мобайнида шаҳарни қамал қилиб турди. Бу олишувда 45 рус аскарлари ҳалок бўлиб, 143 таси ярадор этилди. Генерал Кауфман бу воқеадан хабар топиб қарши ҳужумга ўтди ва қамалда қолган рус аскарларини озод қилди. Русларнинг зарбаси ва уларга ёрдамга келган янги кучлар Абдулмалик лашкарларининг руҳини заифлаштирди. Улар орасида парокандалик юз берди. Оқибатда бу жанг ҳам руслар фойдасига ҳал бўлди ва бутун Мовароуннаҳр руслар қўлига ўтди ва уларнинг мустамлақасига айланди. Амир Музаффар билан рус давлати ўртасида тузилган шартномага биноан, руслар босиб олган барча ерлар Русия давлати ихтиёрига ўтди. 1868 йил Бухоро амири билан Русия вакиллари

ўртасида 12 моддадан иборат Зирабулоқ шартномаси имзоланди. Унга кўра, Бухоро Русияга 150 минг рубл миқдорида контрибуция (товон) тўлаши шарт эди. Шартноманинг қолган моддаларига биноан Бухоро Русиянинг ярим мустамлакасига айлантирилди.

Замоннинг баъзи беклари бу шартноманинг имзоланишини шармандалик деб тушундилар. Шаҳрисабздан Жўрабек ва Бобобек, Хатирчи, Гижувон тарафдан эса шартномадан норози кучлар валиаҳд Абдулмаликка ёрдамга шошилдилар. Хива хони ҳам Абдулмаликка қўшилди\*. Абдулмалик Қаршида ўзини подшоҳ деб эълон қилиб тезда ўн минг лашкар йиғишга муваффақ бўлди. Амир Музаффар ўзининг қолган кучлари билан Абдулмаликни жазолаш учун йўлга тушди. Бу орада амирликнинг шимолида яшовчи аҳоли амир тобеълигидан чиқиб Абдулмалик тарафга ўтганлиги ҳамда Содикбой қўмондонлиги остида Кармана томонга келаётгани тўғрисидаги хабар амир Музаффарга етиб келди. Амир Музаффар Карманага қайтишга мажбур бўлди. Бухоро ҳукмдорининг орқага қайтиши унинг шаънига номуносиб иш эди. Бу нарса Абдулмаликни ўз отасига қарши курашини тезлаштирди. Амир Музаффар ўз фарзанди томонидан зарбага дучор этилавергач мадад сўраб русларга муурожаат қилди. Рус қўмондони Абрамов бошчилигидаги қўшинлар Жом қишлоғи яқинида Абдулмалик лашкарлари йўлини тўсиб, тўхтатиб қўйди. Бошқа тарафдан ҳужум бошлаган амир Музаффар шимолда Содикбой кучларига зарба берди. Сўнгра Абрамов ёрдамида Шаҳрисабз, Китоб ва Қарши шаҳарларини Абдулмалик қўлидан тортиб олди. Руслар эса ўзларининг қишги қароргоҳлари бўлган Жом тарафга кетдилар.

Абдулмалик Хива хонидан ёрдам олишга ҳаракат қилди ва ҳатто Қобулга бориб афғон ҳукмдори амир Шералихонни ўз отаси амир Музаффарга қарши курашга даъват қилди. Афғонистон амири уни яхши қабул қилиб ўз кизини унга никоҳлаб берди. Лекин, амир Музаффарга қарши жанг бошлаш тўғрисидаги таклифини қабул қилмади.

Ўз олдига қўйган мақсадига эриша олмаган Абдулмалик Афғонистондан Ҳиндистонга йўл олиб Англия ҳарбий кўмагига

\*1 Муаллиф янглишган, Хива хони Абдулмаликка ёрдам беришга қўнмаган. Аксинча унга урушмаслик тўғрисида маслаҳат берган. (Х. Тўраев)



таянмоқчи бўлди. Инглизлар уни яхши қабул қилиб Ибатобод шаҳрида унинг учун жой ажратишди, ётоқхона ва маош билан таъминлашди. Аммо бу илтифотлар унинг куч-қудрат тўплашга бўлган интилишларини сусайтира олмади. Шу боис, у харбий куч тўплаш мақсадида яна Хивага қайтиб келди. Лекин йўлда номаълум шахс томонидан ўлдирилди\*. Унинг Ибатободда (ҳозирги Покистон ҳудудида) истикомат қилаётган фарзандлари Саййид Искандархон ва Саййид Темурхонлар шу шаҳарда қолиб кетдилар. Улар вафотидан кейин ҳам авлодлари мазкур шаҳарда яшашни давом эттирдилар.

“Тўраи китоби” номи билан машҳур бўлган Саййид Умархон Абдулмалик вафотини қуйидагича ёзади:

“Абдулмалик хижрий 1317 йил рамазон ойининг 16 кунини сешанбада Ибатобод шаҳрида вафот этди ва ўзи қурдирган масжид яқинига дафн этилди”.

Амир Музаффар ўн икки яшар ўғли Саййид Абдулфаттохни 1869 йил ноябр ойида Петербургга ўқишга юборди. Тўртинчи ўғли Саййид Абдулаҳадни эса валиаҳд этиб тайинлади.

Афғонистон амири Абдурахмонхон ўз акасининг ўғиллари билан бўлиб турган доимий жанглардан безиб икки бор Қобулдан Бухорога қочиб келди ва Бухоро амири Музаффариддин томонидан унга иззат-икром кўрсатилди. Шунингдек унга меҳмоннавозлик кўрсатилиб Бухоро амири томонидан қимматбаҳо совғалар улашилди. Афғон амирининг хамроҳларига ҳам илтифотлар кўрсатилди. Улар учун маош тайинланди. Афғонистон амири Абдурахмонхон ўз хотира китобининг 36 саҳифасида шундай ёзади: “Беш кун Қаршида тўхтаб, сўнг Хўжа дех Когон мавзеига йўл олдим. У ердан эса Бухорога қараб юрдим. Когонда бизни Бухоро қушбегиси, қози, қутвол ва баъзи йирик саркардалар кутиб олдилар ва махсус тайёрлаб қўйилган жойга олиб кетдилар. Бухоро амири бизни тўққиз кун меҳмон қилиб, сўнг менга ва менинг юқори лавозимли

---

\*) Бухоролик маърифатпарвар Мирза Сирождин ўзининг “Тухфан ахли Бухоро” асарига Абдулмалик тўрани XX аср бошларида Ҳиндистонда яшаганлигини таъкидлайди. (Х. Тўраев)

мансабдорларимга 10 минг танга, мансаби пастроқ амалдорларимга беш юз ёки олти юз танга, ҳар бир отлик лашкаримга икки юз тангадан инъом қилди. Менинг отим учун эса тилла жабдуқ юборди”.

Ривоят мавжудки, амир Абдурахмонхон Бухоронинг барча вилоятларида бўлиб дилхушлик ва шикор билан машғул бўлди. Аҳоли томонидан яхши кутиб олинди. Абдурахмонхон иккинчи марта Бухорода паноҳ топганда амир Музаффар ундан Афғонистонга қайтиш ва ўз вазифасини бажаришга киришишни илтимос қилди. Афғонистондаги ички зиддиятларни бартараф қилишда Абдурахмонхонга ёрдам сифатида Бухородан бир қисм кучларни, Чоржўйдан эса туркманларни Афғонистонга жўнатди.

Амир Музаффархон қўлдан чиққан ерларни Русиядан қайтариб олиш учун кўп ҳаракат қилди, лекин мурод ҳосил бўлмади. Ўз элчиларини олтин, жавоҳир, ипак матолар каби қимматбаҳо совғалар билан узоқ ва яқин давлатларга, жумладан катта куч-қудратга эга бўлган Шарқий Туркистон ҳукмдори Ёқуббек олдиға, Константинопол ва Калкуттага жўнатиб, улардан босқинчи русларга қарши курашиш учун ёрдам сўради. Аммо ҳаракатлари беҳуда кетди. Руслар ўзлари ишғол қилган ердан бир қадам ҳам жилмадилар. Амир Музаффар ўз хазинаси ва қимматбаҳо ашёларини руслардан муҳофаза қилишга ожиз эди. Амир чора кидирарди. Унинг буйруғи билан Муҳаммад шох кушбеги 20 та тажрибали маъмур воситасида хазинани яшириш учун махсус ертўла барпо этди. Бу ер ости хазинахонасининг ҳар бири 25 квадрат метр майдонни эгалларди. Тилло, кумуш, жавоҳир каби Бухоронинг аввалги ҳукмдорларидан мерос қолган буюмлар, олмос билан безатилган тожлар, шунингдек бошқа мамлакат ҳукмдорлари томонидан Бухоро амирларига ҳадя қилинган қимматбаҳо ашёлар амир буйруғи билан шу ер ости хазинасига жойлаштирилди. Бу тадбир хазинани талончи руслардан муҳофаза қилиб уни Бухоронинг келажак авлодлари учун асраб қолишга қаратилган эди.

Бу қимматбаҳо хазина амир Саййид Олимхон замонигача сақлаб келинди. Аммо қазою қадар ноғоралари янграб, саодат ва ором бузилди. Большевиклар хазинадан хабар топиб уни шўролар маркази Масковга юбордилар.

Юксалиш ва таназзул, можаролару ихтилофлар, умиду умидсизликларга тўла бўлган 25 йиллик ҳукмронликдан сўнг, амир Музаффар хижрий 1301 йилда 61 ёшида вафот этди. Отаси қабри ёнига дафн этилди.

Амир Музаффар куч-қувватдан қолаётганлигини ва умри охираб бораётганлигини хис этиб, Карманадаги ўғли Саййид Абдулаҳадхонга қуйидаги мазмунда васиятнома жўнатди: “ Сенга шуни васият қиламанки, доимо тақводор ва парҳезли бўлгин. Ислом шариати амрлари ва Расули алайҳи васаллам суннатларини тўла бажариб тур. Биз ҳаммамиз бу фоний дунёдан дорулбакога кетгувчилармиз. Яхши биласанки, мен Туркистон ерларини руслар фойдасига қўлдан бериб бир умр ранж-алам чекдим. Уни халос этиш учун саъй-ҳаракат қилдим, аммо ниятим амалга ошмади. Сен ўлкани иккинчи бор босиб олинисига йўл қўйма. Бухоронинг исёнчи ва хиёнаткор икки нафар бойининг мол-мулкни мусодара қилиб, давлат хазинасига топширдим. Давлат ва ҳукуматингга вафо ва эътиқод ҳосил бўлиши учун сен бу мол-мулкни эгаларига қайтар. Яхши биласанки, сенинг йигирма бир ука-синглинг бор, барчангиз менинг фарзандим. Тақдир иродаси билан сен соҳиби тож бўлганингда биродарларингдан ўз шафқатингни дариф тутма, ҳар бирининг ақл-фаросати ва истеъдодига яраша муомала қил. Мол холис сифатида қирқ икки боғ-бўстон қолган, уларни меросхўрлар ўртасида одилона тақсим қил. Вассалом.”

Амир Саййид Музаффариддин олим ва суҳандон шахс бўлиб унинг саройида олиму фузалолар, шоиру донишмадлар бисёр бўлган. Жумладан, Аҳмад Махдуми Дониш, Қори Раҳматулло Возех ва бошқалар.

## АМИР АБДУЛАҲАДХОН - “ОЖИЗ”

Амир Абдулаҳадхон отаси вафотидан сўнг мелодий 1885 йил жума куни соат 11 да Кармана вилоятидан келиб Бухоро тахтига ўтирди.

Амалга оширган биринчи иши-зиндондаги турли кийноқларни бартараф қилди. Чунончи, маҳбуслар бўйни ва оёқларига кунда уриш, уларни занжирбанд қилиш бекор қилин-

ди. Амир Абдулахад рус подшоси Александр III нинг тахтга чиққанлигини табриклаш мақсадида Москвага борди. Рус давлати билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш учун Хисори-Шодмон хокими Остонакул қушбеги, ички ишлар вазири Салимбек парвоначини ва баъзи Бухоро аёнларини Александр хузурига юборди.

Тарихчи Мухаммад Салим ўзининг "Кашкули Салимий" асарида шундай ёзади: "У вақтларда релс(поезд) йўқ эди. Биз Оренбург ҳудудигача пўчтални аробада, у ердан эса поездда Петербургга қараб ҳаракат қилдик. Рус подшосининг буйруғи билан бизни Каронтодел меҳмонхонасига жойлаштирдилар. Рус императори ҳар биримизга нишонлар, тилло соатлар, олмос билан безатилган узуклар совға қилди. Бизлар боғлар ва касрларни томоша қилишга чиқдик. Бу расмий меҳмондорлик олтмиш икки кун давом этди. Сўнг Бухорога қайтиб Русия билан дўстлик алоқалари мустаҳкамланганлигини амирга етказдик".

Амир Абдулахадхон даврида бирор муҳим воқеа содир бўлмаган бўлсада, Бухоро ва унга тобеъ жойларда яшовчи аҳоли осойишта ҳаёт кечирди. Аммо бу амир ҳукмронлигининг охириги йилларида Бухорода истикомат қилаётган сунний ва шиа мазҳабига эътиқод қилувчи аҳоли ўртасида муҳаррам ойидаги маросимни ўтказиш вақтида ўзаро жанжал юз берди. Бу жанжални бостириш учун Остонакул қушбеги\* Тошкент уламоларига телеграф орқали мурожаат қилиб уларни воситачи этди. Масалани ҳал қилиш учун Тошкентдан бир неча уламо Бухорога келди. Бу орада Бухоро ва эроний талабалар ўртасидаги жанжал кучайиб, кўпчилик ҳалок бўлди. Бу жанг оқибатида ҳукумат бошқарув тизимида ўзгаришлар содир бўлди.

Чунончи, 1909 йил муҳаррам ойида Остонакул қушбеги ва бошқа шиа мазҳаби арбоблари амир Абдулахад фармони билан ўз вазифасидан четлаштирилди. Сунний мазҳаби вакили бўлган Насрулло Бухорий қушбеги этиб тайинланди. Қози ал-қуззот Бадриддин Хўжа ўрнига Мирзо Бакожон садр, Чоржўй волийси Мирзо Урганжий Низомиддин эса девонбеги сифатида ички ишлар вазири қилиб тайинланди.

\*Мулло Мухаммад қушбеги вафотидан сўнг, унинг ўли Мулло Жонширо қушбеги бўлди. Бу қушбеги вафотидан кейин эса унинг ўли Остонакул қушбеги амир Абдулахадхон томонидан вазирлик лавозимига тайинланди. Булар тарҳарида мулоимлар(яъни пушта сотиб олган) эронийлар эдилар. (Муваддиф)

Мазкур вазир “Чекдара” жангида ҳалок бўлган.

Бу икки мазҳаб (сунний-шиа) вакиллари ўртасидаги ихтилоф ва жанжаллар русларга жуда қўл келиб, улар Бухорода тинчлик ўрнатиш баҳонасида шаҳарда ўз сиёсий шўъбаларини туздилар.

Амир Абдулаҳадхон ҳарбий ислохот ўтказиб, 1895 йил пиёда аскарлар сонини 10 мингга етказди. Шунингдек Бухоро вилояти ҳарбий низомига биноан, ўз отлик аскарларини ҳам қуроллантирди. Шунинг учун амир Абдулаҳадга “Амири лашкар” лақабини берганлар.

Бухоро ҳукумати ўз тилло, кумуш тангалари ва пулларини зарб қилиб чек ва санадлар чиқариб турган бўлсада, қурол аслаҳаларини Русиянинг руҳсатсиз бирор жойга киритолмас эди.

Руслар Бухоро амири қўшинлари учун эски ва яроқсиз 2 минг дона милтик, бир неча тўп юбордилар. Амир эса катта қийинчиликлар билан Шарқий Туркистон ва бошқа қўшни давлатлардан махфий равишда қурол сотиб оларди. Лекин улар ҳам ўз жанговар аҳамиятини йўқотган эди.

Амир Абдулаҳад тижоратга кенг йўл очиб почта, темир йўл, телеграф ишларини ривожлантирди. Амударё орқали қорақўл, ипак, пахта савдосига кенг йўл очди. Мамлакатда ислохотларни амалга оширди.

Ахборот идораси ёки жосуслик маҳкамаси эркак ва аёллардан иборат йирик ташкилот бўлиб, у амирнинг назорати остида фаолият кўрсатган.

Мазкур амир ўз замонасининг баландпоя, баландпарвоз шоири бўлиб, у яхши шеър ёзар, кўнгилига яқин гаплар айта олар, воқеанависликда ўз даврининг яғонаси эди. Унинг мисра ва рубойилари бизгача етиб келган. Чунончи Ҳожи Неъматулло Муҳтарам мазкур амир топшириғи билан “Тазрикат ул-ашъор” номли асар ёзган. “Тазкира” да “Ожиз” таҳаллусида шеър битган амир Абдулаҳад шеърларидан намуналар келтирилади.

“Ожиз” таҳаллусли амир Саййид Абдулаҳад фикҳ, мантик, фалсафа илмларини замон устозларидан ўрганиб, адабиёт соҳасида ҳам чуқур bilimга эга эди. Унинг саройи фозиллар, шоирлар, ёзувчиларга доим тўла эди. Шоҳин Малик

унинг сарой шоири эди. Амир Абдулахад хукмронлик даврида жуда кўп китоблар ёзилди. Тарих китоблари ва турли тазкиралар амир Абдулахад замони маҳсули саналади.

Унинг топшириғи билан қуйидаги асарлар ёзилган.

1. Тазкират уш-шуаро" (1303-1322) - Афзал Махдум асари.

2. Мирза Азим Сомийнинг "Манғитлар тарихи" асари.

3. Муҳаммад Сиддиқхон Ҳашматнинг (амирнинг укаси)

"Тазкират уш-шуаройи" асари.

4. Ҳожи Неъматулло Махдумнинг (Мухтарам) "Тазкират уш-шуаро" асари.

5. Муҳаммад Содик Хўжа Гулшанийнинг форсий тилда ёзилган "Жуғрофия" асари. Асарда Бухоро мамлақати майдони тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Унинг томонидан Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварада, Шом, Миср, Сурия ва Ироқда работлар, меҳмонхоналар барпо этилиб улардан то ҳозиргача фойдаланиб келинмоқда.

Бу амир замонида Маккада "Саҳих Бухорий" ни мутолаа қилиш ва ундан фойдаланиш авжига минди ва ҳозир ҳам давом этиб келмоқда. Маълумотларга қараганда, амир Абдулахад Франция банкига катта маблағ қўйган бўлиб ундан ҳозиргача фойдаланилган эмас.

Амир Абдулахадхон 1329 йил муҳаррам ойининг олтинчи куни, 26 йиллик хукмронликдан сўнг 52 ёшида оламдан ўтди. Жасади Карманадаги хазрат Қосим Шайх кабристонига дафн этилди.

Амир Абдулахад дахмасига кирадиган бинонинг тепа қисмидаги тошга амир Саййид Олимхон буйруғи билан қуйидаги мисралар ёзилган.

Эй кўнгил, сендек бу дунёда таманно қилгувчи йўқдир,

Бу оламга муҳаббат йўқ, ишонч ҳам йўқдир.

Кўзингдин қон равон бўлмай на жилға, балки дарёдек,

Вафоти шаҳрига на тил, на шарҳ, на баён йўқдир.

Навжувон эди ё раб, валиаҳди аржуманд,

Ёқоси мусибатдин чок-чок этилди, банд-банд.

Паймона тўлиб охир, умид қолмади - зарра,  
Тупрокдин яралгандир, сўнг яна бўлди пайванд.

Кўнгил, эй кўнгил, яйра, у жаннатга отланди,  
Абдул-Аҳад бин Саййид Амир Хисраву замон.  
Караму саховатда у қадар йўқдир, пеша,  
У гавҳари шарифдир, тупрокка қоришди, эсиз у жон.

Вафоти рақамин қилгай десам, тил ожиз,  
Оху нолаю афрон, фиғонга тўлгай олам.  
Рихлати баёинини шарҳ айлайин , начора,  
Беҳишт хурлари ичра яккаю ягона.

Қабринг бошида туриб, водариғо йиғладим,  
Умр дарахти янглиғ хазон бўлди борлиғим.  
Фазлу сухан боғининг булбули, деб инградим,  
Юз воҳжим бўстондан учди булбул, орлигим.

Анинг вафотин рақам айлагайман, хун бўлиб,  
У жаҳон борлигида мақом топган шоҳ эрурди.  
Сенинг қабр-хоқингдан ғунчалар унгай беҳад,  
Нури раҳмат ёғилиб, абадий умр кўрурди.

Бу олам якто шоҳи дунёни тарк этганда,  
Фалак юзи надомат тутунидин қорадур.  
Ҳар кимки шоҳ қабрини зиёрат этгай, бешак,  
Дину муқаддас каломларни дил кўзида кўродир.

Тақдир азалда йўқ, ҳеч қандайин ўзга йўл,  
Тадбирлар сароб эрур, Ҳақ берса бандага йўл.\*

---

\*) Форсчадан С. Иноятов, И. Ғаниев, Ю. Азимов таржимаси

## ✓ АМИР САЙИД ОЛИМХОН

Манғитлар хонадонининг сўнги ҳукмдори - Бухоро подшохи амир Сайид Олимхон хижрий 1298 йил муҳаррам ойининг 15 куни, яъни мелодий 1881 йил Карманада туғилди. Диний ҳамда ўша даврда кенг тарқалган бошқа илмларни замон олимларидан ўрганди. 13 ёшида отаси амир Абдулахадхон буйруғи билан ҳарбий таълим олиш учун Петербургга бориб "Николаевск" корпусида ҳарбий муҳандислик мутахассислиги бўйича илм олди. Уч йил ўқигач диплом олишга муваффақ бўлди.

1897 йил Бухорога қайтиб икки йил мобайнида ўз отасидан иктисодий, сиёсий, савдо, давлат бошқаруви, ички таълим масалаларини ўрганди. Сайид Олимхон ҳозирда Қарши деб аталадиган Насаф вилоятига ҳоким этиб тайинлангач, ўзининг 12 йиллик ҳукмронлик даврида катта Қарши наҳри устига кўприк қурдирди, мадраса барпо этди. У кейинроқ Кармана ҳукмдори лавозимига ўтказилгач, бу ерда ҳам қатор ободончилик ишларини амалга оширди.

Амир Сайид Олимхон 1911 йил Бухоро тахтига ўтирди. Ҳокимият тепасига келган кундан бошлаб ички ислохотлар ўтказишга киришди. У фуқаропарвар ҳукмдор бўлиб, ободончиликни хуш кўрарди. Бухоро шаҳри ободончилиги учун куч-қайратини аямади. "Тўғрул" таҳаллусида ижод қилган ширинкалом шоир Нақшбуллохон Аҳрорий Сайид Олимхоннинг тахтга чиқиб барча тоифаларга нисбатан одил сиёсат юргизганини гўзал шеърини мисраларда тасвирлаб берган.

Амир Олимхон тижорат, саноат, зироат, масжид ва мактабларни кенгайтиришга эътиборни қаратди.

Олим ва амирларга хайрихоҳлик кўрсатди. Лашкар маошини бир неча баробар кўтарди, молияни қисқартирди. Мир Араб мадрасаси, Чор миноср, Масжиди аттор, Улуғбек мадрасаси, Абдулазизхон мадрасаси, Баҳоуддин хонақоси, Минораи Калон ва баъзи катта-кичик масжидларни таъмирлаш учун маблағ ажратди.



Амир Олимхон 1329 (1911) йил бошқарув тизимида ўзгаришлар қилиб, баъзи лавозимларга янги кишиларни тайинлади. Масалан, Қоратегин ҳокими Авлиёкулбекни Хисор беклиги девонбегиси этиб тайинлади. Сарносиё ҳокими Исхокбекбийни Қўлоб вилояти ҳокими, Мирза Рабиёни Шеробод вилояти ҳокими, Абдулхафизбийни Бойсун вилояти ҳокими этиб тайинлади. Қарши ҳокими Хўжа судурни мансабидан четлаштириб, ўрнига Дехинав вилояти ҳокими Усмонбекбийни тайинлаб, унга додхоҳ мансабини берди. Иморатпаноҳ Мирзо Низомиддин Хўжа парвоначини девонбеги лавозимига, унинг ўғли Мирзо Раҳматуллони додхоҳ лавозимига, Аҳроркулбекбий қалмоқни бий\* лавозимига, Қўлоб ҳокими иморатпаноҳ Мулло Неъматуллобекбий додхоҳни Қоратегин ҳокими, Мухаммад Юнусбий додхоҳни Чоржўй водийси лавозимига тайинлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, амир Саййид Олимхоннинг ўн йиллик ҳукмронлик даври Бухоро халқи ва унга қўшилган жойлар аҳолиси учун эркинлик, осойишталик, саодатлик, фаровонлик ва арзончилик даври бўлиб мамлакатнинг умумий осойишталиги таъминланган эди. Аммо худосиз кучли бир душман осойишталикни бузиб фитна уюштиришга қўл урди. Бу фитналар Чор Русияси замонидан бошлаб Бухоро ва ҳатто бутун Урта Осиёга нисбатан ишлатилиб келинаётган ходиса эди. Русия томонидан амир Музаффар даврида амалга оширилган иқтисодий ва сиёсий исканжа 62 йил яъни амир Олимхон даврида ҳам ўз кучида эди. Бухоро билан Русия ўртасида имзоланган сулҳ шартномаси назарда тутилаяпти.

Бу сулҳ шартномасига биноан, Бухоро бошқа давлатлардан қурол-аслаҳа ва бошқа жанг анжомлари сотиб олиши, бошқа давлат билан сулҳ тузиши мумкин эмас эди. Шунингдек Бухоро қўшини сони 12 мингдан ошмаслиги керак эди. Бошқа давлатлар Бухорога хужум қилиб унинг осойишталигига таҳдид солган тақдирда, Русия давлати Бухоро чегараларини химоя қилиши, тинчлигини таъмин этиши шарт эди. Равшанки, амир Музаффариддин ва ундан кейин ҳукмронлик қилган Бухоро амирлари бу мажбурий сулҳ

---

\* ) Бий - уруғ бошлиғи (Х. Тўраев)

шартларидан норози эдилар.

Амир Олимхон билан ҳамсухбат бўлган Афғонистон, Туркия ва араб мамлакатларида истиқомат қилаётган баъзи кишилар бу шармандали сулх шартларидан амир Олимхоннинг норози эканлигини бир неча бор эшитганлар. Сулх шартларида бир-бирига хужум қилмаслик ва ички ишларига аралашмаслик аниқ қайд этилган бўлсада, лекин кейинчалик, амалда бу шартларга хилоф равишда қўшничилик, байналминатчилик қоидалари бузилиб Бухоро тупроғига хужум ва таҳдид бошланди. Бу тўғрида қуйида батафсил ўқийсиз. Азиз ўқувчиларга маълумки, 1917 йил Москвада Ленин раҳбарлигида коммунистик инқилоб бошланди. Большевиклар деб аталадиган бир гуруҳ террорчилар давлатга қарши кураш бошлаб, рус подшоси саройидаги тартибсизликлардан, миллий тўдалар норозиликларидан фойдаланиб ёлғон тавшвиқотларни кучайтирдилар. Большевиклар тавшвиқотига учган бу гуруҳлар Русияда нотинчлик алангасини ёқдилар. Бу нотинчликлар натижасида 1917 йил 17 февралда Русия подшоси Николай II тахтдан воз кечди. Террорчи большевиклар 1917 йил 13 мартда ўз Марказий қўмиталарини туздилар ва 1917 йил 20 апрелда ўз мажлисларини бошладилар. Мажлис қарорига биноан, Русия федерацияси ташкил топиши ва Бухоро “Ёш бухороликлар” партияси раҳбарлиги остида идора этилиши керак эди. 1917 йил 25 октябрда Чор Русиясининг империячилик қудрати поёнига етди ва сиёсий ҳокимият Ленин раҳбарлиги остидаги большевиклар партияси қўлига ўтди. Бу воқеа тарихда “Октябрь инқилоби” деб аталади.

Дастлаб янги тузилган муваққат ҳукумат бошлиғи Керенский эди. Муваққат ҳукумат томонидан Бухорога юборилган Преображенский номли шахс билан Бухоро амири Саййид Олимхон ўртасида ўзаро битим имзоланди. Унга қўра, Русия Бухоронинг ички ва ташқи мустақиллигини расман тан олди ва ҳатто вазир Тўра Хўжа ҳамда Мулло Кутбиддин каби Бухоро вакиллари сиёсий алоқаларни барқарорлаштириш учун Афғонистонга жўнатишга рози бўлди. Бухоро ҳам Русияга хужум қилмаслик мажбуриятини олди. Амир Олимхон ўз хотираларида шундай ёзади: “Руслар билан битим имзолангандан сўнг,

Сафарбий номли шахсни Британия давлатининг Машхаддаги консуллигига инглизлар билан битим тузиш учун юбордим. Икки ўртада имзоланган битимга мувофиқ, зарурат туғилганда Англия ҳукумати Бухорога ҳарбий ёрдам бериши лозим эди. Инглиз ҳукуматидан ижобий жавоб олганимдан сўнг большевикларга, икки ўртада тузилган битимга кўра руслар ўз сиёсий шуъбалари ва кўшинларини Бухородан олиб чиқиб кетишлари лозимлигини эълон этдим. Бу чоралар русларнинг жосуслигини чеклашга қаратилган эди. Большевиклар имзоланган битимни тан олмасдан Бухоро лашкарлари билан, шунингдек Бухоро тарафдори бўлган инглиз аскарлари билан жанг қилдилар. Мен Мирза Салтимбек парвоначи ва Абдурауф қарвонбошини Чоржўйга юбордим. Афсуски, инглиз аскарлари мен жўнатган кишилар Чоржўйга етиб боргунга қадар Бухоро тупроғидан чиқиб кетган эдилар. Бу орада Афғонистон амири Омонуллоҳон Улуғ Ленинга мактублар йўллаб, уни тан олиши ва қувватлашини билдирди. Ўз навбатида шўро ҳукумати ҳам 1919 йил февралда Афғонистон мустақиллигини тан олди. Омонуллоҳон Ленинни шўроларнинг буюк инқилоби раҳбари ҳисобларди. Икки ўртада дипломатик алоқалар ўрнатилди”.

Муҳаммад Валихон Бадахший бошчилигидаги хайъат раёсати ва унинг аъзоларидан сардор Файз Муҳаммадхон Зикриё, Мирзо Муҳаммадхон, Муҳаммад Гулхон, қози Сайфул-Раҳмон, Хидоятуллоҳон ва бошқалар Бухоро вакиллари сифатида Русияга жўнадилар. Хайъат Омонуллоҳон юборган совғаларни Бухоро амирига топширди.

Амир Олимхон афғон элчилари билан музокара олиб бориб Афғонистон ҳукуматидан большевиклар тажовуздан ҳимоя қилишда ёрдам беришни сўради. Афғон элчиси большевикларга қарши курашнинг савоб эканлигини англамай шундай деди: “Афғонистон ҳукмдори Омонуллоҳон айни пайтда руслар билан жанг қилмоқни ноўрин деб ҳисоблайди. Агар Бухоро жангга кирса, Бухоро ҳукумати ҳам Афғонистон ҳам қатта зарар кўради. Иккала давлат ҳам руслардан мағлуб бўлади”.

Шу вақтда большевиклар “Оқ руслар” (оқ гвардиячилар) билан курашаётган эдилар. Амир Олимхон бу вазиятни қулай

имконият деб ҳисоблаб, большевикларга қарши шарқ тарафдан Афғонистон кўмагида ҳужум бошламоқчи бўлди. Аммо афғон элчиси ўз ҳукумати номидан бу таклифни рад этди ва қулай шароит туғилганда ёрдам кўрсатишни ваъда қилди.

Афғон элчиси ва Омонуллоҳон Саййид Олимхон томонидан жанг ҳаракатларини бошланмаслигини мақсадга мувофиқ деб ҳисобладилар. Муҳаммад Валихон ўз аъзолари билан Бухородан Тошкентга келиб, Лениннинг вакили Бравин билан учрашди. Мулоқот чоғида Бравин афғон хайъатига таъкидладикки, Англия давлати Чоржўйга қадар бўлган ҳудудни ўз таъсир доирасига киритиб, Бухоро устидан ҳам назорат ўрнатмоқчи. Агар Англия ҳукумати хоҳиш-иродаси амалга ошса, шўро ҳукумати учун ҳам Афғонистон учун ҳам сиёсий ва иқтисодий зарар бўлади. Шундан сўнг Муҳаммад Валихон Тошкентдан Москвага жўнаб Ленин билан учрашди ва дўстлик шартномасини имзолади.

Шўролар мухтор вазири Бравин 1919 йил 14 сентябрда Кобулга келади. Шу тариқа Афғонистон билан шўролар ҳукумати ўртасидаги алоқалар кундан кунга мустаҳкам-ланаверди.

Муҳаммад Валихон Русиядан қайтиб келгунга қадар Омонуллоҳон томонлар ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамлигига зарар етказмади. 200 нафар ҳарбий сарбозлар, бир оркестр, 8 та тўп, 7 филни Гулаҳмадхон бошчилигида Бухорога, Саййид Олимхонга юборди. Лекин афғон амирининг бевақт, кечикиб юборган бу ёрдами, Сухроб ўлиmidан кейин берилган дори-дармонга ўхшарди.

Шунга қарамай, Бухоро амири фаол ҳаракат қилиб 20 минг аскар ҳозирлади ва Афғонистон, Эрондан бир қанча қуро-л сотиб олиб кофирларга қарши жиҳод эълон қилди.

---

\*) Бухоро амирлари тахтга чиқишдан олдин мўътабар тўшакка (кизилга) ўтириб, шарт бўйича давлатни бошқаришга, унга хилоф йўл тутмасликка қасамед қилардилар. Дин пешволари, сайидлар, мулталар ва хўжалардан тўрт киши тўшакда ўтирган амирини тўшак билан бирга қўтариб тахтга ўтқизарди. Шу тариқа амир Бухоро тахтини қабул қиларди. Бухоро амирлари шариат аҳкомлари асосида ҳокимиятни бошқарганлар ва уларнинг турмуши ҳам шариатта мувофиқ кечган. Шу боис улар ўзларини "амир ул-мўъминини" деб аташган. (Муаллиф)

Амир Саййид Олимхон Афғонистон ҳукмдори амир Ҳабибуллохонга қимматли совғалар юбориб\*, ундан Русиянинг ашаддий рақиби Англияни Бухоро учун руслар билан жанг бошлашга чақиришни сўради. Аммо шундан сўнг Ҳабибуллохон ўлдирилиб, бу иш амалга ошмай қолди ва ўғли Омонулло подшо бўлди.

Русларнинг\*\* Афғонистондаги жинойтлари тўғрисида ҳуқуқшунослик докторининг асарида тубандаги маълумотлар учрайди: “Баён қилганимиздек, амир Омонуллохоннинг руслар билан муносабати дўстона ва самимий эди. Афғон мусулмонларининг русларнинг Бухорога қилган тажовузига нисбатан бўлган нафрати уни Бухоро амири Саййид Олимхонга ёрдам юборишга мажбур этди. Бирок у жўнатган ёрдам кўп бўлмай, ижобий самара бера олмас эди”.

Ҳуқуқшунослик докторининг бу маълумотларидан шундай хулоса чиқадики, Омонуллохон большевиклар билан яхши муносабатда бўлган ва Бухоронинг большевиклар билан жанг қилишини истамаган. Афғон мусулмонлари тазйиқи билан Бухорога ёрдам қилиб юборган эди. Амир Олимхон ўз хотираларида ёзади: “Меншевиклар билан большевиклар ўртасида қарама-қаршиликлар рўй бериб, оқибатда Русия ҳукумати большевиклар тарафига ўтди ва меншевиклар ҳар тарафга пароканда бўлдилар. Бу жамоат қонунлари ибодатхоналарни вайрон этиш, динни йўқотиш, тарихий обидаларни бузиш ва дин уламоларининг бошини кесишни лозим деб ҳисобларди. Шу боис уларнинг сўзларига ишонмасдан, Хоразм амири билан битим туздим ва иттифок бўлиб бу қонхўр босқинчиларни қувиб юбормоқчи бўлдим. Шу вақтда Файзулло Ҳўжа ва Мирзо Муҳиддин бошчилигидаги 117 кишидан иборат “Ёшлар партияси” (“Ёш бухороликлар” партияси - Ҳ.Т.)

---

\*) Қобул музей-кутубхонаси мудири Саййид Аҳмадшоҳ Ҳошимий шундай ёзади: “Мавлоно Ҳамиддин бин Ҳусайн Балхийнинг (вафоти 672 йил) “Маснавий” си жуда қимматбахо бўлиб, олти дафтар, етти дебоҳа, олти феҳерист ва бир муқаддимадан иборат Насталик хатида, баъзи жойлари олтин суви билан ёзилган. Бедил девони 1278 хижрий йилда Бухоронинг Ғиждувон қишлоғида ёзилган бўлиб, Саййид Олимхон тарафидан амир Ҳабибуллохонга совға тариқасида юборилган”. (Муаллиф)

\*\*) “Руслар” деганда муаллиф рус халқини эмас, балки большевикларни назарда тутадиган (Ҳ.Тўраев)

Шўроларнинг кудратли кўшини ёрдамида Бухорога ҳужум уюштирди. 1336-йил (1918й) жумодул-соний ойининг шанба куни Бухорога тажовуз бошланди. Кармананинг шарқий томонида жойлашган Зиёвуддин кишлоғини ишғол қилиб, марказга қараб юрдилар. Бухоро аҳолиси собиқ Бухоро амири марҳум Абдулаҳадхоининг укаси Саййид Мансурхон раҳбарлиги остида душманга қарши отландилар. Бухоро кўшинлари рус кўшинларидан бир неча бор кам бўлишига қарамасдан икки ўртада қаттиқ жанг бўлиб рус кўшинлари жиддий талафот кўрди. Бухоро лашкарларига ҳам катта зиён етди. Жангда Саййид Мансурхон ҳалок бўлди. Шундай бўлсада бу жанг мусулмонлар фойдасига ҳал бўлди. “Ёш бухороликлар” партияси аъзолари ва большевиклардан 1000 киши жаҳаннамга равона бўлди. Рус кўшини чекинишга мажбур бўлди”.

Асосий фазилатлари коммунистик бўлган большевиклар иродаси заиф, беқарор, бегонапараст ёшларга\* хайрихоҳлик кўрсатиб, уларни ўз биродарлари ва ватанларига қарши ҳаракат қилишга чақирардилар.

---

\*)Оғойи Шаҳобиддин Яссавий ўзининг “Туркистоннинг аҷиб ҳақиқати” номли китобининг 43-саҳифасида шундай ёзади: “Зиёликлар Бухоро келажакини хатарли кўриб Бухоро амирига қарши ўларининг бир мухтор жумҳуриятларини тузмокчи бўлдилар. Хатто Бухоро амири ҳукуматига қарши ташвиқот олиб бориб унга нафрат тошини етдилар”. Энди биз жаноб Яссавийдан сўраймизки, Сиз мунаварлар ва зиёликлар деб атаётган шу ақидасиз “Ёш бухороликлар” партияси эмасми Бухоро ва бутун Ўрта Осиё тупроғини, миллий ор, исломий номус ва маданиятини, асл ва илғор кишиларимизни коммунистик аждаҳо қомига ташлаган, шулар эмасми коммунистик уруғни Ўрта Осиёга сепган, шу ватанфурушлар(сизнингча зиёликлар) эмасми ислом дунёсини коммунизм хатарига рўбарў қилган. Шу ёшларга ўхшаган ўз-ўзини сотганлар(сизнингча равшанфикрликлар) эмасми барча тарихлар давомида Афғонистон мусулмонларини номуссизлик оқибатида рус коммунистларига сотган. Шарк ва ғарб тарихчилари то ҳозиргача бундай беватан хонларни қоралаб келмоқдалар. Лекин ажабланирлиқ шундаки, жаноб Шаҳобиддин Яссавий Бухоро амирига қарши иш тутган бу гуруҳларни ҳимоя қилади\*\*.” (Муаллиф)

\*\* ) Муаллиф, яъни Саййид Мансур Олимий Бухоро зиёли ёшларига нисбатан кескин фикр билдирган. Аслида Бухоронинг илғор фикрли ёшларининг нияти ҳолис эди. Улар мамлакатда демократик эркинликларни жорий этиш, маориф тилимида ислохотлар ўтказиш, халқни маърифатли қилиш, бир сўз билан айтганда, Бухородаги қолоқ, эскирган ўрта асрчилик тартибларига боғла уриб, мамлакатни тараққиёт йўлига олиб чиқишни мақсад қилган эдилар. (Х.Тўраев).

Руслар Бухорода Файзулло Хўжа, Ахмадхон, Мухиддин Мансуров, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний, Мансур Рифаът ва бошқалар сингари шахсларни танлаб олиб, уларнинг ҳар бирига бузғунчи гуруҳларга раҳбарлик қилишни топширдилар. Бу ёшлар Бухорода амир Олимхонга қарши кураша олмас эдилар. Амир томонидан амалга оширилган сиёсий ва ҳарбий тадбир натижасида уларнинг сафлари пароканда бўлиб кетди. Бухорода турмоқ қийинлашиб қолгач, улар Тошкент, Самарқанд, Фарғонага тарқаб кетдилар.

Рус қўмондонӣ Колесов рўй берган тангликдан келиб чиқиб амир билан сулҳ тузишга мажбур бўлди. 1918 йил 25 мартда Бухоро амири билан Колесов ўртасида сулҳ имзоланди.

Мир Фулом Муҳаммад Губор ўзининг "Афғонистон тарихлар босқичида" номли китобининг 495 -саҳифасида Саййид Олимхон номини тилга олиб қуйидагиларни ёзади: "Ёш бухороликлар" большевиклар билан иттифок бўлиб амирга уруш эълон қилдилар. Натижада амир сулҳ тузиб, большевикларга 100 миллион сўм товон (контрибуция) тўлади ҳамда ўз қурола-аслаҳалари ва қўшинини топширди. Шу йўл билан ўз давлатини асраб қолди.

Бухоро инқилобчилари Тошкентда қўшин тўплашга киришдилар. Уч кун давом этган жангда неча юз минг киши ҳалок бўлди, давлат хазинаси зарар кўрди. Жангда асирга олинган Бухоро амалдорларидан Қози калон Бурхониддин, раис Аъзомиддин, қушбеги Усмон ва тўқсоба Карим ва яна йигирма киши инқилобий қўмита ҳукми билан қатл этилди. Инқилобчи аскарлар амир Олимхон ва унинг укасини таъқиб остига олиб, Афғонистонга қочишга мажбур этдилар."

Ажабо! Мир Фулом Муҳаммад Губорнинг ўзи афғон зиёлиси ва тараққийпарварларидан эди. У Бухоро давлати билан большевиклар ўртасида бўлиб ўтган Когон жангини тескарича талқин этади, шу боис муаллиф фактлари таҳқиқ ва мутолаа қилишга арзимаъди. Бу соҳада муаллиф кам маълумотга эга бўлиб, заиф манбаларга таянган.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, амир Олимхон жанг бошланмасдан товон(контрибуция) тўлади. Илғор, замонавий рус қуроллари билан қуролланган икки юз Бухоро босқинчи

коммунистлари кизил кўшинлар қўллаб-қувватлаши остида жанг бошладилар. Қуролсиз ва химоясиз қўплаб мусулмонларни шахид этдилар. Бу тўғрида мухтарам Губор ҳам эслатиб ўтади. Давлат хазинасини талон-тарож қилдилар. Кам маълумотга эга бўлган ёки етарли манбага эга бўлмаган баъзи тарихчилар, мухбирлар (журналистлар), асоссиз маълумотларга ёки эшитганларига таяниб ёки ёш шўролар интиқомидан кўркиб баъзи нарсаларни унутганлар. Уларни ўз асарларида қайд этмайдилар.

Зеро, кўшнилар томонидан ёрдам ва кўмак дарвозалари така - тук беркитилган оғир шароитда бир гуруҳ қуролсиз, химоясиз кишилар тўрт томондан ҳамла қилаётган шўроларга қарши отландилар. Бу инсонлар бошдан-оёқ, то тинка мадорлари қуригунча жанг қилдилар. Ўлдирдилар, тўсатдан душманга ҳамла қилдилар, жасорат кўрсатдилар. Ёндирдилар, ҳам ўлдирдилар. Лекин уларнинг жасоратлари тўғрисида ҳеч ким эсламайди. Шу тариха жангда ҳам ҳеч ким уларга ёрдам қўлини чўзмади, фарёдига қулоқ тутмади. Аксинча, Бухоро ва Ўрта Осиё муҳожирлари ҳар ерда таъна ва ҳақорат эшитдилар. Шўро коммунистлари афғон ватанфурушлари билан тил бириктириб. Афғонистонни босиб олган замонгача ва кейинроқ қўшни мамлакатларда, шунингдек собиқ шўро иттифоқи таркибидаги бошқа жумҳуриятларда миллий уйғониш ҳаракати бошлагунга қадар Бухоро муҳожирлари пешонаси “Жанг қилмадилар” деган таънадан тозаланмади. Биз афғонларнинг ва афғон мусулмонларининг тарихда муҳрланиб қолган жасоратини фахр билан ёд этамиз. Уларнинг Бухоро ва Ўрта Осиё билан биродарлиги, динсиз коммунистларга қарши “Оллоху акбар” шиори мустаҳкамланаверсин. У даврларда мазлум Бухоро халқи учун кўмак дарвозалари нафақат тинчликсевар давлатлар томонидан балки деворсиз қўшни бўлган араб ва ислом мамлакатлари томонидан ҳам беркитиб қўйилган эди. Бу дармонсиз қавм (яъни Бухоро муҳожирлари) ўз бошига тушажак оғир қунларни биларди, шунинг учун ватанини тарк этишга мажбур бўлди.

Замон шарт-шароитлари ва имкониятларини таҳлил қилган баъзи олимларнинг фикрларини келтирамеиз:

1. Ҳуқуқшунослик доктори жаноб Равс ўз китобининг 43-



сахифасида шундай ёзади: “ Омонulloхон ҳокимият тепасига келгач , Бухоро амирини ҳам Кобулга таклиф этди. Бу билан ўзининг ҳам , русларнинг ҳам диққатини бир жойга жалб қилди. Ўта соддалик ва секинлик билан Бухоро номини харитадан йўқотди”. Бошқа жойда бундай ёзади: “Абдулҳоди бошчилигидаги фавкулудда бир хайъат Бухорога бориб ўша даврда хали большевиклар билан жанг қилаётган амир Олимхонни мажбуран Кобулга олиб келди. У вафотига қадар шу ерда қолиб кетди”.

2. Мухтарам устод Халил Холидий ўз китобининг 53-56-бетларида “Кизиллар”нинг қора ишлари, Бухоро мужоҳидларининг коммунистлар билан жанглари, “Ёш бухороликлар” тўғрисида қуйидагиларни ёзади: “Колесов бошчилигидаги большевик кизил қўшинлари Бухоро амири билан жанг қилмоқчи эканлигидан хабар топган уламолар большевикларга қарши жиход эълон қилдилар ва ислом душмани большевиклар фош бўлдилар. Большевиклар ўзларини химоя қилиш учун Колесовга таяндилар ва шиддатли жанг бошланди. Қўқон мухтор ҳукумати(Қўқон мухторияти) қамал қилиниб, шиддатли жанглардан сўнг таслим бўлди”.

Бухоро ҳукмдори амир Олимхон ўз давлатини большевиклардан химоя қилиш учун тайёр эмас эди. У умрининг охиригача большевиклар қизил қўшини билан курашди. “Қўқон мухторияти” тугатилганидан сўнг, Колесов Бухоро амирига ультиматум юбориб ўз кучларини Бухорони қамал қилишга сафарбар этди. Аммо мусулмонлар шижоат ва мардоналик билан Колесовга қаршилиқ кўрсатдилар. Болта, шамшир, пичок билан қуролланган фидойи муллалар, қосиблар, деҳқонлар, жангга отландилар. Шиддатли жанглардан сўнг томонлар сулҳ тузишга рози бўлдилар.

Большевиклар амир Олимхонни бутунлай ағдариб ташлаб Бухорода шўро ҳокимиятини ўрнатишни истардилар. Улар коммунистик партия раҳбарлиги ва химояси остида бир неча бор Бухорога ҳужум қилдилар. Махаллий мусулмон аҳоли эса бу ҳужумларга дадиллик билан қаршилиқ кўрсатди.

3. Ёзувчи Субх Самарқанд урду тилига таржима қилинган ўз китобиинг 13 -сахифасида муллалар исёни ва хуружи тўғрисида шундай ёзади: “Жандапўш муллалар қўлларига

Куръонни олиб “Эй Худо! Бу жадидларни горат қил”, деб фарёд қилардилар. Чодирдан ташқарида эса, “Яшасин инкилоб!” деган баланд чакириқлар янграрди”.

4. Ҷуз Муҳаммад Саромийнинг “Туркистон ўтмишда” номли китобининг 23-33 - бетларида “Ёш бухороликлар” ва маҳаллий ислом мужоҳидлари тўғрисида қуйидагилар қайд этилган: “Колесов Бухорога ҳужум қилганда, амир Олимхон сўнгги нафасигача большевиклар қизил қўшини билан жанг қилди. Босқинчилар Бухорога ҳужум қилиб уни қамал этган бўлсаларда ва қизиллар қўмондонлиги Бухорога ультиматум қўйган бўлсада, бу нарса шаҳар мусулмон мужоҳидларининг руҳини тушира олмади. Балки улар ҳар бир туман ва қўчани окопга(мустаҳкам истехкомга) айлантириб, жон-жаҳдлари билан мудофаага отландилар. Большевиклар эса ташаббусни қўлга олиб, Бухорода тарғибот ишини кучайтирдилар, марксизм таълимотини ёйишга ҳаракат қилдилар. Бироздан сўнг Бухоро коммунистик партияси ташкил топди ва улар бошқа йўлдан кетдилар. Ёшлар тарғибот манбаига айланиб, уларнинг кўпчилиги ўз биродарлари, миллатдошлари билан курашга шайланди”.

5. “Туркистон” китобининг муаллифи муҳтарам Ободшоҳ Пури 25-саҳифада шундай таъкидлайди: “ Ўрта Осиёда фақат Бухоро рус коммунистларига қарши оёққа турди. Руслар Бухоро амиридан енгилиб орқага чекиндилар. Рус қизиллари( большевиклар) томонига ўтган Бухоро ёш коммунистлари қўллаб-қувватлаши остида Колесов иккинчи бор тўп , милтик ва замбараклар билан қуролланиб, икки юз нафар бухоролик ёшлар иштирокида Бухорога ҳужум қилди ва мағлуб бўлди”.

6. Муҳтарам Саййид Расул “Марказий Осиё большевиклар мустамлакаси” китобининг 41-саҳифасида шундай қайд этади: “Эътиқоди суст бўлган бир гуруҳ ёшлар Чор Русияси найрангларига учиб ва улардан пул олиш мақсадида, Чор Русияси тарафига ўтиб, руслар фойдасига ишладилар. Лекин ёшлардан ташкил топган бу гуруҳнинг халқ ўртасида тарафдорлари йўқ эди, чунки улар халққа суянмас, халқ манфаатини ҳимоя қилмасдилар. Шунинг учун енгилиб, пароканда бўлиб кетдилар. Кейинчалик чор ҳукумати қулагач бу

гурух большевиклар фойдасига сиёсий фаолият юритди”.

Амир Саййид Олимхон ўз “Хотиралар”ида(22-23 бетлар) ёзади: “Хижрий 1336 - йил жумод ул-охир ойининг шанба куни (1918) Колесов Когон йўлида мағлубиятга учраб сулҳга рози бўлди. Шундан сўнг Ленин томонидан вакил қилиб юборилган Брайдо деган киши Бухорога келиб, мен билан музокара олиб борди. У Бухоро мустақиллигини ўз давлати номидан расман тан олиниши, шунингдек ҳарбий ёрдам сифатида Бухорога 50 минг милтиқ, 50 тўп, 50 аэроплан ва 50 миллион сўм пул берилишини ваъда қилди. Шу билан бирга юз йил олдин Бухорога қарашли бўлган ва Русия томонидан босиб олинган ерларни менга қайтаришга ваъда берди. Бу қарор 1918 йил март ойида Ленин тарафидан юборилган вакил ва мен томондан имзоланди.

Ленин томонидан Аксельрод деган киши Бухоро давлатига элчи қилиб тайинланди. Большевиклар бизга нисбатан ўз дўстликларини исботлаш учун Тошкентдан Бухорога ўн бирта ўқсиз эски тўп юбордилар. Мен большевикларнинг ёлғон ва ажабтовур ваъдаларига ишонмай лашкарим ўртасида интизомни мустаҳкамлашга ва ҳарбий анжомларни ҳозирлашга киришдим. Икки йил ичида ҳарбий қурол ва лашкар тўплаб Хоразм амири кўмагида большевикларга қарши жанг бошламоқчи бўлдим. Шўроларнинг уч жосуслик ва ташвиқот ташкилоти Бухорода фаолият кўрсатарди. Булар Русия сиёсий шўъбаси, Русия элчихонаси ходимлари ва “Ёш бухороликлар” партияси бўлиб, мазкур ташкилотлар Бухоро амирининг ҳарбий кучларига, Хоразм амирининг Бухорога ёрдам беришига қаршилик кўрсатардилар. Бухоро давлати ва унинг тарафдорларига қарши кенг тарғибот ишларини олиб бориб, большевикларни тезроқ Бухорога хужум қилиб уни босиб олишга чақирардилар. Бухоролик баъзи машҳур ва мансабдор шахсларни кўчадан ёки ўз уйларида тутиб олиб камардилар. Шу йўсинда Бухорода даҳшатли муҳитни вужудга келтирдилар. Шаҳарда ҳеч ким ўзининг ва oilасининг эртанги кунига ишонмасди”.

Аmmo амир Олимхон душманга қарши Бухоро ҳудудида кам қуролли, лекин иймонли мингта аскарни тўплаб Когон темир йўли томонга ҳаракат қилишга шай бўлиб гурди. Ленин амир Олимхоннинг бу тайёргарлигидан хабар топиб, ташқи ишлар

вазири Бароновни Тошкентдан Бухорога юборди ва Русия томонидан Бухоро учун бирор хавф йўқлигини билдирди. Ташки ишлар вазири Бухорога нисбатан қилинган беадаблик учун амирдан узр сўради ва Бухоро билан Русия ўртасидаги эллик беш йиллик дўстона муносабатларни мисол келтириб, бу муносабатларни янгилаш истагини билдирди. Когонда Бухоро элчисининг доимий туришига рози бўлди. Бу элчи(вакил) рўй бераётган барча воқеалар тўғрисида амирга хабар бериб туриши ҳамда ҳар икки томоннинг хавфсизлигини назорат қилиб туриши керак эди. Амир мавжуд оғир шарт-шароитдан келиб чиқиб бу таклифни қабул қилди ҳамда шу масалада икки ўртада тузилган шартномага имзо чекди. Шартнома шартларига биноан амир ўз давлати чегараларидаги кучларни уч мил орқага чекинтирди. Фақат 40 разведкачи(чегарачи) ва 150 сарбозни чегарани химоя қилиш учун қолдирди. Аммо Ленин ўз ваъдасига турмай ва эълон қилмасдан ҳижрий 1335 йил(1920 й) зулҳижжа ойининг 15 якшанбасида тунги соат 12 да Бухорога хужум бошлади ва Бухоро давлати чегарачилари ва химоячиларининг кўпчилиги ўлдирилди ва асирга олинди. Шу даврда Файзулло Хўжа ўз ҳамкорлари ва "Ёш бухороликлар" партияси аъзолари билан генерал Фрунзе раҳбарлиги остида 1920 йилнинг 29 августида замонавий қуроллар, тўплар, танклар билан Тошкентдан Бухорога қараб ҳаракат бошлади. Тунги соат икки яримда Фрунзе лашкарлари Бухорога хужум бошлади. Ун икки аэроплан Бухорони кеча-кундуз бомбардимон қилди. Натижада 50 мингдан ортиқ эркак ва аёл, болалар ҳалок бўлди, уйлар, масжидлар, мадрасалар, маҳаллалар, тижоратхоналар вайрон этилди. Амир томонидан ҳозирлаб қўйилган жанг анжомлари, захиралари вайрон этилиб, коммунистлар тарафидан ёндириб юборилди.

Амир Олимхон узоққа отар тўплар ва танкларга қарши олиб борган тўрт кунлик жанглардан сўнг Бухоро аҳолиси жонини саклаб қолиш мақсадида ҳамда душманга қарши жанг қилиш учун ўз кучининг заифлигини англаб, курашни тўхтатишга мажбур бўлди. 4-шанба куни "Ситораи Моҳи Хоса" боғини тарк этиб пайшанба куни Афғонистон элчиси Абдушукурхон, Тошкентдаги элчи Муҳаммад Асламхон Сайфони миришқор, афғон лашқари қозиси ҳамда 25 минг Бухоро ва афғон

сарбозлари иштирокида Гиждувон оркали ватандан чиқиб кетди.

Бухоро давлати билан большевиклар ўртасида бўлган жангларда Усмонбек, кози ал-қуззот Бурхониддин, раис Абдурауф карвонбоши, тижорат ишлари раиси Юсуфбой, тижорат вакили Муқимбой ва амирга алоқадор баъзи кишилар асирга олинди. Большевикларга қарши муқаддас жиҳод урушида иштирок этиш учун Бухорога жўнатилган афғон жангчилари Афғонистон ҳукмдори Омонуллоҳон даъвати билан Афғонистонга қайтиб кетдилар.

Амир Олимхон ўз “Хотиралар”ида қуйидагиларни ёзади: “Озгина муддат лашкар тўплаб, ўз истехкомимни Бойсун вилоятидаги икки тоғ орасида мустаҳкамлаб, сўнг Шарқий Бухорога бордим ва душман йўлини тўсдим.

Муҳаммад Саййидни ҳарбий вазир, Абдулҳафиз парвоначи ва Иброҳимбекбийни лашкар қўмондони этиб тайинлаб олти ой большевиклар билан муҳораба қилдим. Шу олти ой ичида мужоҳидлар ислом душманларига қарши шижоат билан мардона жанг қилдилар. Руслар аэроплан, тўп ва яхши куролланган лашкарларга эга бўлсаларда, Ҳақ йўлидаги муслимларга қарши курашиш учун ожизлик қилиб Москвадан ёрдам сўрадилар. Москва эса фурсатни кечиктирмай ҳарбий куроллар жўнатди. Мусулмонлар ҳарбий куроллари эса кундан-кунга камайиб борарди. Шу муддатдан ўн кун ўтгач, душманга қарши курашни авж олдириб хориждан ҳарбий ёрдам олиш тараддудини кўра бошладим. Шу мақсадда Ҳисордан Қўлобга келиб Шарқий Бухоро ўзбек уруғидан бўлган Мулло Иброҳимбий девонбеги ва Давлатмандбек девонбегини ўз олдимга чақириб, Афғонистондан қайтиб келгунимча ислом душманлари билан жанг қилишни давом эттиришни буюрдим”.

Бу хотиралардан маълум бўладики, Бухоро амирининг Афғонистонга кетишдан асл мақсади ўз оиласи, аёллари ва болаларини саранжом қилиш, жанг тайёргарлигини кўриш, афғон ва бошқа мусулмон мамлакатларидан кўмак олиш эди. У Афғонистонда доимий яшаб қолишни ният қилмаган эди.

Чунончи, Ҳожи Ҳазратқулбек ва унинг қавмидан бўлган баъзи улўғзодалар, шунингдек амир Олимхон салтанати даврида у билан алоқада бўлган ёки унинг мухожирлик йилларида амир

билан ҳамсухбат бўлган кишиларнинг гувоҳлик беришларича, амир Олимхон Афғонистонга куч тўплаш учун вақтинчалик келган эди. У Афғонистонга боришдан олдин Афғонистон подшохи амир Омонуллохондан ҳарбий ёрдам сўраган. Омонуллохон афғон зиёлиларидан бўлган Абдулходихон Довий бошчилигидаги ҳайъатни Бухорога юбориб, унга ҳарбий ёрдам ваъда қилди ҳамда ҳарбий ёрдам масаласида ўзаро келишиб олиш учун уни Афғонистонга таклиф қилди.

### Мисра:

Фурбат зиндонин афзал кўрарман,  
Ватандан ташқарига қадам кўймоқ зиндондир.

Бухоро амири Саййид Олимхон Омонуллохон таклифини қабул қилди ва ўз “Хотиралар”ида номи зикр этилган икки лашкарбошини қўшин бошлиғи этиб тайинлаб уларга ватан ҳимоясини топширди, ўзи эса Қўлоб вилояти орқали Амударёдан ўтадиган жойдан Афғонистонга дохил бўлди. Тунни Абдуназарбеги деган жойга қарашли бир кишлоқда ўтказди. Эртасига яъни ҳижрий 1339 йил (1921 й) жумодул-соний ойининг 23 куни Рустоққа кириб борди. Рустоқ ҳарбий бошлиғи Муҳаммад Аъламхон уч юз аскари билан амир Олимхонни истиқболига чиқди ва амирни кутиб олиш маросимини адо этиб, тўплардан ўн бир бор ўк отди. Бу тўғрида амир Олимхон “Хотиралари”да қуйидагича қайд этилади: “Икки кечани шу ерда ўтказдим. Менинг бу ерда эканлигимни Қатағон ҳокимига билдирган эдилар. Шу ойнинг 25 - шанба куни Рустоқдан Қатағонга қараб юрдим. Ҳукумат ноиби Муҳаммад Акбархон ўз ўғлини менинг истиқболимга юбориб, ўзи эса ноиби Оринхон билан бирга бир фарсаҳ йўлга пешвоз чиқди. Жумодул-соний ойининг 29 шанба куни Қатағонга кириб бориб Ҳаётобод деган жойдаги шохона боғда дам оладиган бўлдик. Йигирма беш кун шу ерда бўлдик. Шундан сўнг Афғонистон пойтахти Қобулга азм этдик. Қобулга етиб боришимдан олдин Бухорода мен билан бирга бўлган Тошкентдаги афғон элчихонаси миришқори Муҳаммад Асламхон Афғонистон амири Омонуллохон вакили сифатида мени кутиб олиб, Омонуллохон билан ваъда қилинган

харбий ёрдам бобида музокара олиб бориш учун мени дорул салтана Қобулга етказди. Бухоро амири билан бирга музокара олиб бориш учун Афғонистонга борган кишилар Бухоро маорифчилари, амир маслаҳатчиларидан иборат бўлиб, уларнинг сони тахминан 300 нафарни ташкил этарди. Аммо Бухоро амирининг Афғонистонга кетганлиги ва у ерда доимий яшаб қолмокчи эканлиги тўғрисидаги хабар Бухорога тарқалгач, Бухоро ахли ўз амири билан айриликқа тоб беролмай гуруҳ-гуруҳ бўлиб Афғонистон йўлига чиқдилар ва амир рикобига етиб олдилар. Уларнинг сони 100 мингдан ошарди. Уларнинг шиори шундай эди: “Биз ўлгунимизча амир рикобини тарқ этмаймиз!”

Амир Олимхон ҳижрий 1339 йил 22 жумодул-сонининг 3- шанба кунин Афғонистонга йўл олгач, ўзи билан бирга келган раъият олдиди Амударё соҳилида шундай деди: “Азиз ҳамватанларим! Кўриб турибсизларки мен оз сонли Бухоро давлат арбоблари билан Афғонистонга сафар қилаяпман. Бу сафардан мақсад муҳожирлик эмас. Агар муҳожирлик қилмокчи бўлганимда ўз оила аъзоларимни ҳам бирга олиб кетган бўлардим. Бу сафардан мақсадим афғон шоҳи билан хос мулоқот қилиб ундан харбий ёрдам ва сиёсий қўмақ сўраш. Умид қиламанки, амир Омонуллохон билан бўладиган мулоқот ва музокаралар ижобий натижа беради ва ундан етарли қурол-аслаҳа олиб тезда ўз ватанимга қайтаман ҳамда сизлар олиб бораётган муқаддас жиҳод жангида ҳамроҳингиз бўламан. Сиз азизлардан ватанга қайтишингизни ва ўз молу жонингиз билан мамлакат истиқлоли, миллий номусини ҳимоя қилишингизни сўрайман”. Амирнинг тез фурсатда қайтиб келиш имконияти йўқлигини англаган халқ, бу таъкидга қарамасдан, хавф-хатар, тақиклар, мушкулликларга йўликқан бўлсада, бирин-кетин, гуруҳ-гуруҳ бўлиб Амударёдан кечиб ўтди ва ўз амири олдига етиб борди. Амир хоҳиши ва маслаҳати билан улар ўз оилалари билан Афғонистоннинг Балх, Мозори Шариф, Журжон, Форёб, Саманган, Хонобод, Қундуз, Тахор, Бадахшон, Қобул, Қандаҳор, Хирот, Пактиё, Нангархор вилоятларига жойлашиб олдилар.

Амир Олимхон ўз рикобидаги тахминан 500 киши билан ҳижрий 1339 йил ўн саккизинчи рамазонда 4 - шанба кунин

Афғонистон давлати боғи бўлмиш Муродбеги қатъасига келиб ўрнашиб олди. У шоҳлик аркида мезбон билан тезда мулоқот қилишга муваффақ бўлди.

Бу воқеаларни амир Олимхон шундай эслайди: “Бир ой Афғонистон давлатида меҳмон бўлдим. Шу муддат бир неча бор афғон амири билан мулоқот қилдим. Афғон амири ўз ёрдамини “эрта-индин” деб орқага сурарди ва бунинг поёни кўринмасди. Шунинг учун тақдирга тан бериб дорул салтана Қобулда қурол-аслаҳани қўлга киритиб, сўнг уни Бухоро мужоҳидларига юбориш мақсадида яшай бошладим”.

Бўлиб ўтаётган воқеалар ва ўша даврдаги вазиятдан аён бўладики, Омонуллохон ўз тарафидан ва Қобулдаги бошқа мамлакатлар элчихоналари тарафидан харбий ёрдам эшикларини Бухоро амири учун ёпиб қўйганди.

Бугунги кунда Бухоро амирининг дўстлари Афғонистонда доимий яшаётган бухороликлар, шунингдек бошқа мамлакатларда истиқомат қилаётган бухороликлар аниқ биладиларки, амир Омонуллохоннинг кучлар тенгсиз бўлган бир жанг оташида ёнаётган Бухоро мужоҳидларига ваъда қилган ёрдами худди кўзбўямачиликка ўхшарди. Равшан бўлиб турибдики, Бухоро амирининг Афғонистонга таклиф қилиниши ва Қобул ҳукумати томонидан унга харбий ёрдам ваъда этилиши ҳамда уни чет мамлакатлар элчилари билан учраштирилиши шу мақсадда амалга оширилган эдики, то амирнинг душманлари бўлмиш коммунистлар Ўрта Осиёни қўлга киритгунга қадар Бухоро томонидан хужумга дучор этилмасинлар ва шу муддатда Бухоро амири Афғонистонда назорат остида бўлсин, Бухоро жангчилари ва мужоҳидлари курашдан толиқиб қуролларини қўйсинлар.

Коммунизм таълимотининг йирик намоёниси Ленин ва бошқа замондош тарихчиларнинг Русия томонидан Бухоро ва Ўрта Осиёни босиб олиниши тўғрисида ёзган китоб ва мақодаларида келтирилишича, амир Омонуллохон ўз салтанатининг дастлабки йилларида Русия давлати коммунистлари билан мустаҳкам алоқада бўлган. Коммунизм хатаридан ва коммунистлар томонидан Ўрта Осиёнинг босиб олинишидан қўп ташвишланмаган. Омонуллохоннинг аввалги

сиёсий фаолиятдан маълум бўладики, у ўз отаси ҳукмронлик даврида номаъқул ишларга қўл урган, хатто ўз отасининг қатл этилишида қўли борлиги шубҳасиз.

Иккинчи тарафдан Омонуллохон Афғонистоннинг мустақиллигини таъминлашга ва уни инглизлардан химоя қилишга ҳаракат қилди ва учинчи афғон урушида неча йиллик Британия мустамлакачилигига барҳам бериб мамлакатни озод қилишга муваффақ бўлди. Шубҳасиз шундан сўнг отасининг эски кадрдони бўлган Британия энди Омонуллохон билан дўст бўлолмасди, балки унинг ягона душманига айланди. Бинобарин, Омонуллохон инглизларга қарши ўзига иттифоқчи топишга эҳтиёжманд эди. Шу боис янги ташкил топган шўролар давлати билан тезда алоқа ўрнатди. Омонуллохоннинг бу ташаббуси Ленин тарафидан Афғонистон мустақиллигининг тан олинишига сабаб бўлиб, бу нарса Омонуллохон калтафахмлиги оқибати эди. У ёрдам масаласида нафакат ўз марҳаматини Бухородан дариф тутди, балки Лениннинг хийла-мақри ва топшириғи билан Бухоро амирини ҳарбий ёрдам борасида ҳамда сиёсий масалаларда музокара олиб бориш учун Афғонистонга таклиф қилди. Аммо ёрдам ва қўллаб-қувватлаш масаласи муҳокама этилмаганлиги кейинчалик маълум бўлди. Қобулда турган Бухоро амирининг бошқа мамлакатлар билан алоқа қилишига монелик қилди. Бухоро мужоҳидлари эса ўз амирларидан ажраб маъюс бўлиб қолдилар ва тақдирга тан бериб жон-жаҳдлари билан сўнгги нафаслари қолгунча жанг қилдилар. Янги коммунистик тузум ўз илдиэларини Ўрта Осиё ва Бухорога ҳамда Афғонистон сарҳадларигача ёйишга муваффақ бўлди.

Афғонистон давлати тарафидан амир Олимхон ва унинг хамроҳлари учун Ҳусайн кавт боғи\* ажратилиб, амир учун 12 минг афғони маош белгиланди.

Истикомат жойи Ҳошимхон боғига, бир йилдан сўнг эса Муродбек қалъаси боғига кўчирилди. Тўрт ойдан сўнг амир Олимхон қароргоҳи Ҳашмат қалъасида воқе бўлди.

\*) Амир Олимхон Афғонистонга келган биринчи кунлари "Бачан Сако" тахаллуси билан машҳур бўлган Ҳабибулло Қилқонийни Ҳусайн кавт боғида қабул қилди. Бу боғ Қобулдан 20 км узокликда жойлашган эди. Ҳабибулло Ҳалилий ўз китобида шундай ёзади: "Шоҳ ўз муншийсига амир Олимхон номини унвон учун дафтарга муфассал қайд этишни ва жумъа кунлари уни арбоблар олдига олиб боришни буюрди". (Муаллиф)



Охири Қобулдан 11 километр узоқликда жойлашган Футух қалъасининг боғи амир қароргоҳига айланди. Бу жой амир ва унинг ҳамроҳларига ҳамда тобеинларига доимий яшаш учун бепул инъом этилди.

Амир хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан унга Футух қалъасидан ташқарига чиқиш афғон ҳукумати томонидан ман қилинган эди. Агар зарурат юзасидан ташқарига чиққанда махсус бир гуруҳ уни муҳофаза қилиб юрарди. Бу нарса амир Олимхоннинг ташқи дунё билан алоқасини узиб қўйишнинг бир воситаси эди.

“Русларнинг Афғонистондаги жиноятлари” китобининг муаллифи\* ҳуқуқшунослик доктори ўз китобининг 43-саҳифасида шундай ёзади: “Омонуллохон Бухоро амирини Қобулга таклиф қилгандан сўнг, руслар ишонч билан ҳаракат қила бошладилар”. Китобнинг 54 - саҳифасида қуйидагиларни ўқиймиз: “Бухоро амири Қобулга келгач амир Омонуллохон бетараф бўлишини эълон қилди, ўзи эса руслар билан дўстона муносабат ўрнатди”. Халилуллохон ўзининг “Тулкидан ҳам айёрроқ” китобининг 53 - саҳифасида таъкидлайди: “Барча мусулмон халқлари рус тулкиларига ем бўлаётган бир вазиятда Афғонистон ҳукумати Русия билан ўз муносабатларини кенгайтирди. Русия муҳолифларини Афғонистон муҳолифи деб ҳисоблади. Русияни шарқ халқлари ва Афғонистоннинг ягона дўсти, уларнинг ягона душмани эса инглиз мустамлакачилари деб эътироф этди”.

Қобулга келган дастлабки даврларида Саййид Олимхон Омонуллохонга большевиклардан йироқроқ бўлишни маслаҳат берди. Лекин мағрур Омонуллохон Бухоро амирининг маслаҳатига қулоқ тутмай кундан-кунга Ленин билан яқинлашишни давом эттирди. Бу ҳодисанинг давом этиши охир оқибатда олийжаноб афғон миллати томонидан Омонуллохон шахсининг кофир деб эълон қилинишига сабаб бўлди.

Омонуллохоннинг амир Олимхонга нисбатан самимий ва илиқ муносабатлари вақт ўтиши билан совий бошлади. Бора-бора берган ўз ваъдаларини унутди ва ҳатто амир Олимхонга

---

\* ) Муаллиф номи кўрсатилмаган. (Х. Тўраев)

ажратилган маош ва сарф-харажатлар ҳам қисқартирилди. Баъзи сиёсий доиралар маълумотларига суяниб айтиш мумкинки, Бухоро амирининг маоши ва сарф-харажатлари коммунистик шўролар давлати томонидан Омонуллохонга тўлаб турилган.

Афғонистонга келган дастлабки кунларда амир Олимхон ўзининг бир гуруҳ намояндалари воситасида Британия Хиндистонидан, Эрон ва Афғонистондан шахсий пули ҳисобига бир қанча қурол-аслаҳа сотиб олиб ўз гумашталари орқали уни Бухорога юборди ва бу қуроллар мужоҳидларга етиб келди. "Иброҳим лақай" номи билан машҳур бўлган мулло Иброҳимбек ўша даврда Бухоро жангчиларининг катта қисмига лашкар-бошилик қиларди. У жасур мусулмон эди. Мулло Иброҳимбек кўнгилли равишда қуруқ қўл билан большевикларга қарши курашни давом эттирди. У ўлимдан қўрқмасди ва ислом дини учун жонбозлик кўрсатарди. "Оллоҳ" калимасини ягона мақсад қилиб олганди ва унинг хамроҳлари ҳам шуни ўзларига шиор этиб, унга эргашардилар. Мулло Иброҳимбек сарбозлари ва унинг замондошларининг ҳаракати кенг шарҳни ва алоҳида китобни талаб қилади.

Бу жасур шахс, яъни Мулло Иброҳимбек амирнинг сўзларига қулоқ тутиб, у билан бирга Афғонистонга хижрат қилмади, балки ўз лашкарлари билан Бухорода душманга қарши курашни давом эттирди ва айни замонда Афғонистонда истиқомат қилаётган амир Олимхон билан алоқада бўлиб, Афғонистондан жўнатиладиган қурол-яроғни кутди. Амир Олимхон ўз пулига харид қилган қурол-яроғ ва бошқа лашкарларни Афғонистондан Бухорога юборарди ва улар бу баҳодир киши, яъни Мулло Иброҳимбек қўлига келиб тушарди, шу тарика бошқа мужоҳидларга тарқатиларди. Бухорога қурол-яроғ юборилаётганлиги Омонуллохон жосусларига маълум бўлиб қолгач, Афғонистон ҳукумати чегара-хизматчиларига афғон тупроғидан қурол олиб ўтилишига монелик қилишга кўрсатма берди. Шундан сўнг Афғонистондан Бухорога жўнатиладиган қуроллар чегарада чегара хизматчилари томонидан олиб қўйиладиган бўлди. Афғон чегарачилари тарафидан мусодара қилинган бу қуроллар, баъзан икки баробар қиммат нархда

Бухорога қайта сотиларди.

Бошқа тарафдан Бухоро амирини тутқунликда сақлаш шиддатли тус ола бошлади. Амир Олимхон ўз кўриқчилари ҳамроҳлигида Футух калъасидан ташқарига чикқанда Қобулдан 11 км узокликдаги масофага бориши мумкин эмасди, бунга ҳаққи йўқ эди. Ёз ва қиш фаслларида у Пағмон ёки Жалолободга бормокчи бўлса, аввал бу тўғрида афғон ҳукуматини огоҳ қилиб рухсат оларди. Ихтиёрсиз тутқунлик ва Бухорога юборилаётган қуроллар мусодара этилаётган қийин вазиятда амир Олимхон чора кидирарди. У шу мақсадда қимматбаҳо йирик олмосларга эга бўлган бир дона мурасса тожини\* ўзига инъом қилинган Футух калъасининг бир қисмини сотиб олиш ва Бухорога қурол жўнатиб туришга ижозат берилиши учун Омонуллохонга совға қилди. Қимматбаҳо йирик олмослар ва бошқа жавахирлар билан безатилган бу тож Футух калъасига ўхшаган калъаларнинг бир нечасини сотиб олишга арзир эди.

Шундан сўнг Афғонистондан қурол жўнатиш бироз йўлга қўйилди. Лекин шундай бўлсада, афғон чегарачилари томонидан мушкулликлар содир этилаверди. Иброҳимбек эса Бухорода большевикларга қарши шижоат билан жанг қиларди. Айни пайтда қурол етишмаслигидан азият чекарди. Кундуз кунлари чегарадан қурол олиб ўтиш бироз чекланди. Мужоҳидлар дара ва тоғларда яшириниб олиб, тунда руслар тўпланган шаҳар ва кишлокларга хужум қилишар, русларга талафот етказишарди ва бир қанча қуролни ўлжа олишарди. Большевиклар бу вазиятдан толиқиб ҳамда ташвишга тушиб ваҳшиёна ишларга қўл урдилар. Улар махфий равишда Иброҳимбек қароргоҳини излаб топмоқчи бўдилар. Бегуноҳ кишиларга тазйиқ ўтказиш йўли билан Иброҳимбекни қўлга туширишни ният қилдилар. Бу зулм ва тазйиқ кундан-кунга шиддатли тус ола бошлади. Чунончи, бир кечкурун большевиклар Бухоронинг ёш коммунистлари билан биргаликда қуролсиз аҳоли манзилларига хужум қилиб, 25 минг аёл ва эркакни, болаларни, шу жумладан уламо, руҳонийлар,

---

\* Таъкидлаш жоизки, Хожин Мирзо девонбеги Бухоро хазинасида сақланган уч дона шундай тожин Афғонистондан Муродбек калъасига олиб келиб амир Олимхонга топширган (Муаллиф).

собик маъмурлар ва шахар маорифчиларини кириб ташладилар.

Бироз қурол олгандан сўнг Иброҳимбек анча ўзини ўнглаб, тезда тўпланган ўн минг аскар билан Қўлоб ва Балжувонга хужум қилди. Шундан сўнг Қоратегин ва Дарвоз вилоятларига хужум қилиб, у ерларни ҳам қўлга киритди. Ўзининг баъзи биродарлари орқали, эришилган ғалабалари тўғрисида Қобулда турган Бухоро амирига хабар етказиб турарди. Амир Олимхон унинг бу ғалабаларидан мамнун бўлиб жиходни давом эттиришга фармон берди. Ислон фидойилари большевиклар билан қонли жанглари давом эттириб Ҳисор вилоятини қўлга киритдилар ва милтиқ, тўп, замбарак ва бошқа қуролларни ўлжа олдилар. Бу тўғрида амир Олимхонга хабар бердилар.

Амир Олимхон эса ўз вакиллари орқали Қобулдан мужоҳидларга нишон ва мансаблар юборди. Уларнинг ботирлиги ва жасурлигидан хушнуд бўлиб, улардан розилиги тўғрисида мактублар(ризонома) жўнатди ҳамда шиддатли жанглари олиб боришга чақирди. Мужоҳидлар олиб бораётган жанглари хабардор бўлиб турган амир, уларнинг бир қанчасига унвонлар берди.

Фарғонада Мадаминбек ўз қўл остидаги 7 минг лашкар билан большевикларга қарши қаттиқ жанг қиларди. Бирок мағлубиятга учраб русларга таслим бўлди. Лекин у 1920 йилнинг сентябрида иккинчи марта русларга қарши бош кўтарди. 1922 йил ўзи ташкил этган отряд билан Анвар пошшо раҳбарлиги остида жанг бошлади ва 1923 йилда бўлиб ўтган жангларида ҳалок бўлди. Шундан сўнг руслар бутун Фарғонани ўз тасарруфларига киритдилар. Бу фаолият 1929 йилгача давом этди.

Анвар пошшо 1922 йил Мовароуннахрга келиб ўз фаолиятини Фарғона ва Бухорода бошлади. Фарғона русларга ўтгач, Анвар пошшо Бухорога келди. Бухоро мужоҳидлари кураши Анвар пошшо келишидан тўрт йил олдин бошланган эди.



## МУЛЛО ИБРОҲИМБЕК ВА АНВАР ПОШШО

Иброҳимбекнинг номи тарихда жиходчи сифатида маълум. У ислом дини учун ўз жонидан кечган жасур мужоҳид бўлиб, ички ва ташқи коммунистларга қарши жон-жаҳди билан кураш олиб борди. Ҳеч нарсадан қўрқмасди. Мужоҳидлар ташкилоти унинг қўл остида бўлиб, жанг режаларини ишлаб чиқди, мужоҳидлар ҳаракатига моҳирона раҳбарлик қилди. Жангнинг барча жабҳаларида муваффақиятга эришди. У мудом қурол-яроғ етишмаслигидан азият чекарди. Агар зарур қурол аслахалар ўз вақтида етказиб турилганда, ҳар қандай йўл билан русларни то Кремль дарвозаларигача қувиб борган бўларди. У Афғонистон шоҳи ва Кремль давлати арбоблари замонаси зайли, фитнаси билан ўз жонини бой берди. Иброҳимбек Бухоро амири томонидан раҳбар этиб тайинланган эди. У Ҳисор вилоятини ҳар тарафдан муҳосара қилиб большевикларга талафот етказди. Эркесварлар ўз она тупроғини большевиклардан тозалаш учун Қуръон билан қасам ичган эдилар.

Бу орада Анвар пошшо ўзининг 27 нафар яқинлари билан Қўрғонтепада қизилларга қарши жанг қилаётган мужоҳидлар олдига келди. Қўрғонтепадаги жанглар сардорлари Иброҳимбек буйруғисиз бегона кишиларни ўз отрядларига қабул қила олмасдилар. Шу боис Анвар пошшонинг келганлиги тўғрисида Иброҳимбекка хабар етказдилар.

Мулло Иброҳимбек амир Олимхон томонидан тайинланган лашкарбоши бўлганлиги сабаб, унинг фармойишига бўйсунарди, амир маслаҳатсиз бирор ишга қўл урмасди. Шуни назарда тутиб, у то амир Олимхон Қобулдан келгунча Анвар пошшо билан алоқа боғламаслик тўғрисида жанг сардорларига хабар берди. Мулло Иброҳимбек амир Олимхонга ёзган мактубида мусулмонлар халифаси Муҳаммад Рашодхон Хомас тўғрисида ҳам эслатиб ўтиб, унинг Бухоро жиход жангида иштироки масаласида амирнинг фикрини сўради. Амир Олимхон ўз "Хотиралари"нинг 57- бетида ёзади: "Мен бу хабардан вокиф бўлиб Иброҳимбекка фармон йўлладим. Унда Анвар пошшо

хусусида қайд этиб, унинг жанг усуллари яхши биладиган соҳиби тадбир эканлигини таъкидладим. Унга олийжаноблик кўрсатиш лозимлигини, ислом миллатига хизмат қилишга рози бўлса мужоҳидлар раҳбарлигига қабул қилишни, Афғонистонга келишни истаса бизнинг зоти олийимиздан ваколатан улғувор ва олийжаноб хизматларини деб дарёдан ўтказиб қўйишни ва бу тарафга равона қилишни ёздим”.

Саййид Олимхон фармониға мувофик Мулло Иброҳимбек Ҳақ йўлида курашувчи муборизачилар билан биргаликда Анвар пошшо истиқболига чиқди. Уни иззат-икром билан ўз ёнига чорлаб, мақсадини сўради. Анвар пошшо мужоҳидлар сафида муқаддас жиходда иштирок этиш истагини билдиргач, уни раҳбарликка қабул қилиб, ундан янги ҳарбий жанг усуллари ислом фидойиларига ўргатишни сўрадилар. Анвар пошшо Мулло Иброҳимбек билан биргаликда Ҳисор вилоятини забт этиб катта ўлжани қўлга киритди. Бундан руҳланган мужоҳидлар курашни давом эттириб Дехинов, Бойсун, Ғузор, Шеробод вилоятларини ўз тасарруфларига киритдилар. Руслар шаҳар ва қишлоқларни ва ҳатто қурол-аслаҳаларини ташлаб орқага чекинишга мажбур бўлдилар. Бу вилоятларнинг фатҳ этилганлиги тўғрисидаги хабар Қобулда бўлган Саййид Олимхонга етиб борди. Амир Олимхоннинг жияни Саййид Умархон ўз хотираларида ёзади: “Саййид Олимхон ўз муҳожирлигининг дастлабки йилларида Муродбек қалъасида ғалаба хабарини эшитганда ушбу байтни айтган:

Боз субҳи, тараб аз матлаъи умед дамид,  
Нафхоти зафар аз гулшан иқбол вазид.

Мазмуни:

Умид матлайдан яна тонг чиройи очилди,  
Иқбол гулшанидан зафар ҳиди таралди\*.

---

\* Мазмуний таржима муаллифи Юнусжон Азимов

Бухоро амири бир жилд Куръони карим, бир китъа ризонома ва Бухоронинг мўътабар нишонларидан хисобланган “Учинчи Искандар” нишонини ҳамда бир зарбоф харбий тўнни Мулло Иброҳимбекка юборди”.

“Туркистоннинг аччик ҳақиқати” (муаллифи Тўғон) китобининг 181-саҳифасида шундай сўзлар бор: “Мулло Иброҳимбек ниҳоятда жасур, аммо калтафаҳм эди. Анвар пошшони хурмат қилмасди. Анвар пошшо шахид бўлгандан сўнг Хожи Сомий пошшо тарафидан Иброҳимбек ўз лавозимидан четлаштирилди”.

Афсус билан таъкидламоқчимизки, китоб муаллифи инсофсизларча фикр юритиб, Иброҳимбек шаънига номуносиб гаплар ёзади. Китобхонлар Тўғон фикрига эргашмасликлари керак.

Генерал Иброҳимбек Анвар пошшо келишидан илгари Бухорода русларга қарши жанг қиларди. Анвар пошшо Лениннинг таклифи билан 1920 йил Москвага борди. Сўнг унинг рухсати билан, коммунистик инқилобни тарғиб қилиш баҳонасида 1921 йил Бухорога келди. Иброҳимбек Анвар пошшога ишонмай 1920 йил декабрдан 1921 январ ойигача, олти ҳафта мобайнида уни ушлаб турди. Амир Саййид Олимхон фармонидан сўнг Бухоро мужоҳидлари русларга қарши ўз фаолиятларини давом эттирдилар. Бу тўғрида юқорида зикр этилди. Анвар пошшо ҳалок бўлгандан кейин Сомий пошшо Қобулдан Кўлобга қайтди, бироздан сўнг яна Афғонистонга келди.

1994 йил Истанбулда чоп этилган тарихий маданий журнал “Мохвор” Султон Салим Сомийнинг ўлими тўғрисида куйидагиларни ёзади: “Салим Сомий жангда мағлубиятга учрашини сезиб, 1923 йил 4 июнда Афғонистондан ўз ватани (Туркия)га қайтди. 150 кишидан иборат тарафдорлари иштирокида Отатуркка суиқасд уюштириш учун отланди, лекин ракиб ўқиға йўликиб ҳалок бўлди. Генерал Иброҳимбек эса Бухоро лашкарбошиларидан бири бўлиб, фармонлар чиқариб турарди. Салим Сомий буйруқларига итоат этмаганлиги учун ўз вазифасидан четлаштирилганди. У ягона қахрамон бўлиб факат Саййид Олимхон фармониға бўйсунарди”.

Ясавий яхши биладик, “Тарихи Тўғон” китоби муаллифи чуқур таҳлил ва мулоҳаза қилмай Иброҳимбек тўғрисида бир томонлама фикр юритади. Бизнингча Сомий пошшо Шермуҳаммад кўрни катта хато ва камчиликлари учун ўз вазифасидан четлаштиради ва ҳатто жанг майдонидан ҳайдаб юборади. Иброҳимбек ва Шермуҳаммад кўр шахси муаллиф томонидан адаштирилган.

Шу масалага аниқлик киритиш учун Сомий пошшонинг Али Ризобекка ёзган мактубини келтирмақчимиз. “Мухтарам биродарим Али Ризобек! Бизнинг аҳволимиз жуда яхши ва мустаҳкам. Биз йўғимизда фитна ва фасод қилган Эшон Султонни катл этиб, Шермуҳаммад кўрни бир неча аскар билан мажбуран Афғонистонга жўнатдик”.

Юқорида амир Олимхоннинг Мулло Иброҳимбекка ризонома ва “Искандарий” нишонини юборганини айтиб ўтдик. Шу даврда Гиждувон, Пирмаст, Вобкент, Хўжа Ориф, Қорақўл ва бошқа туманларнинг 15 минг аҳолиси амир Олимхонга садоқат юзасидан мактуб йўллаб, большевикларга қарши курашиш учун саркарда тайинлашни илтимос қилди. Амир Олимхон мўътабар ҳамриқобларидан бири бўлган Мулло Иброҳимбек девонбегини мужоҳидлар амири лашқари вазифасига тайинлаб, бир неча киши билан бирга Бухорога юборди.

## ЁШЛАР ПАРТИЯСИ (“Ёш бухороликлар” партияси)

1920 йил сентябр бошларида бир гуруҳ ёшлар большевиклар билан ҳамкорликда Бухорода ўз сохта жумҳуриятларини эълон қилдилар. “Ёш бухороликлар” партияси (Бухоро Шўролар жумҳурияти) деб аталган бу жумҳуриятга Кремль раҳнамолик қиларди ва уни таъминлаб турарди. Жумҳурият раислигига Мухиддин Мансуров, ташки ишлар вазирлигига Файзулла Хўжа, Садриддин Айний маданият ишлари раислигига, Усмон Хўжаев эса жазо қўмитаси раислигига тайинландилар. Абдурауф Фитрат, Аҳмаджон Маҳдум Рифъат, Мирзо Абдулвоҳид, Аҳмад Маҳдум Абу Сайид, Аҳмад Хўжа ва Хомид Хўжалар диний ҳукумат аъзолари ва таъсисчилари бўлдилар. Булар Бухорои шарифнинг диний таълим, тафсири



Куръон ва Муҳаммад алайҳи вассалам ҳадисларини ўқитиш масалаларига большевикларни аралаштириб, охир оқибатда таълим тизимини уларнинг асорат занжирига боғлаб қўйдилар. Ўз қўлларини ўзлари боғлаб қўйиб Ленин кўрсатмаси билан иш тутдилар. Большевиклар Лениннинг “Дин халқ учун афюндир” шиорини омма ўртасида тарғиб қилиб, одоб-ахлоқ, миллий анъаналарни бутунлай нобуд қилдилар. Уламо ва руҳонийларни душман деб билиб, уларга қарши хужум бошладилар. Қори Абдулло Мулло Акрам, Мулло Абдурасул каби калтафаҳм ва чаласавод муллаларни сотиб олиб, уларни соғлом фаросатли, билимдон уламоларга қарши қўйдилар. Билимдон уламоларни илм соҳасидаги мусобақада енгишолмагач, уларни ва уларнинг хамроҳларини ваҳшиёна қиришга қиришди.

Оммавий қатағон ўтказиб 50 минг бухороликларни ва туркманларни кириб ташладилар. Булар ичида уламо ва руҳонийлар аксариятни ташкил этарди. Мусулмонларни таъқиб қилиб уларни жазо отрядларига топширдилар. Намоз ўқиш, закот бериш, рўза тутиш, ҳажга бориш ман этилди. Болаларни уй мактабларига (хусусий мактаблар) боришини тақиқлаб қўйдилар. Масжид ва мадрасалар ёпилди. Бадий, санъат аҳамиятига молик баъзи таъмирталаб тарихий обидалар бузиб ташланди. Рўй бераётган турли фожиалар, тақиқлар, хавф-хатар аҳоли тинка-мадорини қуритди. Натижада уларнинг бир қисми Эрон, Афғонистон, Сурия, Ҳиндистон, Миср, Саудия Арабистони каби мамлакатларга кетишга мажбур бўлди. Истанбулда чоп этилган “Замон” рўзномасининг 1991 йил 24-октябр сонисида ўрта осиелик дўстларимиздан бири шундай деган эди: “Халқимизни гафлатда қолдирган шахслардан бири Усмон Хўжа бўлади. У ўзини жумҳурият раиси деб эълон қилиб зулм-ситам, даҳшат ва нотинчликни авж олдирди. Обод ва маъмур мамлакатимизни харобага айлантирди. Большевик коммунистлар ўз маромларига (мақсадларига) эришгач, Бухоро ва унинг атрофида ҳукмронлик ўрнатдилар. Энди эса жонсиз ва ақл-фаросатсиз қўғирчоққа, яъни Бухоро коммунистларига зарурат қолмади. Олдиндан тайёрлаб қўйилган дастурлари асосида иш хўриб барча инон-ихтиёрни ўз қўлларига олдилар. Тузган шартномаларига имзо чекишга мажбур этдилар. Унга мувофиқ

харбий, таълим-тарбия, иқтисодий ва маданий ишларнинг барчаси шўролар изми ва фаолият доирасига кирадиган бўлди.

Тижорат ва саноат ишларига Москва раҳбарлик қилиши керак эди. Ер-сув, деҳқончилик, мулк масалалари большевиклар дастури асосида ҳал қилинадиган бўлди. Ички ва ташқи сиёсат Москва қўлида бўлиб, Бухоро фақат ўз дастурини тавсия қилиши мумкин эди.

Шунда “Ёш бухороликлар” уйқудан уйғонгандек бўлдилар, лекин жуда кеч уйғондилар. Бироз муддатдан сўнг Бухоро жумҳурияти раҳбарлари ўз вазифаларидан четлаштирилди. 1922 йилга келиб “Ёш бухороликлар” партиyasi ҳам заифлашиб қолди. Руслар тарафига ўтган мусулмонлар молу жонига етказилаётган бу талафотларнинг барчаси мустамлака мақсадида эди. Кремлнинг шум ниятларидан огоҳ бўлган баъзи “Ёш бухороликлар” бу партиядан чиқиб Анвар пошшо ва Иброҳимбекка эргашдилар. Усмон Хўжаев шулар жумласидан эди.

1924 йил 19 сентябрда Бухоро бутунлай рус коммунистлари тасарруфига кирди ва подшолик касри (Арк) устида кофирлар байроғи ҳилпиради. Руслар аста-секинлик билан Хивани ҳам ўз тасарруфларига кирита бошладилар. 1921 йил Хоразмда Паҳлавон Ниёз ҳукуматини қулатдилар. 1923 йил эса Хивани Хоразм деб атаётган бошладилар”.

Шундай қилиб, жиход қаҳрамонлари ва ички душманлар тўғрисидаги маълумотларни ўқувчиларга тақдим этдик. Аввалги воқеалар силсиласига қайтамиз. Амир Саййид Олимхон буйруғи билан Мулло Абдуқодир Қобулдан Бухорога қайтди ва Шарқий Бухорода душман билан олишайётган Иброҳимбек билан учрашди. Сўнг русларга қарши курашиш учун Ғиждувон томонга отланди. Анвар пошшо бир йилдан камроқ муддат ичида Иброҳимбек билан иттифок бўлиб жиход қилди. Душманга жиддий талафот етказди. Замондошлари билан ҳамкорликда русларни баъзи вилоятлардан ҳайдаб чиқариб у ерларни иккинчи бор қўлга киритди. Рўй бераётган бу ғалабалардан руҳланган унинг жанговар сафдоши Иброҳимбек амир Олимхонни Бухорога қайтиши учун қулай шарт-шароит вужудга келди, деб ҳисоблади. Шу мақсадда саккиз кишидан иборат хайъатни

Бухородан Қобулга, Афғонистон ҳукмдори амир Омонуллохон ҳузурига жўнатиб, амир Олимхонни Бухорога қайтаришни сўради.

Шу орада Анвар пошшо томонидан амир Олимхонга ёзилган мактуб Қобулга етиб келди. Унда қайд этилишича, мужоҳидлар Бойсунга ҳужум қилган бўлсаларда, лекин у ханузгача қўлга киритилмаган ва истехкомга айлантирилмаган. Амирнинг Бухорога қайтиши лозим эмас.

Амир Омонуллохон эса Саййид Олимхоннинг ўз ватанига қайтишини асло истамасди. Мактубда ёзилганларни асос қилиб амир Олимхоннинг Бухорога қайтишини тақиқлади. 1922 йил 14 августда Анвар пошшо Шарқий Бухорода жойлашган Балжувон вилоятида ҳалок бўлди. Унинг замондоши Давлатмандбек ҳам жанг майдонида шахид бўлди. Хар иккаласининг жасади Ҳазрат Султон зиёратгоҳига қарашли мазордаги ёнғок дарахти остига дафн қилинди. Бироз вақтдан сўнг эса Давлатмандбекнинг жасур ўғли Абдуқодир ҳам ҳалок бўлди.

Сомий пошшо баъзи турклар билан Афғонистонга келди. Жамол пошшо, Фаҳри пошшолар Тошкентдан Афғонистонга келиб, шу ерда паноҳ топдилар. Фаҳри пошшо бироз фурсатдан сўнг Мустафо Камол томонидан Туркиянинг Афғонистондаги элчиси этиб тайинланди.

Амирнинг иккинчи бор Бухорога қайтаётганлигидан руслар хабардор бўлганликлари тўғрисида юқорида зикр этилди. Улар амирнинг қайтишига тўсқинлик қилишга ҳаракат қилдилар. 1925 йил ўрталарида тўп, танк, самолёт, замбараклардан иборат катта куч билан мужоҳидларга қарши ҳужум бошладилар. Жанг майдонларидан тирик қайтган кишиларнинг айтишича, Иброҳимбек ўз фидойи кучлари билан кундуз кунлари душман билан жанг қиларди, тунда эса тўсатдан ҳужум қилиб душмanning узокқа отадиган тўпи, 1800 дона бешотари, 3000 милтигини ўлжа олди. Икки душман самолётини уриб тушириб унинг ичидаги талайгина маузер тўппончаларини қўлга киритди. Шу тариқа душманга катта талафот етказди. Бу воқеалар тўғрисида Қобулда турган амир Олимхонга хабар берилди. Аввал таъкидлаганимиздек, муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Бойсун вилояти руслар қўлида эди. Иброҳимбек ва

унинг замондошлари Бойсунни забт этиш Бухорони забт этишга йўл очади, деб тахлил қилдилар. Руслар мағлубияти шу ердан бошланади, деб ҳисобладилар. Бойсунни ишғол қилиш учун мужоҳидлар ҳам моддий, ҳам рухий қувват олдилар. Уларга ҳар тарафдан ёрдам кучлари кела бошлади. 1345(1924 йил) бошларида Иброҳимбек жанговар сафдошларига ўз нияти тўғрисида махфий хабар берди. Тузилган режаларнинг баъзида акси юз бериши мумкин. Ўша даврда мужоҳидлар билан юз берган воқеаларни фақат ҳозирги насллар мулоҳаза қилиши мумкин. Амир Омонulloҳон Саййид Олимхонга руслар жанг ҳаракатларини Амударёнинг бериги қирғоғига, яъни Афғонистон худудига чўзиши мумкинлигини, Афғонистонга тегишли бўлган Амударёдаги Дарқад оролини олмақчи эканлигини, шу боис Иброҳимбекка мактуб йўллаб, русларнинг Амударёнинг бу қирғоғига ўтишини олдини олишга чақириши лозимлигини айтади. Амир Олимхон зудлик билан Иброҳимбекка чопар узатиб, ўз мақсадини билдирди.

Иброҳимбек ўз кучларини икки қисмга бўлди. Бир қисмини Бойсунга жўнатди. Ўзи эса бир гуруҳ сарбозлари билан Амударё соҳилига келиб, тоғ ва дараларда Шўро ҳарбий кучлари ҳужум қилиб келишини кутиб ётди. Қирк кун кутди, лекин руслардан дарак бўлмади. Сўнг Бойсун томонга қараб ҳаракат қилди. Аммо йўлда рус қўшинларига дуч келди. Улар еру кўкдан ҳужум қилдилар. Русларнинг 25 минг отлик аскарини Иброҳимбек устига ёшириб келди. Иброҳимбек кўрган талафот русларникига нисбатан анча кўп эди.

1926 йил 21 июнда Иброҳимбек бир гуруҳ ёронлари билан Амударёдан ўтиб Афғонистонга кириб келди ва амир Олимхон билан учрашди. Афғонистон давлати томонидан унга 550 рупия маош тайинланди. 1926 йил 21 августда, яъни Иброҳимбек келгандан икки ой ўтгач, Дарқад ороли Афғонистонга тегишли эканлиги тўғрисидаги протокол имзоланди. Ҳабибуллоҳон ҳокимият тепасига келгунга қадар Мулло Иброҳимбек Қалъаи Футухда амир Олимхон билан бирга яшади. Бу қаҳрамоннинг қолган ишлари тўғрисида кейинроқ маълумот берамиз.

Большевиклар амир Олимхоннинг уч ўғли Саййид Султонхон валиаҳд, Саййид Шохмуродхон ва Саййид

Рахимхонларни икки жияни Саййид Рахматулло ва Саййид Сайфиддинлар билан биргаликда Бухородан Москвага жўнатдилар. Келажакда улардан ўз максадлари йўлида фойдаланишни кўзлаган эдилар. Амир оиласига тегишли бошқа кишиларни, чунончи, амирнинг онаси, сингиси, хотини, кизларини, шунингдек уч укаси Саййид Акрамхон, Саййид Сиддиқхон, Саййид Азимхон ва уларнинг ўғил кизларини, жами 50 нафар кишини Қаршидан ўтказиб Афғонистоннинг Мозори Шариф вилоятига жўнатдилар. Улар Мозори Шарифдан Футух калъасига, амир Олимхон олдига келдилар.

Мухаммад Акбар Ашик Кобули ўз "Хотиралари"да олийҳазрат амир Саййид Олимхон тўғрисида шундай ёзади: "Носирбой Бухорий Бухоро инкилобининг амир Олимхон фарзандларига нисбатан қилган ваҳшийликлари тўғрисида куйидагича маълумот беради: "Инкилобчи кучлар Бухорога киргач, Бухоро амирининг барча хотин ва болаларини асирга олдилар. Уч нафар бегуноҳ фарзандини тунги соат учдан эрталаб соат ўн биргача Девонбеги масжиди четида турғазиб кўйдилар. Соат ўн бирда руслар ҳамроҳлигида шаҳар атрофи бўйлаб намойишкорона, таҳкирона айлангириб, сўнг яна ўз жойига олиб бориб кўйдилар. Болалар очликдан йиғлашар, хасталикдан азоб чекардилар. Уч ойлик жисмоний ва рухий кийноқлардан сўнг руслар амирнинг болаларини Москвага олиб бориб ўша ерда ўлдирдилар"\*

Аввал ёзганимиздек, Мулло Абдуқаҳҳор Бухоро подшоҳи Саййид Олимхон буйруғига биноан Кобулдан Бухорога қараб ҳаракат қилди ва генерал Иброҳимбек билан учрашди. Ғиждувон, Хатирчи, Вобкент, Ванғози, Шофурком, Пирмаст, Баҳоуддин ва бошқа ерлардаги ислом фидойиларини тўплаш масаласида музокара олиб борди.

\*) Амир Олимхон ўғилларидан бири Саййид Шохмуродхон узок йиллар Москвада яшаб, ўтган асрнинг 80-йиллари охирида ўз ажали билан вафот этди. Шўро ҳукумати томонидан у Москвага олиб келинган, дастлаб Рабфақда (ишчйлар факультети) ўқиди, кейинчалик офицер бўлиб Шўро армиясида хизмат қилди. Шўро ҳукумати уни ўз отаси амир Олимхондан юз ўгиришга мажбур этган. Шу мақсадда аввал "Известия" газетасида, сўнг "Оюд Бухоро" газетасининг 1929 йил 21 июн сонидида "Агар учрашсак, душман тарча учрашамиз" сарлавҳаси остида Шохмуродхоннинг ўз отасига ёлган мактуби эълон қилинди (X Тўраев)

Генерал Абдуқаҳҳор ўз кўнгилли сарбозлари билан руслар томонидан ишғол қилинган Гиждувонга ҳужум қилиб шаҳарни қўлга киритди. Руслар шаҳарни ташлаб Нурота тарафга чекиндилар. Мужоҳидлар 200 милтиқ, 5 найза, 100 минг кортус ва бошқа қуролларни ўлжа олдилар.

Абдуқаҳҳор мужоҳид ўз аскарлари билан Гиждувондан Нурота томонга қараб юрди ва бир ой мобайнида шаҳарни қамал қилиб турди. Шаҳар улуғлари тунда фидойиларни махфий суратда шаҳарга киритдилар. Мужоҳидлар тазйикига дош беролмаган большевиклар шаҳарни ташлаб ҳар тарафга пароканда бўлиб кетдилар. Уларнинг кўп аслаҳалари фидойилар қўлига тушди. Генерал Абдуқаҳҳор Нуротани ўз марказига айлантириб амир Олимхон номига хутба ўқитди.

Абдуҳолик Гиждувонийнинг ватандошлари бўлмиш Гиждувон аҳли Абдуқаҳҳорни қўллаб-қувватлаб унга эргашдилар. Абдуқаҳҳор бошқа шаҳар ва кишлоқларни ҳам руслардан тозаллади. Бу қаҳрамон ўз аскарларини пиёда ва отлик қисмларга бўлиб Бухоро томонга қараб юриш бошлади. Мусулмон лашкарлари Мехтар Қосим кўпригига етиб келиб Бухорони ҳар тарафдан муҳосара қилганда, Бухоро ҳарбий вазири Абдуҳолик афанди 20 нафар бухоролик ва турклар билан Усмон Хўжаев ҳамроҳлигида генерал Абдуқаҳҳор истиқболга чиқди. Улар мужоҳидларга 6 минг фунт стерлинг ва ҳарбий қуроллар бериб, Шарқий Бухорода руслар билан жанг қилаётган Анвар пошшо ва Иброҳимбек олдига боришга ижозат сўрадилар. Сўнг Анвар пошшо олдига бориб, мужоҳидлар отрядига қўшилажакларини изҳор этдилар. Анвар пошшо уларнинг узрини қабул қилиб, бу тўғрида Қобулдаги амир Олимхонга хабар қилди.

Генерал Абдуқаҳҳор шиддатли ҳужумлар уюштириб қизиллар қўшинига катта талафот етказди. Оқибат натижада ислом сарбозлари Бухоронинг олти дарвозасини қўлга киритдилар ҳамда ҳарбий ҳаракатларни муваффақиятли давом эттиравердилар.

Кўп талафот кўрган большевиклар узок қаршилик кўрсатишга ожиз эдилар. Шунинг учун Бухоронинг еттинчи дарвозасидан чиқиб Когон тарафга чекиндилар. Шундан сўнг

Бухоро иккинчи бор Ҳақ йўлидаги эрксеварлар қўлига ўтди.

Генерал Абдуқаҳҳор Бухорода тўрт соат тургандан сўнг Баҳоуддинда жойлашиб олган рус аскарларига ҳамла қилди. Ун соат давом этган жангдан сўнг рус аскарлари Когон томонга чекиндилар. Баҳоуддин кишлоғи ҳам ислом фидойилари қўлига ўтди.

Кизил армия устидан кетма-кет эришилаётган ғалабалар тўғрисида генерал Абдуқаҳҳор амир Олимхонга хабар бериб турди. Амир Олимхон эса генерал Абдуқаҳҳорга курул-яроғ етказиб беришга киришди, жумладан бир дона заркуб харбий мундир ва маузер тўппонча юборди.

Когонда ўрнашиб олган руслар генерал Абдуқаҳҳорнинг муваффақиятли харбий ҳаракатларидан кўриб Тошкент ва Москвадан ёрдам сўрадилар. Большевиклар харбий кучларни ташладилар. Тажрибали зобитлардан иборат кизил армия бир неча отрядларга бўлиниб тўсатдан еру кўкдан ҳужумга ўтди ва ислом лашкарларига катта талафот етказди. Аэропланлар бомбардимони натижасида Бухоро шахрининг ярми ва атроф кишлоклар аланга ичида қолди. Бухоро тупроғи шахидлар қонига беланди. Тўкилган бу қонларга ҳам тўймаган большевиклар ярадор, нимжон болалар, аёллар ва қариялар жасадини танклар оёғи остига ташладилар. Одамларни тириклайин ўтга ташладилар, ҳаводан ерга улоқтирдилар.

Генерал Абдуқаҳҳор 20 кун мудофаа жангларини давом эттирди. Большевиклар эса Бухоро ва Бухоро давлатининг бошқа шаҳарлари мусулмонларини кириб ташлаш мақсадида шиддатли, ваҳшиёна ҳамлалар уюштирдилар. Бегуноҳ ва ҳимоясиз аҳоли қирилиб кетмаслиги ҳамда Бухоро вайронага айланмаслиги учун генерал Абдуқаҳҳор жанг ҳаракатларини тўхтатиб, Қозоғистон чўлларига томон чекинди. Унинг кейинги тақдири номаълум. Рухи шод бўлсин.

Амир Саййид Олимхон ватандан йироқда бўлсада, душман билан жиҳод қилиш тўғрисидаги қарорини ўзгартирмади. Етти йил мобайнида Бухоронинг ғарбий ва шарқий ҳамда шимолий вилоятларида русларга қарши курашаётган маҳаллий кучларга сиртдан қўмондонлик қилиб турди. Афсуски унинг нияти амалга ошмади.

Омонуллохон бу сиёсий ўйинда нима ютдию ва нимани ютказди?

1. Омонуллохон калтафаҳмлиги, андишасизлиги ва узокни кўра олмаслиги оқибатида ўзини жарга ташлади, миллатини халок этди. Агар очик фирибга учмаганда, фарбнинг очик фирибгарлик сиёсати ва ташвиқотига йўлиқмаганида, большевикларнинг заҳарли янги тузуми қарор топмасди. Саросима ва калтафаҳмлик билан ўз ислохотларини бошламасди. Ўзи ҳам, афғон миллати ҳам исён ва паришонлик(парокандалик) дардига дучор бўлмасди.

2. Агар Омонуллохон Бухоро-Рус жангида фикр юритиб иш кўрганида, Бухоро мужоҳидларидан ўз ёрдамини дариф тутмаганда, Бухоро подшосини ҳимоя қилганида эди, коммунизм девининг оёғи Ўрта Осиёга етмасди ва Афғонистоннинг шимолий чегаралари коммунистларнинг доимий таҳдидига йўлиқмасди.

3. Афғонистоннинг шимолий тарафида бир қудратли ислом давлатининг мавжуд бўлиши ҳар иккала мамлакат учун ҳам фойдали бўларди.

4. Агар шох Омонуллохон дастлабки даврларданок Бухоро амирига ҳарбий ва сиёсий жихатдан кўмак берганда эди, ҳали у даврда техникаси унчалик кучли бўлмаган руслар мусулмон халқларига ва Бухоро мужоҳидларига қарши курашни давом эттирмасдилар ҳамда Афғонистонга яқинлашмасдилар, унга қўшни бўлмасдилар.

5. Омонуллохоннинг Бухоро амирига кўрсатган ҳарбий ёрдами бир фирибгарлик бўлиб, афғон халқига тасалли бериш учун қилинган бир нарса эди. Зеро , у даврда афғон халқи Бухоро ва ислом миллати учун русларга қарши курашни жуда истарди.

6. Омонуллохоннинг Бухоро амирини музокара олиб бориш баҳонасида Қобулга таклиф этиши ва уни бу ерда ушлаб қолишининг ўзи ғалати сиёсий беҳаёлик, шармандалик эди. Омонуллохон бунинг эвазига ўша даврда Қобулда бўлган бошқа мамлакат сиёсий вакиллари, ислом мамлакатлари элчилари билан музокара бошлаб, уларнинг диққатини, сиёсий, ҳарбий ёрдамларини ислом маданияти ва тарихи маркази бўлган Бухоронинг мустақиллигини ҳимоя қилишга жалб қилиш



имкониятига эга эди.

7. Бухоро амири Олимхон Омонуллохон томонидан ўзи учун тайинланган доимий маош ва Футух калъаси боғининг истикомат учун хадя қилиниши уни назорат қилиш, жиход ҳаракатларидан узоқда сақлаш ва мужоҳидлар билан алоқа қилишга йўл қўймаслик учун қилинган чора эканлигини яхши биларди. Омонуллохон большевикларни эътиборга олиб Бухорога ёрдам беролмасди, лекин амир Олимхон тарафидан қўшни мамлакатлардан сотиб олинаётган қуроларни Бухорога юборишга монелик қилмаслиги уни Қобулдаги бошқа давлатлар сиёсий вакиллари билан мулоқот ва музокара қилишга ижозат бермоғи лозим эди.

8. Омонуллохон Анвар пошшо раҳбарлигида ўзига қўшни бўлган кучли давлат барпо этилишини истаб Анвар пошшога махфий равишда кўмак беришни давом эттирди. Лекин шундай ёрдамни Бухоро амиридан дариг тутди.

9. Иброҳимбек сингари мужоҳидларга ва бошқа Бухоро мужоҳидларига ёрдам бериш Омонуллохон шахсининг боқийлиги ҳамда мамлакат сиёсий келажаги учун икки тарафлама фойдали эди.

Бухоро амири Қобулда яшаган даврида кейинги афғон шохлари Ҳабибулло Қилқоний, Нодиршоҳ ва Зоҳиршоҳлар билан ҳам алоқада бўлди.

Бу подшоҳлар шўролар Русияси, Бухоро давлати ва Қобулдаги Бухоро амири билан муносабатларида нималарга эришишга ҳаракат қилдилар? Омонуллохон отаси қатл этилгач, 1919 йил 23 февралда тахтга ўтирди. 21 ёшида Махмуд Тарзийнинг қизига уйланди.

Махмуд Тарзий Туркияда таълим олган. Икки кизи бўлиб, уларнинг бирини Иноятуллохонга, иккинчисини Омонуллохонга никоҳлаб берди.

Омонуллохон тезда идора усули ва сиёсий ислохотларни амалга оширишга киришди. У Европа ва Осиё мамлакатларига қилган узоқ сафаридан қайтгач, ғарб маданияти кўринишларини ўрнаттириб, уни Афғонистонга тадбиқ этишга ҳаракат қилди. Турли хилдаги ўғил-қизлар мактаби очилди. Аёллар ҳижобдан чиқарилиди. Аёллар сочини қалта қилиб юриши, эркаклар шляпа

кийиши мажбур этилди. Христианларга тақлид килиб дам олиш кун и жумадан якшанбага кўчирилди. Эркаклар учун салла боғлаб, чопон кийиб юриш, аёллар учун чодирда юриш ман этилди. Хижрий таквим ўрнига христиан таквими жорий этилди.

Афғонистондек бир мазахбли давлат учун тақлид килишлар ҳеч ҳам ҳазм бўлмасди. Бу ислохотлар турли қатлам ва табакаларда тескари реакция уйғотиб, мамлакатнинг турли жойларида ғалаёнлар кўтарилди бошлади ва Омонуллохонни тахтдан ағдариб ташлашга олиб келди. У мамлакатни тарк айлаб Италияга кетишга мажбур бўлди.

Мархум амир Олимхон ўз “Хотиралар”ида шундай ёзади: “Омонуллохон томонидан Пағмонда истиқлол байрамнинг икки йиллиги нишонланаётган кунларда мен ҳам салтанат вазирлари саройига тақлиф килиндим. Абдураззоқ тўқсоба ва Абдухолик тўқсоба каби ўзимнинг икки нафар кўриқчиларим билан машинага ўтириб Футух қалъасидан чиқдик ва Пағмонга қараб йўл олдик. Мен ўз миллий кийимларим, яъни тўн ва саллада бўлганим учун амалдор ва ҳарбийлар мени байрам ўтаётган Пағмонга киритишмади. Кўриқчиларим амалдорларга вазирлик томонидан берилган тақлифномани кўрсатиб Омонуллохон томонидан тақлиф этилганлигимни айтдилар. Шунда аскар, эгингиздаги либослар расман ман этилган, деб жавоб берди ва менинг салламни бошимдан олиш учун қўл чўзди. Уни йиртиб ташлаб сўнг бизга киришга рухсат бермоқчи бўлди. Кўриқчиларим бу ҳақоратдан қаттиқ хафа бўлиб ғазабга келдилар ва машинадан тушиб милтиқни қўндоғи билан аскарни уриб ерга йиқитдилар. Шундан сўнг мен Футух қалъасига қайтишга буюрдим.

Омонуллохон бўлиб ўтган можародан хабар топиб оркамиздан киши узатди ва бизни байрам тантаналарига олиб келишни буюрди. Юборилган киши машинада бизнинг оркамиздан етиб келиб Омонуллохоннинг узрини изҳор этди ва ўз либосимизда байрамда иштирок этишимизни билдирди. Аммо мен Пағмонга боришга ҳафсала қилмай, Футух қалъасига қайтиб келдим.

Бу воқеадан бир неча кун ўтгач ийди рамазон келди. Мен ўша йили ийди рамазон, ийди қурбон намозларини ўз қавм-

кариндошларим билан бирга Футух калъасидаги масжидда адо этдим.

Йиди қурбон кунлари Омонуллохон ўз маршали Шох Валихонни узр сўраш учун менинг олдимга юборди. Мен у оркали Омонуллохонга мактуб йўллаб, ўз миллий либосларимиз ва анъаналаримизни Европа либосларига алмаштира олмаслигимизни билдирдим. Тарихда жуда кўп подшолар либосларни ислох қилмасдан ўз фидокорона ишлари, тадбирлари билан унинг олтин саҳифаларига ўз номларини муҳрлаб кетганлар”.

Амир Омонуллохон ҳукмронлигининг охириги йилларида ички ғалаён ва бўхтонлар авж олди. Хатто Файз Муҳаммадхон Зикриё, амир Хабибуллохон ўғли сардор Хаётуллохон ва Абдурахмоннинг ўғли сардор Муҳаммад Умархон ва бошқалар, шунингдек руҳоний ва уламолар Омонуллохонни ғайри динликда айбладилар.

Бухоро мухожирларидан бўлган машҳур руҳоний халифа Қизил оёқ ҳам Омонуллохонни ғайридинликда айблади. Омонуллохон укаси Иноятуллохонни подшоликка тайинлаб, ўзи эса ёрдам олиш мақсадида Қандахор тарафга кетди. Лекин Қандахор халки уни қўллаб-қувватламади.

Шундан сўнг амир Омонуллохон Хирот, Маймана ва Мозори Шариф халки кўмагига умид боғлади. Агар улардан ҳам ёрдам ололмаса, тарки дунё айлаб Маккаи мукаррамага кетишини эълон этди.

Афсуски, 1929 йил 23 май ярим тунда у Малика Сурайё ва оила аъзолари ҳамроҳлигида мамлакатни ташлаб чиқиб Британия Ҳиндистонига кириб борди. Сўнгра эса Италияга ўтиб, 1960 йилда Цюрихда вафот этди. Укаси Иноятуллохон эса уч кунлик подшоҳликдан сўнг ўз оиласи билан инглиз самолётига ўтириб Британия Ҳиндистонига учиб кетди. У ердан Эронга ўтиб ўша ерда вафот этди.

## АМИР ҲАБИБУЛЛО КИЛКОНИЙ ҲУКУМАТИ

“Бачаи Сако” номи билан машхур бўлган амир Хабибулло Килконий хижрий 1269 (мелодий 1857)-йилда таваллуд топди. Отаси қадимий Килкон кишлоғидан бўлган. Хабибуллохон 1929 йил 19 январда Иноятулло истеъфога чиққандан сўнг ҳокимият тепасига келди.

У тўққиз ой мобайнида шижоат кўрсатиб шарафли ишларни амалга оширди. Дин уламолари аҳкомларини қабул қилиб ўзини “Расулulloҳ динининг ходими” деб эълон қилди. У хамиша “Омонulloҳондек динсиз бўлмаг, Худо ва унинг Расулини танимаган, Қуръон аҳкомларига риоя қилмаган киши шарманда бўлади”, деб таъкидларди.

Амир Килконий истиқлолнинг ўн бир йиллиги муносабати билан Русиянинг Афғонистондаги элчисига берган баёнотида Бухородан рус қўшинларининг олиб чиқиб кетилиши ва Бухорога озодлик берилишини талаб этди.

Амир Килконий Бухоро амирига эркин юришга рухсат берди. Шундан сўнг амир Олимхон истаган жойига бориш, хоҳлаган кишиси билан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлди.

Амир Килконий 300 нафар жангчилар билан Қобулга кириб аркни эгаллади ва ўзини мамлакат подшоҳи деб эълон қилди.

Фулом Набихон Чархий большевиклар лашкари ёрдамида Мозори Шарифга кириб жанг бошлади. Рус самолётлари Мозори Шариф, Балх, Эбек ва Тошқўрғонни бомбардимон қилиб кўп одамларни кириб ташладилар ва Мозори Шарифни эгалладилар.

Амир Хабибуллохон Килконий Шўро аскарларининг Мозори Шарифга кирганлигидан хабар топиб, амир Олимхонга Футух калъасида истиқомат қилаётган Иброхимбек лакайга Саййид Ҳусайн билан биргаликда Мозори Шарифга бориб русларга қарши кураш бошлашга рухсат беришни сўради. Чунончи, унинг ботир, кўркмас, шижоаткорлиги, руслар билан жанг қилиш тактикасини яхши билиши ҳаммага маълум эди. Иброхимбек лакай Саййид Ҳусайн билан Мозори Шарифга равона бўлди.

Мозори Шариф ва Балх аҳолиси уларнинг келишидан илгари русларга ва Фулом Набихон Чархийга қарши чиқиб уларни қочишга мажбур қилди. Рус лашкарларининг бир гуруҳи Иброҳимбекка қарши отланиб, икки ўртада бўлиб ўтган шиддатли жангларда ундан енгилдилар ва Амударёнинг нариги қирғоғига чекиндилар. Иброҳимбек лақайнинг шимолга келиши вазиятнинг яхшиланишига олиб келди.

Амир Олимхон Қобулга келган илк даврида Афғонистонга келиб ўрнашиб олган 100 минг аҳоли аста-секин Иброҳимбекка эргашиб большевикларга қарши кураш олиб бориш учун унинг атрофига жипслаша бошлади. Иброҳимбекнинг Афғонистонда обрўи орта бошлади. Талкон мавзеи марказга айланди. Амир Хабибулло Килконийга рағбати бўмаган инглизлар уни ҳокимиятдан четлаштиришга ҳаракат қила бошладилар.

Францияда яшаётган генерал Муҳаммад Нодиршоҳни Британия Хиндистонига таклиф қилиб, уни амир Килконий ўрнига подшоҳ этиб кўтармоқчи бўлдилар. Шу мақсадда унга харбий ёрдам ва пул бериб Қобулга узатдилар. Лекин аҳоли уларни қўллаб-қувватламади.

Бироқ Британия ва Рус давлати тинч турмасдан, Килконий ҳукуматига қарши фаолият олиб бордилар.

Британия ҳукуматининг қуролли ёрдами билан генерал Нодиршоҳ шиддат билан жанг бошлаб Қобул аҳолисига кўп талафот етказди. Кечкурун эса аркни тўлга тутди.

Амир Килконий эса ўз оиласини махфий йўл орқали арк ташқарисига олиб чиқиб қўйиб, ўзи жангни давом эттирди. Муҳолиф сув, озик-овқат тугагач амир Килконий таслим бўлади деган фикрда сув ва озик-овқат йўлларини тўсиб қўйди. Сулх тарафдорлари ўртага тушиб, амир Килконий аркдан ташқарига чиқаётганда ҳеч ким монетьлик қилмаса, у жангни тўхтатади деган шартни қўйдилар.

Шартга амал қилиб Килконий уруш ҳаракатларини тўхтатди ва ўз туғилган жойига қайтди. Лекин Нодиршоҳни Қобулдан хайдаб чиқариш фикри уни тарк этмади.

Шу пайт уламо ва руҳонийлар томонидан ёзилган бир мактуб Нодиршоҳ орқали Хабибулло Килконийга етиб келди.

Мактубда қаршилик кўрсатиш ва уруш ҳаракатларини тўхтатиш, Қобулга қайтиш, ўзи ва атрофидагиларга омонлик бериш талаблари илгари сурилган эди. Бу талаблар Қуръони карим хошиясига ёзилиб, Муҳаммад Нодиршоҳ имзоси билан юборилди. Килконийга бу талаб ва келишувга ишонмаслик ва рози бўлмаслик тўғрисида маслаҳат берилганлигига қарамай, у Қобулга қайтди. У Қобулга қайтгач, унинг ўзини ва хамриқобларидан (яқинларидан) ўн етти кишини ҳибсга олдилар. Нодиршоҳ ўз қасамини бузиб ва ваъдасига амал қилмай уларнинг барчасини қиличдан ўтказди. “Бачаи Сако” номи билан маълум бўлган амир Килконийнинг тўққиз ойлик ҳукмронлиги яқун топди.

## ОЛИЙҲАЗРАТ МУҲАММАД НОДИРШОҲ ҲУКУМАТИ

Муҳаммад Нодиршоҳ хижрий 23 мезон ойида, мелодий 1929 йил ҳукуматни қўлга киритди. Тахтга ўтиргач куйидаги баёнотни эълон қилди: “Азиз биродарларим! Мен сизларни ишонтираманки, бизнинг ҳукумат одилона сиёсат юргизади, золимларнинг мазлумларга зулм-ситам қилишига йўл қўймайди. Ишсизлик ва қашшоқликни таг-туби билан йўқотамиз. Халқнинг зўрлаб олинган мулклари ўз эгаларига қайтарилади”.

Муҳаммад Нодиршоҳ ўз ҳукмронлигини бошлагач, укаси Муҳаммад Ҳошимхонни бош вазир, Шоҳ Маҳмудхонни эса ҳарбий министр этиб тайинлади.

Нодиршоҳ Британия Ҳиндистонига қарашли Дирадун шаҳрида 1882 йил таваллуд топди. Муҳаммад Ҳошимхон то Муҳаммад Зоҳиршоҳ давригача шу лавозимни, яъни бош вазир лавозими эгаллаб турди. Шу давр ичида у халқнинг мол-мулкига қўл чўзиб катта бойлик тўплади. Хорижда Афғонистоннинг қимматбаҳо тошлари билан безатилган каср қурдирди. Айтишадикки, у ўз бойликларини хорижга кўчириб, сармоядорлик қилди. Унинг золимонга юриш-туришидан баён қилмаган ҳеч ким йўқ.

Олийҳазрат Нодиршоҳ Афғонистонда уч йилу тўрт ой ҳукмронлик қилиб, шу давр ичида афғон халқи ва миллати учун

катор фойдали ишларни амалга оширди. Сир эмаски, Нодиршоҳ Британия давлати кўрсатмаси ва унинг ёрдамида Афғонистонга кириб ҳокимиятни эгаллади. Нодиршоҳнинг Русия коммунистик давлати билан олиб борган алоқалари биринчидан, эҳтиёткорлик юзасидан Афғонистоннинг ички тинчлигини таъминлашга, иккинчидан, Афғонистонга коммунистлар тажовузининг олдини олишга қаратилган эди. Нодиршоҳ замонида Афғонистон билан Британия Ҳиндистони ўртасида битим имзоланиб, унга мувофик, икки давлатдан бирининг учинчи давлатга қурол сотиши тақиқланди. Афғонистон билан Русия тупроғидан қурол-аслаҳа транзит савдоси учун фойдаланиш ман этилди. Битимга кўра, Иосиф Сталин Бухоро амирининг Эрон, Ҳиндистон ва бошқа хорижий эркин бозорлардан қурол сотиб олишини чеклаш имконига эга бўлди. Қахрамон курашчи Иброҳимбек эса, қурол-аслаҳа олишга мунтазир бўлиб кун санарди. Баъзиларнинг фикрича, Сталин Нодиршоҳ миясига Иброҳимбек Бухоро ва Афғонистонни ишғол қилиб Бухоро амирини икки давлат ҳукмдори этиб кўтармоқчи, деган фикрни қуярди. Халқ орасида ҳам шундай миш-миш юрарди.

Шоҳ Омонullo ва Нодиршоҳнинг Бухоро амири билан алоқалари зоҳиран дўстона ва самимий бўлсада, лекин Бухорони озод қилиш ва Бухоро мужоҳидларига ҳарбий ёрдам бериш масаласида улар томонидан амалий фаолият кўрсатилмади.

Амир Олимхон миллат орзу мақсадини амалга ошиши учун ҳеч нарсани аямасди. Шунинг учун қимматбаҳо тошлар билан безатилган бир дона тожни Олийҳазрат Нодиршоҳга совға қилди.

Муҳаммад Нодиршоҳ тарихий хиёнатга қўл уриб Иброҳимбек билан ҳамкорлик қилаётган мужоҳидларни Афғонистондан чиқарди ва уларни коммунистлар қўлига топширди. Бу ҳаракати билан Иброҳимбекнинг қатл этилишига сабабчи бўлди. Шундан сўнг Муҳаммад Нодиршоҳ руслар ва Сталин режими билан ҳамкорлик қилиб Мовароуннаҳр мужоҳидларининг Афғонистон билан алоқа йўлларини кесиб қўйишга ҳаракат қилди. Муҳаммад Нодиршоҳ ўз тож-тахтини муҳофаза қилиш ва русларни хурсанд этиш учун Иброҳимбекни 2 минг мужоҳидлари билан тутиб қолхўр Сталин режимига

топширди. Мужохидлар фаолияти кундан-кунга пасая бориб, уларнинг рахбарлари аста-секин курашдан қўл торта бошладилар ҳамда шахидлик шарбатини ича бошладилар. Бухоро, Ўрта Осиё ва ҳатто Афғонистон тарихида ҳам номи олтин ҳарфлар билан ёзилган генерал Иброҳимбек лақай ҳам шахидлик шаробини тортиди.

Иброҳимбек лақайнинг машҳур ҳарбий саркардаларидан бири, Бухородан Қобулгача. Қобулдан Талқонгача генерал Иброҳимбекка ҳамроҳ бўлган, унинг шох Муҳаммадхон билан Қатағон ва Бадахшонда, шунингдек Амударёнинг нариги томонида руслар билан олиб борган жапнглари шохиди Момо Исмоил ўз хотираларида шундай ёзади: “ Даран суф” деган жойдан русларни ҳайдаб чиқаргандан сўнг, генерал Иброҳимбек ислом фидойиларини тўплашга киришди ва қиска муддат ичида унинг атрофига қўплаб фидойилар тўпланди. Биз ватанимизни озод қилиб подшоҳимизни ўз ватанига қайтариш учун қўлимизга қурол олиб курашга отландик. Оддий қуроллар билан қуролланган халқ ҳам бизга қўшилди. Амир Олимхон тарафидан ташланган қўшимча ҳарбий кучлар большевикларни саросимага солиб қўйди. Шундан сўнг бир неча нафар русларга ўзбекона либос кийдириб Амударёнинг бу тарафига юборишди. Улар тун қоронғилигидан фодаланиб ўғрилиққа қўл уришди. Ўзлари қилган ўғрилиқ ва талончиликларни Иброҳимбекнинг одамларига тўнкамоқчи бўлдилар. Улардан икки нафари қўлга олиниб ўз қилмишларига иқрор бўлишгач эртаси куни барчанинг олдида қатл қилинди.

Амир Олимхоннинг Иброҳимбек лақайга мактуби.

“Менга маълум бўлдики, Иброҳимбек одамлари аҳолининг мол-мулкини зўрлаб олиб, уларга озор етказмоқда. Бундай вахшиёна ҳаракатга ҳукумат албатта тоқат қила олмайди. Лекин мен ўйлайманки, бу маълумотлар ҳақиқатга зиддир. Қилинган ўғрилиқ ва талончилик русларнинг иши, зеро, улардан икки нафари қўлга олиниб ўз жазосини олди. Большевиклар биз билан афғон шохи ўртасидаги илик муносабатларга раҳна солмоқчилар. Давлат маъмурлари Амударёнинг нариги тарафига қурол юборишни яна маъмурлар қилдилар. Бундай воқеалар бошқа такрорланмаслигига умид



киламан”.

Момо Исмоил кўзларида ёш билан куйидагиларни баён қилади. : “ Генерал Иброҳимбек амир Қилқоний томонидан ваъда қилинган ҳарбий ёрдамга умид қилиб Талқонни ўз фаолият марказига айлантирди. Мужоҳидларни Ҳамиёбдан то Ҳоконгача Амударёнинг сохилларига жойлаштирди. Уларни ҳарбий ишларга, жанг қилишга ўргатиш учун ўнгбоши, юзбоши, мингбоши ва кешикчибоши(навбатчи) тайинлади ва умумий раҳбарликни ўз қўлига олди. Руслар афғон ҳукуматига Иброҳимбек лақай кучлари Бадахшон, Ҳокон, Дарвоз, Тахор, Дарқад, Хўжағор, Балх вилоятига қарашли Чоҳ об, Русток, Қандаҳор вилоятига қарашли Шўртепа , Тожғузар, Ҳазрат Имом, Қалъаизол ва Окмасжид, Самангон вилоятига қарашли Бандар, Ҳайратон ва Халам , Журжон вилоятига қарашли Ҳамиёб, Келиф ва Қирқийни эгалладилар, деган маълумот бердилар. Агар жиддий тадбир қўрилмаса, сизлар учун хатарли оқибатлар юз бериши мумкин, деб ҳукуматни саросимага солиб қўйдилар”.

Афғон ҳукумати Иброҳимбек ва мунтазам ислом лашкарларини тор-мор қилиш учун 1930 йил январ бошларида Алиобод-Қундузда марказ ташкил этди. Иброҳимбек афғон мусулмон биродарларига қарши жанг қилмоқчи эмасди. Бу тўғрида у очик равишда шундай эълон қилди:” Биз сизларга қарши қурол кўтармаймиз. Бизнинг ва сизларнинг муштарак (умумий) душманимиз рус большевикларидир. Уларни даф қилиш учун қўлни-қўлга берайлик”. Афсуски, афғон қўмондонлари руслар фитнасига учиб Иброҳимбек лақайни яккалаб қўйишга ва унинг қўшинига талафот етказишга киришдилар. Иброҳимбек мудофаага ўтишга мажбур бўлди ва Қобул лашкарларини орқага чекинишга мажбур қилди. Афғон ҳукумати бу шармандали мағлубиятдан хабардор бўлганидан сўнг шох Муҳаммадхон сардорни мунтазам қўшин билан 1930 йил ноябр бошларида “Ислом лашкарлари” ни тор-мор қилишга сафарбар қилди. Амир Олимхон куйидаги мазмунда мактуб йўллади: “ Иброҳимбекни азалдан иззат-хурмат қиламиз, у бизга қўшилсин, агар бизга қўшилишни истамаса муносабатларимиз ёмонлашмасдан жангни тўхтатсин”. Амир Олимхон ушбу

мактубни Азим Хўжа ва лақай уруғидан бўлган тўрт ўзбек хамрохлигида Иброҳимбекка юборди. Иброҳимбекнинг жавоби унинг ҳарбийларидан бири ва ҳозир ҳам ҳаёт бўлган Ҳожи Вафо томонидан қуйидагича баён этилади:

“Олийҳазрат! Мактубингиз етиб келди. Худога шукрки, валинеъматимиз сиҳат-саломатдирлар. Жаноб олийлари биласизки, бу кулингиз ҳамон руслар билан жанг ва жиҳод қилмоқда. Афғон шоҳи бизни ўз томонига таклиф қилганидан жуда мамнунман. Биз жиҳод билан машғулмиз ва то шаҳид бўлгунимизча жиҳод қиламиз ва жангни давом эттираемиз. Умид қиламизки, афғон шоҳи ўзининг мовароуннаҳрлик биродарларига ёрдам беради ва ғалаба тезроқ қўлга киритилади. Жаноби олийлари яхши биласизки, биз омонлик давридан то ҳозирга қадар Афғонистонда аччиқ воқеаларни бошдан кечирдик. Энди эса қулай фурсатни қўлдан бой бермасдан жиҳодга қўл урайлик. Агар Москванинг Афғонистондаги хизматкорлари ўз нуктаи назарларини Қобул ҳукуматига қабул қилдирмоқчи бўлсалар, биз улар билан алоқа қилмаймиз. Хотимада ўз валинеъматимизга саодат ва муваффақият тилаб қоламиз.”

Мухаммад Нодиршоҳ ва бош вазир Мухаммад Ҳошимхон фармони билан ҳарбий министр сардор шоҳ Мухаммадхон бошчилигидаги яхши қуролланган қўшинлар мамлакатда тинчлик ўрнатиш баҳонасида, аслида эса Иброҳимбекни тор-мор этиш мақсадида Қобулдан Тахор тарафга, яъни Иброҳимбек марказий кучлари жойлашган томонга қараб ҳаракат қилдилар. Айтиш жоизки, рус большевиклари ҳам уларга қурол ва бошқа нарсалар билан ёрдам бердилар.

Иброҳимбекка қарши шиддатли ҳужум бошланди. Натижада Афғонистоннинг шимолидаги кишлоқлар вайрон этилди, тинч аҳоли қириб ташланди. Қобул ва рус қўшинлари томонидан аҳолининг мол-мулки талон-тарож қилинди. Иброҳимбек қўшинларининг шиори “Ғалаба ёки ўлим” эди. Улар тоғ ораларига яшириниб олиб, рус лашкарларига зарба берардилар. Нодиршоҳ амир Олимхонга қуйидаги мазмунда мактуб йўллади: “Саломдан ва яхши тилаклардан сўнг жаноб олийларига шуни маълум қиламанки, Афғонистоннинг шимолий сарҳадларида вазият оғир. Афғонистон ҳукумати бунга тоқат қила олмайди. Сиз

Иброҳимбекка жанг ҳаракатларини тўхтатиш ва вазиятни юмшатиш тўғрисида фармон беринг”.

Амир Олимхон Иброҳимбекка қуйидаги мактубни йўллади:

“Алҳамдулиллоҳ раббил ул-оламин. Ватан руҳи сизнинг дўстингиз-хамроҳингиз, у мисли офтоб сингари равшандир ва у ҳаммага маълумдир. Бизинг курашимиз ватан озодлиги ва Бухоро халқининг поймол бўлган ҳақ-ҳуқуқларини қайтаришга қаратилган. Бундай муқаддас вазифани сиз бир ўзингиз адо этмоқдасиз, ватан озодлиги учун хизмат қилмоқдасиз. Бу хизматингиз албатта Мовароуннаҳр тарихи саҳифаларига ёзилгай. Ватан ишки учун ўз жонларини фидо этаётганларга салом йўллаймиз. “Худо йўлида ҳалок бўлганлар Парвардигор олдида тирикдурлар ва Худо уларни ўз раҳматига олгай (Қуръон, Оли имрон сураси 169-170 оят).

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, русларнинг ваҳшиёна ҳамлалари оқибатида Афғонистоннинг шимолидаги фидойилар шахид бўлдилар. Уларнинг сони кундан-кунга орта бошлади. Бу гуноҳларга Қобул давлати ҳам қўл урди. Биламизки, жанг Афғонистонда истиқомат қилаётган мовароуннаҳрлик биродарларимизга ҳам кўп фожиалар келтирди. Бу беғуноҳ аҳолини кутқаришнинг шарти Сизнинг Афғонистон ҳудудидан чиқишингиз ҳисобланади. Нодиршоҳ ҳукумати ҳам шуни истайди. Мен биламанки, бу амр фидойилар қўшинларини тарқатиб юборишга қаратилган. Лекин жангнинг давом эттириш ҳам хатарли оқибатларга олиб келади.

Биз Сизга Мовароуннаҳр қахрамони сифатида қараймиз. Амударёнинг нариги тарафида кўзғолонга тайёргарлик кўраверинг. Сизга зафар ёр бўлишини Худодан тилаймиз. Омин.

Сайид Олимхон”.

Қобул ҳукуматининг рус коммунистларининг қўллаб қувватлаши билан Афғонистоннинг шимолига қилган ваҳшиёна ҳужуми барча кирғин-баротларга сабаб бўлди. Қобул ҳукуматининг большевиклар тарғиботига учиб ислом фидойиларига нисбатан қилган бундай катта хатосини тарих унутмайди.

Генерал Иброҳимбекнинг Мовароуннаҳр ва Афғонистонда олиб борган жанглари большевиклар ҳамда алданган Омонуллоҳон ва Нодиршоҳ режимига қарши қаратилган эди. Ҳозиргача бутун жаҳонда устивор бўлган Бухоронинг номи бундан кейин ҳам яшайверади ва келажак насллар ўз ватани Бухоро учун жонларини аямайдилар. Туркистон халқининг ижтимоий ҳаёти зулмат ичра йўқолиб хотирадан фаромуш бўлмайди, балки субҳи содикдек порлаб туражак. Ватан, унинг шукухи, улғуворлиги, маданияти, хайбати гарчи коммунистлар қўлига тушиб қолган бўлсада, лекин туркистонча инсонпарварлик, ватанпарварлик, садоқатлилиқ халқ орасидан кўтарилмади.

## МУЛЛО ИБРОҲИМБЕК ЛАҚАЙНИНГ ШАҲИД БЎЛГАНИ

Руслар Иброҳимбекнинг Афғонистон халқи билан алоқаси катта хавф туғдиришини ҳис этардилар. Шунинг учун жосуслик қуроллари воситасида ўз мақсадларини амалга оширишга киришиб, Англия ва Россия каби қудратли давлат ўртасида қўғирчоқ бўлаётган Афғонистон вақтли ҳукуматидан бу йўлда фойдаланмоқчи ва ислом курашчиларини қўлга киритмоқчи бўлдилар. Натижада Иброҳимбек Панж дарёсидан ўтиб Афғонистоннинг шимолига қараб чекинишига мажбур бўлди ва большевиклар қўлига тушиб қолди.

Афғонистон Туркистонда яшаётган мовароуннаҳрлик муҳожирлар шўролар давлатига қарши фаолият олиб борардилар. 1930 йил июн ойида қизил шўролар армияси лашкарларидан бир гуруҳи шу муҳожирларни таъқиб этиш учун Афғонистон тупроғига кирди. 40 ми.л ичкарига юрди. Бу ходиса афғон ҳукуматини муҳожирлар ҳаракатини назорат қилишга мажбур этди.

Афғонистон ҳукумати ҳарбий министр шох Махмудхонга Иброҳимбек бошчилигидаги муҳожирлар исёнини бостиришга фармон берди. У 1930-1931 йил кишида қор билан қопланган Қутвал Ховокдан ўтиб Иброҳимбек билан шиддатли жанг бошлади. Сўнгра эса Амударёдан ўтиб шўролар тупроғига кирди

хамда қизил аскарлар ҳарбий штабига келиб улар билан ҳамкорликни давом эттирди.

Генерал Иброҳимбек исёни тугагач, шимолий вилоятларда Шох Маҳмудхоннинг бефойда жанглари ҳам хотима топди. Рус ҳарбийлари жанг майдонини душмандан холи кўриб Афғонистон шимолида, ўз ватанидан узоқда яшовчи муҳожирлар бошига кулфатлар сола бошладилар. Бирор киши “Ўз озодлиги учун курашаётган мусулмон биродарларимизни нега ўлдирасизлар?”, деб айтишга журъат этмасди. Афғонистоннинг биргина Толкон вилоятида 4 минг киши шаҳид бўлди. Ҳа, Нодиршоҳ ҳукумати катл бозорини большевик дўстлари учун очиб қўйди.

Муаллифнинг мақсади қаҳрамон Иброҳимбек тўғрисида батафсил бирор нарса ёзиш эди. Лекин афсуски, Туркияда бу борада зарур материаллар топа олмадим. Барчага маълумки, Иброҳимбек номи тарихда эхтиром ила тилга олинади.

## ГЕНЕРАЛ ИБРОҲИМБЕК ЛАҚАЙ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Чаккабойнинг ўғли Мулло Иброҳимбек 1889 йил Бухорога қарашли Кўктош қишлоғида туғилди. Отаси машҳур лақай қавмидан эди.

Бу довюрак сардор 1920-1932 йиллардаги жангларга раҳбарлик қилди. Унинг хизматлари барчага маълум. У ҳақиқий, соф ватанпарварликни севарди. Фидойи генерал асраб олган кизи Нодира билан Панж дарёсидан у тарафга ўтди. Нодира тақдири узун дostonдир. Нодиранинг ота ва онаси Амунинг у тарафидан келган эдилар. Чегара атрофларида бўлиб ўтган жангларда бошқалар сингари Нодиранинг ота-онаси ҳам шаҳид бўлишди. Нодира эса бошқа шижоатли аёллар сингари ислом лашкарларига қўшилди. Генерал Иброҳимбек эса бу шижоатли кизни фарзандликка олиб унга оталарча меҳрибонлик кўрсатди. Нодира жуда довюрак бўлиб ўлим ва ўлдиришдан қўрқмасди. Айтишларича, бир куни генерал Иброҳимбек ундан сўради: “Аскарнинг олға кетиши нимадан?”. Қиз жавоб берди: “Китобда ўқиган эдим, турмоқ имон ва умиддан, қочмоқ ноумидлик ва хасталиқдандир”. Иброҳимбекка кизнинг бу жавоби жуда ёқди ва

ўз тўппончасини унга совға қилди. Иброҳимбек Нодира билан биргаликда Амударёнинг бериги тарафида 1931 йилнинг июн ойига қадар коммунистлар ҳукуматига қарши кураш олиб борди. Иброҳимбек Кофирон дарёси қирғоғида жойлашган Хўжа Булбулон қишлоғида 1931 йил июн ойида большевиклар қўлига тушди ва O.G.P.U. номли махбус сифатида Тошкандга жўнатилади. 1932 йилнинг августида 43 ёшида дорга осилди. Афсуски Нодиранинг кейинги тақдири тўғрисида маълумот йўқ.

Қобул ҳукумати Иброҳимбек оила аъзоларини бир неча йил Ҳамадон Шох шаҳид қалъасида ҳибсда сақлади.

## ОҚСОҚ ҚАРВОН

Амударёнинг нариги тарафига, яъни Бухорога қурол жўнатишга рухсат олиш учун амир Олимхон Нодиршоҳга “Энг улуг умид совғаси” номи билан Расуллох (А.С.)нинг муборак сочларини узатди\*.

Амир Олимхоннинг Нодиршоҳ ҳукуматига ҳажга боришга рухсат бериш тўғрисида қилган илтимоси ҳам қондирилмади. Турли баҳоналар қилиб унга рухсат беришмади.

Амир Олимхон Байтуллохга бориб ғурбатлардан, бегоналиклардан, душманлардан, гиналардан, номардликлардан, ҳаёт қийинчиликларидан, қаҳр-ғазаблардан нолимоқчи, дард-ҳасратларини, Бухоро озодлиги, миллат озодлигини сўзламоқчи эди. Лекин унинг сабр-бардошдан бошқа чораси йўқ эди. Умрининг охиригача Футух қалъасининг тўрт девори ичидан ташқари чиқа олмаслигини биларди.

Ёш Бухоро коммунистлари ҳам, Нодиршоҳ ҳукумати ҳам бойлик, молу давлат тўплашга интиларди, шуҳрат орттиришни истарди, ислом дини душманлари билан ҳамкорлик қиларди.

Муҳаммад Нодиршоҳ Фулом Набихонни Дилкушо қасрида ўлдириб мол-мулкни мусодара қилди. Болаларини ҳибсга олди. Муҳаммад Нодиршоҳ 1933 йил 8 ноябрда қатл этилди. 19 ёшли ўғли Зоҳиршоҳ Афғонистон тахтига ўтирди.

\* ) Аҳмад ибн Маҳмуднинг “Қитоби Муллозода” асарида қайд этилишича, пайғамбарнинг бир неча муборак соч толаси Бухоро молорларида жойлашган. Қараг: Гафурова Р.Л. Қитоби Мулла-заде. Ташкент, 1992, 54-55 бетлар. (Х. Тўраев)

Лекин бутун ҳокимиятни унинг амакиси Муҳаммад Хошимхон ўз кўлига олди.

## ФУТУҲ ҚАЛЪАСИ ДЕВОРЛАРИ ОРТИДА

Муҳаммад Зоҳиршоҳ коммунистлар билан алоқа ўрнатиб Амударёнинг икки тарафидаги мухожирларнинг ўзаро алоқаларини чеклаб қўйди.

Амир Олимхон шароитнинг қийин бўлишига қарамасдан ўз фарзандлари ва атрофидаги кишилар фарзандларининг саводли бўлиши, илм олиши учун қайғурарди. Футуҳ қалъаси ичида диний илм даргоҳини очди. Инглиз, урду тилларини ўргатиш учун Британия Ҳиндистонининг Муробод шахридан бўлган Хўжа Раҳматулло ва унинг укаси Хўжа Кароматулло исмли икки нафар ўқитувчини ёллади. Инглизлар Футуҳ қалъасида ўз жосуслик фаолиятларини шу икки нафар ўқитувчи орқали амалга оширмоқчи бўлдилар. Бу икки киши тил ўргатувчи муаллим ниқоби остида амирнинг кундалик фаолиятини кузатиб борарди. Ўша кунларда буларнинг жосуслиги ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди. Лекин кейинчалик “Ака мулло” таҳаллуси билан машҳур бўлган Умаржон исмли Британия Ҳиндистони мактаби ўқувчиси орқали жосуслик ошкор бўлди. Оғо Муҳаммад исмли кимса эса, “Даривар” номи билан кўп йиллар амир Олимхон хузурида инглиз жосуси сифатида фаолият кўрсатди. Унинг онаси эса ўғли сингари амир ҳарамиде кечаётган воқеалар тўғрисида керакли жойларга маълумот бериб турарди. Оғо Муҳаммадхон ўз оиласи билан Британия Ҳиндистонига кетгунга қадар бу кимсанинг қаердан келганлиги, нима билан шуғулланишини ҳеч ким билмасди.

Қийинчиликларга қарамасдан амир Олимхон ҳамриқоб-лари фарзандларини илм нуридан баҳраманд қилишга ҳаракат қилди.

Марказнинг йирик футбол командаларидан бири Футуҳ қалъасига ташриф буюриб, бу ерда “Турон” футбол командаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Амир Олимхон тарафидан уларга совғалар улашилди.

Мавзунини боғлаш учун шуни қайта эслатиб ўтмоқчимизки,

Ҳожи Мирзо девонбеги томонидан Бухоро давлати хазинасидан олинган уч дона қимматбаҳо жавохирларга эга бўлган мурасса тож Муродбек қалъасига олиб келиниб амир Олимхонга топширилган эди. Амир Олимхон Амударёнинг бу томонига қурол узатишга рухсат олиш учун тожлардан бирини амир Омонulloхонга, иккинчисини Муҳаммад Нодиршоҳга ҳадя қилди. Учинчи тожнинг пулини Афғонистон, Эрон, Ҳиндистоннинг контрабанда бозорларидан қурол-аслаҳа, порох ва бошқа жанг анжомларини сотиб олиш учун сарф қилди. Амир Саййид Олимхон хали 1914 йилдаёқ ўз кишилари Тўрақул, Қори Мизроб ва Қори Муҳаммадлар орқали 13 минг 500 дона қоракўл терини Британия Ҳиндистонига юборган эди. Афғонистонга келгандан сўнг эса Ҳожи Исмоилбек ва Тўрақулни қоракўл териларини сотиш бўйича ваколатли шахслар сифатида Лондонга жўнатди. Бу тўғрида Англиянинг Қобулдаги доимий элчиси томонидан тасдиқланган рухсатнома ҳам олди. Қоракўл терилар Лондонда 17500000 хинд рупиясига сотилди. Шу пул маблағининг 27930,2,9 пенс шанг фунти Лондоннинг Grind Lays Bank P.I.C. банкига амир Саййид Олимхон номига ўтказилди. Ҳозир ҳам унинг номида турибди ва узоқ йиллар унинг номида туради.

Амир Олимхоннинг ўғиллари неча бор Лондон ва Покистонга мурожаат қилиб, ўз ҳаққоний пулларини қайтаришни сўрашди, лекин бу пуллар қайтарилмай ханузгача ҳавода муаллақ турибди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, амир Олимхонга Макка зиёратига боришга рухсат берилмади. Муҳаммад Зоҳиршоҳ замонида эса унинг ўғилларига Покистонга боришга рухсат этилмади. Шу ўринда баъзи хулосаларни баён этмоқчимиз. Амир Олимхоннинг Пешовардаги мухтор вакили Тўрақул вафот этгач, бир гуруҳ хайрихоҳлар Қобулга, амир Олимхон ўғилларига телеграмма юбориб, уларни амир Олимхон номидаги барча кўчмас ва кўчар мулкларни топшириб Пешоварга келишга даъват этдилар. Шу тариқа Бухоро амири ўғилларидан икки нафари Афғонистон ташқи ишлар вазирлигига ариза билан мурожаат қилиб, мамлакатда чиқиб кетишга рухсат беришларини сўради.

Ўша даврдаги Афғонистон ташқи ишлар вазирлиги сиёсий бўлими мудири Нажибуллохон амир Олимхоннинг ўғилларини



ташки ишлар вазирлигига чакириб шундай деди: “Афғонистон ҳукумати сизларни Покистонга кетишингизни муносиб кўрмайди. Сизлар бизнинг Пешовардаги доимий мухтор консулимиз бўлишингиз мумкин. Агар рози бўлмасангиз мамлакатдан чиқиб кета олмайсиз”.

Амир Олимхон сабрни шиор айлаб ватандан йироқда кечаётган ғурбат ва мусибатларга бардош берди. Бутун вужудини ўз ватанига ва ватандошларига бағишлади. Ватанга қайтишнинг иложи йўқлигини яхши биларди, бундан умидини ҳам узганди. Лекин бир кун келиб ватани озод бўлишдан умидини узмаганди.

Амир Олимхон ватан дард-ҳасратида йиғлайвериб кўзи хиралашди, бора-бора ожиз бўлиб қолди, қадди букилди.

Амир Олимхон Футух қалъасида узок давом этган оғир хасталикдан сўнг, одамларга қўшилмайдиган бўлиб қолди, хафталаб саройдан ташқарига чиқмасди.

Қори Муҳаммад Хошим Шоик Бухорий амир Олимхоннинг зиёратига тез-тез бориб турарди ва “Бедилхонлик” ташкил этарди. Устод Шоик Бухорий Бедилнинг таваллуд топган куни муносабати билан ўз хонадонида тўпланган зиёлиларга шундай деган эди: “Амир Олимхоннинг етти пушти подшо ўтган, мазаҳиби суннийлик, бу хонадон илоҳий адолат салтанатини ўрнатди. Амир Олимхон фузало, донишмандларга катта эҳтиром кўрсатарди. Халқ ўртасида обрў-эътиборга эга эди. Мулозимларидан бирортасининг шикоят қилганини эшитмадим. Уламо, фуқароларга таъзимда эди. Улар яхши билишадикки, Бухоро амири Афғонистонда Бухоро озодлиги учун курашяпти. Биз унинг хизматларини доимо ёдда сақлаймиз, умид киламанки бошқалар ҳам ёд этадилар. Мен амир Олимхон мухлисларидан бириман ва у билан фахрланаман”.

Шоик Бухорий адолат, ҳақиқат, озодлик ошиғи эди. Меҳмон учун хонадони эшиги доимо очиқ эди. Адабиёт илмида соҳиби камол эди. Шунингдек замонавий сиёсий тарих, фалсафа, ҳуқуқ, адабиёт, иқтисод фанларидан таҳсил олди. Устод Хошим Шоик Бухорий Афғонистонга келишини қуйидагича ёзади: “Руслар Афғонистонга келишимизни ман қилган эдилар, лекин мен Афғонистон тарафдан ҳаракат қилдим. У вақтда Бухоро халқ жумҳурияти харбий вазир муовини эдим”.

Устод Хошим Шоик Бухорий шундай дерди: “Янги ташкил топган Бухоро жумхуриятига назар ташлайдиган, унинг фаолиятини танқид остига оладиган бирор киши йўқ эди. “Ёш бухороликлар” Бухорони остин-устин қилдилар. Бизларни сотдилар, истиқлолимизни сотдилар, мамлакат тарихини, тарихий ифтихоримизни сотиб большевиклар билан яқинлашдилар, уламоларни, шоирларни, саййидларни, хўжаларни қатл этдилар. Мен бу воқеаларни кўриб чидаб тура олмадим, бу хунрезликлар иштирокчиси бўлишни истамадим ва ўзимни орқага тортдим”.

Шоик афанди, яъни Хошим Шоик Бухорий янги Бухоро жумхурияти коммунистларининг Афғонистондаги биринчи элчиси эди. У Афғонистонга келгандан сўнг Бухоро коммунистлари билан алоқани бутунлай узди.

Шоик Бухорий Афғонистон маорифи учун катта хизматлар қилди. У Афғонистон маорифи вазири даражасига кўтарилди. 1935 йил хижрийда 70 ёшда вафот этди. Унинг шахсий кутубхонасида жуда кўп нодир китоблар сақланарди. У вафот этгач, кизи Нафиса китобларни маориф вазирлиги кутубхонасига топширди. Китоблар ҳозир ҳам шу ерда сақланаяпти.

Амир Олимхон ўзига мерос қолган барча мулкларни, миллион-миллион долларларни хорижий банкларга қўйди.

Амир Олимхон меҳмонхонасида хизмат қилган Абдурахимхон ўз хотираларида шундай ёзади: “Амир Олимхон меҳмонхонасига доимо аҳли илм, фузало, шоир, адиблар, сўфий ва машшоқлар ташриф буюрардилар. Саййид Олимхон одил, динпарвар подшоҳ эди. Хаттотлик илмини яхши биларди, хушхат эди. Ҳарбий илмдан яхши хабардор эди. Ўзбек, форс адабиётини яхши биларди. Шеърятни севарди. Бедил шеърларини кўп мутолаа қиларди. Ҳадис ва ҳикмат илмини ҳам биларди. Умрининг охиригача ўз либосини ўзгартирмади.

Амир Олимхоннинг шундай деганини эшитганман: “Гарчи бир гуруҳ ватанпарварлар ватандан йироқда яшасаларда, уларнинг орзу-умидлари тирик. Баъзида ҳаёлимга бир фикр келади: “Бухоронинг шукухи ва шодлиги, маданияти албатта қайтиб келади, у ўз озодлигини қўлга киритади”.

Амир Олимхон иккинчи жаҳон уруши йилларида Афғонистон давлат вазири бўлган Аҳмадшоҳга шундай деган эди: “Афғонистонга келганимга 23 йил бўлди. Шу давр ичида кўп ғурбат ва мусибатларни бошдан кечирдим. Лекин ватан ёди бир муддат ҳам калбимни тарк этмади. Ватан ёди билан яшадим ва ватан ёди билан ўламан. “Амир Олимхон қўлидаги қимматбаҳо зуғуни Аҳмадшоҳга совға қилган эди.

## ТУРКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА

Германия Русия тупроғига бостириб киргач, Туркистон халқига ўз озодлигини қўлга киритиш учун имкон пайдо бўлди. Афғонистон Туркистони халқлари ҳам вақтни фанимат билиб аллома Саййид Мубаширхон Тарозий раҳбарлигида озодлик курашини бошладилар. Бу аллома ҳаёти тўғрисида унинг катта ўғли Саййид Насруллохон Тарозий ўзининг “Жаҳон зиндони” китобида қуйидагиларни ёзади: “Тарози бошланғич таълимни Тароз (ҳозирги Қозоғистонда) шаҳрида олди. Сўнгра бухоролик уламо шайх Бахрониддин қўлида тафсир ва ҳадис, мантик, араб адабиётидан таҳсил олди ва аллома даражасигача кўтарилди. Коммунистик инкилоб бошлангач, хижратни ихтиёр айлаб Бухородан Афғонистонга келди”.

Амударёнинг бу томонида истикомат қилаётган эркпарвар ва зиёлиларни Саййид Мубаширхон ўз атрофига тўпланиб Афғонистонда мужоҳидлик ҳаракатини бошлади. Амир Олимхон ҳам бу ҳаракатга қўшилди.

Саййид Мубаширхон тез орада ўз атрофига туркман, лақай, ўзбек, тожик қавмларини тўплади ва Амударёнинг нариги томонига ўтиб жиҳод бошламоқчи бўлди. Улар ёндилар, лекин шуълаларини сақлаб қолдилар.

Саййид Мубаширхон Тарозий 1948 йил зиндондан озод бўлиб, ўз оиласи билан Мисрга кўчиб кетди, 83 ёшида оламдан ўтди.

Саййид Мубашир Тарозийнинг катта ўғли доктор Саййид Насрулло Мубашир ҳозирда Мисрда истикомат қилиб араб, турк, форс тилларида ижод этмоқда.

Иккинчи ўғли доктор Абдулло Мубашир Тарозий 1971 йил Қоҳира университетига илмий даража олишга муваффақ бўлди. У араб, форс, турк, урду тилларидан дарс беради. Маккаи муқаррамада бир неча китобларини эълон этган.

## ВАТАНПАРВАРЛИК ИНСОН ФАЗИЛАТИ

Мархум Бухоро амири ўз хазинасини Бухородан Афғонистонга олиб келмаган ва бошқа жойларга юбормаган эди. Унинг яхши, улуг хислатларидан бири дўстлари, давлат арбоблари, ғариб ва мискинларга совға улашиш бўлган. Умрининг охиригача уни бу хислат тарк этмади.

Бисотидаги моллар вафотидан сўнг оиласини таъминлашга етмаслигини яхши биларди. У Худога таваккал киларди.

Амир Олимхон вафотидан сўнг унинг оиласи ва бошқа яқинларига афғон ҳукумати томонидан қуйидагича маош белгиланди.

Молия вазири А.Ж.Мирзо Муҳаммадхонга фармон 686/26,2070, 1323 йил саратон. Собик Бухоро амири мархум Саййид Олимхон оила аъзоларига қуйидаги миқдорда маош белгилансин:

1. Ҳар бир уйланган ўғли учун - 290 афғони
2. Ҳар бир уйланмаган ўғли учун - 240 афғони
3. Ҳар бир турмушга чиққан қизи учун - 140 афғони
4. Ҳар бир акаси учун - 240 афғони
5. Онаси учун - 240 афғони
6. Ҳар бир хотини учун - 140 афғони
7. Бева қизлари ва уларнинг ўғиллари  
учун - 240 афғони

Афғонистон ҳукумати амир Олимхоннинг Афғонистонда таваллуд топган ворисларини ҳам ажнабий ҳисоблади. Бу эса амир оила аъзоларининг тақдирига манфий таъсир кўрсатди.

Улар таълим олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлдилар. Бу хонадон ёшлари ўзларини афғон ҳисобласаларда, лекин афғонларга бериладиган ҳуқуқлардан маҳрум эдилар. Ўзлари

учун ер, уй сотиб ололмасдилар. Узок муддат бу ҳуқуқдан махрум этилдилар. Сафарга чиқиш, Афғонистоннинг шимолига бориб келиш улар учун ман қилинган эди.

Бош вазир Дониёр Муҳаммад Юсуфхон даврида Афғонистонда демократик ислохотлар ўтказилди. Марҳум Бухоро амирининг оила аъзолари ўз мушкул аҳволлари тўғрисида Афғонистон вазирлигига ариза билан мурожаат қилдилар. Нағижада Бухоро амирининг Афғонистонда таваллуд топган фарзандлари ва бошқа яқинлари Афғонистон фуқароси сифатида тан олинди.

Бош вазир доктор Муҳаммад Юсуфхон лашкаргоҳдаги тўқув дастгоҳларини кўздан кечириш учун келганда мен, яъни муаллиф фабрикада муҳандис бўлиб ишлардим. Фурсатдан фойдаланиб, мен бош вазирга бир гуруҳ мовароуннаҳрлик муҳожирлар ва Хамадон Шох шаҳид қалъасида 26 йилдан бери фақирликда ва тутқунликда ҳаёт кечираётган генерал Иброҳимдек лақаё оила аъзоларининг аризаларини топширдим. Шундан сўнг уларнинг Афғонистон ҳудудида эркин ҳаракат қилиши ва фаолият юритиши тўғрисида вазирликнинг фармони чиқди. Бу Афғонистон ҳукуматининг ижобий тадбирларидан бири эди.

\* \* \*

Амир Олимхон дейди: “Эй ватан, охириги нафасимгача сенга салом дейман. Гарчи сен парча-парча бўлдинг, лекин ҳар бир парчанг бир давлат-ҳокимиятдир. Ватан руҳи менда доим тирикдир.

Миллатлар Лигаси большевикларни жазоламади. Большевиклар Бухоро устидан ўз ҳокимиятини ўрнатганда Миллатлар Лигаси томошабин бўлиб тураверди, Бухорон Шарифни шўролар нега парчалаб ташлади, демади. Бухоро сени парчалаб ташлаганларида бошқа мусулмон давлатлари бепарво қараб туравердилар ва халқингни бадном қилмоқчи бўлдилар. Сенинг номингни жаҳон тарихи саҳифаларидан ўчириб ташламоқчи, шариф номингни жўғрофия саҳифаларидан олиб ташламоқчи бўлдилар. Лекин бунга эриша олмадилар, чунки

сенинг номинг тарих саҳифаларига мустаҳкам ёзиб қўйилган. Тарихдан маълумки, Бухоро халқи сенинг номингни абадий сақлаш учун доим жон-дили билан курашиб келган. Бирор гуруҳ сенинг халқингни фазилатларини йўқота олмайди.

Эй Бухоро, сенинг учун туғилдим, Сенинг учун яшайман ва сенинг ёдинг билан жон бераман. Салом сенга Бухоро”.

Амир Олимхон шу сўзларни айтиб 1943 йил 29 апрелда ҳаётдан кўз юмди.

Амир Олимхон ўғиллари томонидан унинг қабри устига макбара қурилиб мрамартош ўрнатилди. Мрамартошга қуйидаги сўзлар ёзилган: “Бу ҳазира Бухорои Шарифда ҳукмронлик қилган манғитлар сулоласининг еттинчи подшоҳи амир Саййид Олимхон ибн Саййид Абдулахадхон ибн амир Саййид Музаффархон ибн Саййид Насруллохон ибн амир Саййид Хайдархон ибн амир Шохмуродхон ибн амир Дониёлхонниқидир. Марҳум ҳукмронлигининг ўнинчи йили Бухорои Шариф кофир большевиклар томонидан истило этилди ва у қўшни Афғонистон тупроғига муҳожир бўлиб шу ерда паноҳ топди. Бу ерда 23 йил яшаб хижрий 1363 йил 5 жумодул аввалда 64 ёшида дунёдан кўз юмди. Ҳақ таоло унинг руҳини ўз раҳматига олсин. Омин”.